

83 343

А. 50

С. АЛИЕВ

ЎЗБЕК КОМЕДИЯЛАРИ



"ЎЗБЕКИСТОН"

ЎЗБЕК КОМЕДИЯЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус
таълим вазирлиги олий ўқув юрглари учун
ўқув қўйланма сифатида тавсия этган

DIZIMUS ALIF.3R 2910

ОПИСАНО 1999 г

ТОШКЕНТ
«ЎЗБЕКИСТОН»
1997

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Масъул мұхаррір: САФО МАТЖОН

Тақризчи: Файрат Муродов — филология фанлари
помзоди, БДУ доценти

Мұхаррір: З. Каримова

Алиев С.

Ўзбек комедиялари: Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма // Масъул мұхаррір: С. Матжон.— Т.: Ўзбекистон, 1997.— 144 б.

Ушбу қўлланма олий ўқув юртларининг филология факультети талабалари ва адабиётнусларга мўлжалланган. Унда ўзбек драматургиясида лиццатга сазовор бўлган «Майсаранинг иши», «Юрак сирлари», «Тобутдан товуш», «Тошиболта ошик», «Нарвона», «Келинлар қўзғолони», «Темир хотин» сингари комедиялар таҳлил этилади. Булардан ташқари жуда кўплаб бошقا комедиялар ҳақида фикр билдирилади, уларнинг фазилат ва нуқсонлари кўрсатилади, ўзбек драматургиясидаги ўрни ва аҳамияти очилади.

ISBN 5-640-02223-X)

ББК 833 Узя73

№ 160—97

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Республикасининг
давлат кутубхонаси



A 4702620206-15
M351(04)97 97

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1997

КИРИШ

Ўзбек комедияларининг жанр жиҳатидан таснифи ва таҳлилига киришишдан олдин ўзбек адабиётнуслигида ҳажв, адабиётнусликка рус тили орқали Фарб адабиётнуслигидан кириб келган сатира ва юмор атамалари, уларнинг турли даврдаги талқинлари тўғрисида фикр юритиш зарурдек кўринмоқда.

Фарбда Аристотель ва Гегель, Шарқда А. Фирдавсий ва Алишер Навоийдан то ҳозирги давргача бўлган дошишмандлар, шоирлар, ёзувчилар ҳажв ёки сатира ва юмор атамаларини қўллаб, ўзларича талқин қилиб келишмоқда. Мазкур талқинларда муштарақликлар ҳам, тафовутлар ҳам бор. Бу эса англашмовчиликларга олиб келишин табиий.

Сатира ва юморининг бир-биридан фарқи нимада? Ўзбек тилида ҳажв фақат сатира маъносини билдириб келадими ёки юморни ҳам ўз ичига қамраб оладими? Юмор атамасини ўзбек адабиётнуслигига таржима қилмай бериш керакми ёхуд унинг ўрнини босадиган бирон атама қабул қилиш шартми? Бундай баҳслар илгарилари ҳам бўларди. Назаримизда, ўзбек тилига давлат мақоми берилгач, бу масалага аниқлик киритиш илм-фан ва халқ таълими тараққиёти учун зарур ишлардан бўлиб қолди.

Абулқосим Фирдавсий (935—1025) ўзининг жаҳонга машҳур «Шоҳнома»сини менсимаган Султон Маҳмуд Газнавийдан қаттиқ рањиб, унга қарши ҳажв ёзади. Шунда «ҳажв» сўзи ўрнида «хижъ» сузини ишлатади:

Ки шоир рањирад бигуяд хижъ,
Бимонад ҳижъ то қиёмат ба жо
AR № 4056

Ранжиган шоир ҳажв яратса агар,
Янграпар у қиёмат кунига қадар.

(Ш. Шомухамедов таржимаси)

Демак, А. Фирдавсий яшаган ва ундан кейинги даврларда араб ва форс-тоҷик тилларида «ҳажв» (ҳажв — арабча сўз бўлиб, масхаралаш маъносини англатади. Қаранг: Фарҳанги забони тоҷики. 2-жилди. Москва. 1969, 742-бет) сўзи билан бир қаторда «ҳижо» (ҳижо — арабча сўз бўлиб, масхаралаш ва бўгин маъноларини англатади. Ўша лугат, 748-бет) сўзи ҳам бирорни масхаралаш, унинг устидан кулиш маъносида қўлланилган.

Гап ҳижо ва ҳажв атамалари ҳақида бораётган экан, XI асрда яшаб ижод қилган бошқа форс-тоҷик шоири — Унсурулмаолий Кайковуснинг «Қобуснома» асарида ўз ўғлига васият қилиб қолдирган фикрларини келтирамиз: Кайковус ўз ўғлига: агар шоир бўлсанг, маддоҳ бўлма, ҳақиқатни ёз дейди. «Ғазални гўзал ва равшан ёзгил, мадҳ ёзишда бақувват ва балаандхиммат бўл. Ҳар бир одамга лойиқ айтгил ва ҳар бир кишининг қадрига қараб шеърни билиб ёзгил. Агар одамда қаҳрамонлик бўлмаса, уни шиҷоатли, баҳодир деб мақтамагин...» (Қобуснома. Тошкент. 1967, 113-бет. Форс-тоҷик тилидан Огаҳий таржимаси. Тақдим С. Долимовники).

Қизиги шундаки, ҳаётнинг кўп аччиқ-чучугини кўрган Кайковус жуда эҳтиёткорлик билан ўғлига ҳижо (ҳажв) ёзмагил, дейди («Қобуснома»нинг форс-тоҷикчадан ўзбекчага таржима қилинган юқорида эслатилган нусхасида таржимон шу насиҳатни қисқартиргани учун мазкур иборани ўз таржимамида келтирамиз): «Ва ҳижо гуфтан од макун, ки ҳамеша сабўй аз об дуруст барнаёйд» («Ва ҳижо айтишга одатланмагилки, сопол кўза ҳаммавақт ҳам сувдан бутун чиқмайди») Бироқ Кайковус ўша бобнинг ўзида фикрини ривожлантириб ҳижо — ҳажвни қандай тушунгаилигини билдиради: «Агар ҳажв ёзишни билмасанг, мадҳининг тескарисини ёзгилки, бу ҳажв бўлади...»

Кайковус сўзларидан иккى парсани билини мумкин:

- 1) ҳажв деб мадҳ (мақтот)нинг тескарисини тушунган;
- 2) ҳажв ёзиш ўша даврда ҳам хавфли иш бўлган.

Фарӯз адабиётини ва адабиётшунослигида шу тушунча

(С. Долимов, М., 1974, с. 310) атамаси бўни да берилган.

Шарқ адабиётни ва адабиётшунослигида мазах (мазок), ҳазил, мутойиба, зарофат, заҳарханда, киноя, пичинг, кесатиш каби атамалар мавжуд бўлишига қарамай, XX аср адабиётшунослигида Фарбаги сатира ва юмор атамалари ҳам ҳажв атамаси билан ифода қилиб келинмоқда.

Бизнингча, сатирани ҳажв, юморни ҳазил, мутойиба, зарофат атамалари билан бериш мумкин. Бироқ бу фикр ҳали жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланмаётганидан мазкур тадқиқотимида биз ҳам юморни ниг ўзини ишлатишни маъқул кўрдик.

Сатирада ҳам, юморда ҳам асосий восита кулгидир.

Сатира — аччиқ, фош қилувчи, ер билан яксон қилувчи, масхараловчи, заҳарли кулги.

Юмор — енгил, дўстона, табассумли, ҳазиломиз кулги. (Юмор — инглизча феъл — автор сўзидан ва лотинча суюқлик сўзидан олинган. Қадимги замонларда кишилар ер юзида барча мавжудот тўрт унсур — суюқлик, ўт, ҳаво ва тупроқдан яратилган деб ўйлаганлар. Шунга боғлиқ ҳолда одамларда ҳам тўрт мижоз (темперамент) бор, деб ҳисобланган: ҳўл, иссиқ, қуруқ ва совуқ. Қаранг: Пинский Л. Е. Юмор. Краткая литературная энциклопедия. 8-том, М., 1975, с. 1012). Сатирада газаб ва пафрат бор, юморда тегажоқлик, меҳрибонлик, «дўст чангини қоқиши», уни тоза ва табиий қиёфада кўриш ҳисси кучли.

Ҳаётда, ҳалқ оғзаки ижодида, ёзма адабиётда ҳам сатира ва юмор орасида диалектик алоқа бор. Бунинг маъноси шуки, улар бальзан чатишган, қоришиқ ва бальзан бир-бирига зид ҳолда келадилар. Лекин бирон бир асарда қайси компонент нисбатан кўпроқ бўлса, ўша асар аниқловчиси бўлиб келади. Масалан, А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» комедиясида сатира ва юмор аралашиб келади. Бироқ асар руҳида юмор сатирага нисбатан устуник қилганидан бу комедияни юмористик комедия, дейиш маъқулроқдир. Шунингдек, муаллифнинг «Сўнгти шусхалар» («Тобутдан товуш») комедиясида сатира юморга нисбатан кўпроқ ва салмоқлироқ ўрин олган, шу сабабли асарни сатирик комедия деймиз.

XX аср ўрталарида санъатшунослик ва адабиётшуносликда сатира ва юморнинг бир-биридан фарқи, улар

жуде. Бу кандай тақида ўзбек сатирик асарлардан музалифлардан рус адабиётшунослари Я. Элсберг, Ю. Борев, (Я. Эльсберг. Вопросы теории сатиры. М. 1957; Ю. Борев. О комическом. М. 1957), Д. Николаев, ўзбек адабиётшунослари Х. Абдусаматов, А. Абдугафуров, Н. Рахимов, Р. Муқимов, Х. Раззоқов (Х. Абдусаматов. Ўзбек совет сатирасининг бальзи масалалари, Тошкент, 1960; шу муаллиф Ўзбек совет сатираси масалалари, Тошкент, 1968; А. Абдугафуров. Ўзбек демократик адабиётида сатира, Тошкент, 1961. Н. Раҳимов. Ўзбек совет сатираси тарихидан (1917—1959), Тошкент, 1962; Р. Муқимов. Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор (Алишер Навоий номидаги Сам ДД асарлари. Ўзбек сатирасининг айрим масалалари, 143-нашр. Самарқанд, 1964; Х. Раззоқов. Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор (Фаргона материаллари асосида), Тошкент, 1965) ва бошқалар ҳар бир тадқиқот предмети — таҳлил доирасига тортилган бадиий асарлар ва чекланган замонга боғлиқ ҳолда муаммонинг муайян томонларини ёритишди. Талқинда янгилик ҳам, анъанавийлик ҳам, тағовут ҳам, қарама-қаршилик ҳам йўқ эмас. Масалан, Юрий Борев ўзининг «Комедиявийлик ҳақида» деган китобида қизиқарли фикрларни баён қиласди. Унинг фикрича, сатира кўпроқ салбий ҳодисаларни фош қилишга қаратилса, юмор асосан ижобий ҳодисаларга қаратилади. («Оттенком смеха, отличным от сатиры является юмор. Он примевается... главным образом к положительным в целом явлениям» (Эслатилган асар, 137-бет). Борев сатира ва юмор фарқини чалкаштириб юборади. Унинг фикрича, нуқсолларни фош қилувчи асарларда кулгисиз ҳам сатира бўла олади. (О комическом. М., 1957 й. 126-бет). Бошқа бир масалада ҳам унинг фикрига қўшилиб бўлмайди: унинг қарашларида баъзан танқид билан сатира ўртасида фарқ йўқолади (Ўша асар, 134-бет).

Ўзбек сатиравуносларининг бальзи асарларида сатира, юмор, ҳажв, комедия каби атамаларни ишлатишда чалкашлар бир-бирига мантиқан мос келмайдиган талқинларни учратамиз. Мисол учун икки кўчирма келтириб, уларни шарҳлаймиз.

«Ўзбек совет драматургиясининг биринчи асари Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмаси бўлса, ўзбек совет комедиясининг, демак сатиравуносининг ҳам биринчи асари шу авторнинг «Тұхматчилар жазоси» (1918) номли икки

роли тарзидан (1917—1955), тошкент, 1962, 26-бет).

Бунда сатира ва комедия атамалари орасидаги фарқ ювилиб кетган.

Гарчи, Ойдиннинг «Ямоқчи кўчди» ҳикояси характер эътибори билан сатирик асар бўлмаса-да, унда айрим ҳажвий ўринлар (масалан, Эргаш ямоқчининг хотини образида) учрайди. Талантли адабамиз Ойдин ўзбек совет сатиравини кўпроқ юмористик образлар билан бойитди» (Н. Раҳимов. Ўша асар, 88-бет).

Нима бу, сўз (аниқроги атамалар) ўйиними? Биринчи мисолда аввал сатира кейин ҳажв атамаларини қўллаш, улар бошқа-бошқа фикрни англатади, деган маъниони билдирилмайдими? Бунда ҳажв ўринида сатира ёки юмор атамасини ишлатиш мантиқан дурустроқ бўлмайдими?

Сатиранинг посатирик асарлардан (эпос ва драмадан) фарқи ҳақида гап боргандা бундай асарлардаги конфликтнинг ўзига хос хусусиятларига тўхтадмоқ зарур. Бу вазарий масала сатиравунос олим Д. П. Николаевнинг «Қулги — сатира қуроли» деган тадқиқотида яхши ёритилган. Д. Николаевнинг фикрига кўра, эпик ва драматик асарларда конфликт эскилил билан янгилик, салбий кучлар билан ижобий кучлар, қолоқ ҳодисалар билан илгор ҳодисалар ўртасидаги қарама-қаршиликларда бевосита, очиқдан-очиқ давом этади. Сатирада эса, ҳажвий конфликт, бу бирон ҳодисанинг, ижтимоий тип ёки типларнинг идеал билан зиддиятлари орасида давом қиласди, бундай қарама-қаршилик ҳодисанинг ёки типининг шакли билан моҳияти ўртасидаги қарама-қаршиликдан келиб чиқади (Д. Николаев. Смех — оружие сатиры. М., 1962 й. 67-бет).

Масалан, «Ревизор»да пойтахтдан келган олифта Хлестаковни зоҳирига қараб терловчи деб қабул қилишади. У аввалига буни тушумай қўрқади, кейин лайқаб қолгач, ўзини кутиб олган шаҳар ҳокими ва амалдорларнинг анқовликларидан фойдаланиб, бир оз давр суради.

Шаҳар ҳокими ва унга тобе амалдорлар аслида (идеалга кўра) оқил, адолатли, самимий, тадбиркор бўлишлари керак. Бироқ реал ҳаётда улар тутган мавқеларига мувофиқ эмаслар: майдагап, гийбатчи, худбин, қўрқоқ, носамимий, юқори мансабдорларга писбатан хушомадгўй, итоатидагиларга писбатан қўпол ва адолатсиз зотлардир.

рама-қаршилик комедия сюжетини ҳаракатга келтирадан кучдир. Н. В. Гоголь «Ревизор»да амалдорлар мұхитидаги реалликпинг идеалға зиддигини күлгі восита сида фош қиласы. «Майсаранинг иши»да эса асли вазифалари шариатни ҳимоя қилиш бўлган Қози, Аъзам ва Ҳидоят маҳсумларнинг ўзлари шу шариат талабарини энг қўйпол шаклда поймол қилишади.

Сатирик конфликтли сюжетлар икки тиңда бўлади Д. Николаев. Смех — оружие сатиры (100-бет); 1) салбий персонажларнинг ўзаро конфликтига асосланган сюжетлар. Бундай асарларда сатирик персонажлар ҳам ўзларини, ҳам бир-бировларини фош қилишади. Масалан, «Ревизор»да Хлестаков, Антон Антонович Дмухановский (шаҳар ҳокими) ва амалдорлар ҳам ўзларининг майдачуда одамлар экапликларини, ҳам бир-бировларининг нуқсонларини фош қилишади; 2) салбий ва ижобий персонажларнинг бир-бираига қарши қўйилишига асосланган конфликтли сюжетлар. Масалан, «Майсаранинг иши»даги сюжет. Бу тиңдаги конфликтли сюжетда биринчи тиңдаги салбий персонажлар ҳам ўзларини, ҳам бир-бировларини фош қилишади. Шу билан бирга, салбий қаҳрамонларни фош қилишда ижобий персонажлардан ҳам фойдаланилади. «Тобутдан товуш» комедиясида Қори, Сухсупов, Нетайхон ва Юсуфлар бир-бirlарини ва ўз башараларини очиб кўрсатадилар. Шу билан бирга, милиция капитани Наврӯзов, Обиджон, Ҳожар каби ижобий персонажлар Сухсупов ва унинг тарафида турганларни фош қилишади.

Қисқа қилиб айтганда, сатирик, шу жумладан комиқ конфликт, халқ ибораси билан айтганда «оти улуг, супраси қуруқ» кишилар ўртасидаги конфликтдир.

Ўзбек театршунос олимни Мухсин Қодиров китобларида бирида сатира ва юмор ҳақида фикр билдиради: сатира кулгиси — «ғазабли заҳарханда», юмор кулгиси — «таркибида танқид бўлса-да, дўстона ва хайриҳоҳ кулигидир» (М. Қодиров. «Ўзбек халқ оғзаки драмаси». Тошкент, 1963 й., 113-бет). Бу фикрга қўшилган ҳолда шуни қайд қилиш керакки, танқид фақат сатира таркибида бўлибгина қолмай, юмор таркибида ҳам бўлади.

Мазкур тадқиқотниң бош предмети ўзбек комедиялари бўлганидан комедия атамасига ҳам тўхталиш керак.

Комедия драматик турнинг бир жанри (жинси)

кулгили руҳда акс эттирадиган саҳна асаридир. (Комедия — юнонча сўз бўлиб, комедия — қувноқ оломон маъноларини англатади. Қаранг: Словарь литературоведческих терминов. Редакторы — составители Л. И. Тимофеев и С. В. Тураев, М., 1974, с. 140).

Комедия сюжетини ҳаракатга келтирадиган воситалардан бири комиқ конфликт ёки коллизия бўлса, бошқаси интригадир. Интрига атамасининг муқобилларини адабиётшунос Бердиали Имомов ўзининг тадқиқотларида фитна, иғво, ҳийла-найранг каби ўзбекча эквивалентлар билан белгилайдики, бу ташаббусни қўллап керак (Б. Имомов. «Ҳаёт ва драматик конфликт». Тошкент, 1968 й.).

ХХ асрда КПСС адабиёт ва санъат аҳлидан коммунистик партиявийлик ва синфиийлик мавқеида туриб ижод қилишини талаб қилди. Хусусан бу талаб шўро даврида буйруқ кучига эга бўлди. Шу буйруққа итоат қилмаган ижодкорлар таъқиб остига олинди. Асосий диққат синфиийлик ва партиявийликка қаратилгач, реал воқеликдан узилган, уйдирмалар билан тўлиб-тошган схематик асарлар пайдо бўлди, улар китобхонлар дидини ўтмаслашибиди. Ундай асарларда чинакам бадиийлик, жозибадорлик йўқ даражада эди, муаллифлар поэтика масалаларидан — бадиий шакл, қизиқувчанлик, оригинал сюжет, композиция, конфликт, интрига, афсона элементларидан, бадиий ва жонли тил хазинасида кам фойдаландилар. Оқибатда саҳнада узоқ турмайдиган, кишиларни театрдан совутадиган саҳна асарлари кўпайиб қолди. Масаланинг эстетик томони, умуминсоний гоялар, фикрлар ранго-ранглиги ва ҳис-ҳаяжонни санъатга хос бадиий либосда бериш ҳақида кам қайгурилди. Мана, 90-йилларга келиб ўша пьесаларнинг кўпчилигини саҳнага қўйиб бўлмайди.

Мумтоз драматургларнинг, шу жумладан, комедиялависларнинг асарларини эса бу кун ҳам бемалол саҳнага қўйиб бўлади. Масалан, француз комедиянависи Ж. Б. Мольернинг (1622—1673) «Тартъюф», «Зўраки табиб» ва бошқа комедияларини саҳнага қўйиш мумкин. Уларда синфиийликдан кўра умуминсоний қараш ва ҳаёт лавҳалари ўз аксини топган. «Зўраки табиб» спектаклини 1992 йилнинг 1 февралидаги Ўзбекистон Рус ёш томошибиллар театри ўзбек тилида республика телевидениеси орқали кўрсатди.

нече драматургларнинг турғуллик ишларида саган асрларини бу кун кўрсатиб бўлмайди. Бу муаллифлар учун муштарак ижодий услуг — бирон партиявий гояни диққат марказида тутиб, ўша гояни тарғиб этиш асосий ўринни эгаллади. Сарвар Азимов «Қопли сароб» пьесасида турли тарихий сабаб билан чет элларга кетишга мажбур бўлганларнинг ҳаммасини «ватангандолар», «фашистларнинг ювиндихўри», «ватан хоинлари» қилиб кўрсатишга бутун кучини сафарбар қилган.

XX аср ўзбек комедиянавислигига кучли конфликт ва кулгили ҳийла-найранг (интрига)лар, адашин ёки билмай хатога йўл қўйишга асосланган, узоқ вақт саҳнада яшаган комедиялар ҳам оз эмас. «Майсаранинг иши», «Юрак сирлари», «Тобутдан товуш», «Парвона», «Келинлар қўзголони», «Темир хотин» каби асарларни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин.

Ниҳоят икки оғиз сўз атамаларни қўллаш ҳақида.

Фарб ва Шарқ адабиётшунослигидан ўзбек адабиётшунослигига ўтган атамаларнинг ўзбекча муқобилини топиб ишлатиш жуда қийин. Чунки бу жуфтлар оммалашмаган ва кўпчилик томонидан ўзлашмаган, ўзбек адабиётшунослари эътироф қилиб улгурмаган. Хуллас, кўпчилик бир маънода ишлатмайди. Мисол учун драматизм атамасини олиб кўрайлик. Театр ва драматургияга оид бир қанча тақриз, мақола ва рисолалар ёзган ўзбек адабиётшуноси мархум Баҳодир Гуломов ўзининг «Сафдошлар ва издошлар» рисоласида бу атамани «ҳаракат», «амалият», «дард» сўалари билан беришга ҳаракат қиласди. Муаллифи шу атамани касбдошларим эътирозсиз қабул қиласмиш, деган фикр безовта қилган бўлса керак, у рисоланинг бир ўрнида шундай ёзди: «Амалият» сўзини бу ерда, бундан бошқа жойларда ҳам шартли равишда «ҳаракат» термини ўрнида ишлатамиз. «Бу зарурият кўплаб бир сўзни тақрорлай беришдан қочиш учун туғилди». (Б. Гуломов. «Сафдошлар ва издошлар» (драматургия ҳақида мақолалар). Тошкент, 1980., 25-бет). Шу изоҳдан кейин ҳам рисолада «ҳаракат», «амалият», «дард» билан бир қаторда «драматизм» атамасини қайта-қайта ишлатади.

Драматургия ва театрга оид атамаларни ишлатишида бу сатрлар муаллифи ҳам ўз касбдоши Б. Гуломов тушган оғир вазиятга тушди, тоҳ Шарқ, тоҳ Фарб тиллары

қистоншинг мустақил давлат бўлганлиги шарофати билан фақат адабиётшунослик соҳасидагина эмас, балки фан ва техниканинг барча соҳаларида Шарқча ва Farbcha атамаларни имконияти борича ишлатиш жараёнини тезлаштириди. Атама ишлатишида беқарорлик анча пайтгача чўзилса керак. Шунга қарамай, бора-бора кўпчиликнинг саъй-ҳаракати ва Жумҳурият ҳукумати қошида тузилган Атамалар қўмитаси бошчилигига бу борада нисбий бир хиллик ва барқарорликка эришиш мумкин бўлади деб умид қиласиз.

Хулосада яна бир саволга жавоб бермоқчимиз: умуман ҳажвий, хусусан комедиявий асарлар ҳақида илмий ишлар ёзишга эҳтиёж борми? Атоқли комедиянавис Саид Аҳмад таниқли адабиётшунос Умарали Норматов билан сухбатда (унинг саволларига жавоб бературиб) бундай деди: «...Ҳажв ҳаётимизни безайдиган, руҳларимизни енгиллатадиган ва шу билан бирга, ҳаётимиздаги ишлатларни туртилаб турадиган, йўлдан чиққанларни кўнчилик орасида пўстагини қоқадиган гоявий қурол ҳаидир. Шунинг учун ҳам биз олим ўртоқларимиздан ҳажв тўғрисида яхши-яхши илмий асарлар яратишларни илтимос қиласиз» (Саид Аҳмад. Сайланима. Уч жилдлик. Учинчи жилд. Тошкент, 1982, 589-бет).

Қўлингиздаги тадқиқотни ҳам муаллиф ўзбек комедияларининг жанрий таснифи ҳамда мазмун ва шаклларининг таҳлилига бағишлади, Саид Аҳмад айтган вазифанинг бир қисмими баҳоли қудрат бажаришга ҳаракат қиласди. Унинг ишни қанчалик улдалай олганлигига гибобхонлар баҳо берарлар, деган умиддамиш.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинганига беш йил тўлди. Мустақилликни мустаҳкамланий ўлида Ҳукумат ва ҳалқ олиб бораётган иқтисодий, сиёсий, маданий тадбирлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Мустақиллик гояси фан ва маърифат тараққиётига ҳам кучли ижобий таъсир кўрсатмоқда. Миллий гоя мазкур тадқиқот учун ҳам йўлчи юлдуз бўлди: комедияларга шу миллий гоя ва мустақиллик мавқеида туриб баҳо беришга ҳаракат қилинди. Бунинг учун адабий танқиддаги дорматик қарашларга, катагон сиёсати мавқеида туриб бадиий асарларга баҳо беришларга танқидий муносабатда бўлинди.

Маълумки, XX асрда ўзбек тилида кичик ва катта

айрим кишилар архивида қолиб кетган. Шунинг учун бу сатрлар муаллифи фақат пашр қилингани ўзбек комедияларининг таҳлил доирасига тортди.

Ҳар бир пьесани биринчи марта қаламга олганда унинг босма манбай ва бети пойгирда тўла кўрсатилди. Уша нашрдан тақорор кўчирмалар келтирилганда матнинг ўзида — қавс ичида босма манбанинг бети кўрсатилди.

КУЛГИ – ФАРС ЖАНРИ

Биринчи ўзбек комедияларини Абдулла Авлоний ва Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийлар яратганлар. Бизгача матни келиб етган илк ўзбек комедияларидан бири Абдулла Авлонийнинг 1914 йилда ёзган «Адвокатлик осонми?» асари бўлиб, унинг сарлавҳаси остига «Бир пардалик кулги» деб ёзиб қўйилган. 1914 ёки 1915 йилда ёзилиб, матни сақланмаган Ҳамзанинг «Мулла Нормуҳаммад домланинг куфр хатоси» асари ҳақида 1915 йилда босилган шу муаллифнинг «Миллий ашуалалар учун миллий шеърлар мажмуасидан биринчи бўлим» охиридаги эълонда «Мулла Нормуҳаммад домланинг куфр хатоси», «Тиётирув, бир пардада комедия. Никоҳ мажлисидан иборат, бир ёш ила имом мунозараси» (Ҳ. Ҳ. Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Иккинчи қисми. Тошкент, 1988, 467-бет), деб қайд қилинган.

Демак, Ҳамза ўзбек драматургларидан биринчи бўлиб, «комедия» атамасини қўллаган. Бироқ ундан кейин ёзилган бир-икки пардали кулгили саҳна асарлари сарлавҳалари остига муаллифлар ўзбек томошабинига тушунарли бўлган «кулги» (батъзан «кулгу») сўзини ишлатадилар. Шундай қилиб, оддий «кулги» сўзи атама даражасига кўтарилади. Бироқ ҳалигача ўзбек драматургияси ва театри тарихига оид илмий тадқиқот ва илмий-оммабон адабиётларда «кулги» жанр атамаси сифатида тан олинмаган — шу сифатда ишлатилмайди. Бизнингча, 1914—1930 йиллар ўзбек комедиографиясида «кулги жанри» атамаси — комедиянинг кичик хажмдаги бир шакли сифатида муомалага киритилиши керак. Уни тилимиздаги оддий «кулги» (ханда) сўзидан фарқ қилиш учун «кулги жанри» бирикмаси шаклида ишлатиш мумкин деб ўйлаймиз.

маси билан тадқиқ қилинадиган асарлар рус драматургияси ва Гарбда «фарс» атамаси билан юритиладиган жанрга ўхшайди.

Илмий жамоатчилик эътироф қилган адабиётларда фарс — Гарбий Европа ўрта аср театрининг кичик комик жанри сифатида талқин қилинади. У дастлаб Францияда XII асрда вуижудга келиб, XIV—XVI асрларда гуллаган ва бошқа халқларда ҳам ривожланган.

Гарб фарсларининг икки манбай бўлган: а) ибодат гапларига ҳазил гапларни тиқишириш. Атаманинг лугавий маъноси ҳам шунга боғлиқ; фарс французча сўз бўлиб, русчаси «начинаю» бўлади. Буни ўзбекча «тиқишираман», «жойлайман» сўzlари билан ҳаржима қилиш мумкин; б) майдон карнавалларидаги масхарабозлик, шўтқаралик, ҳазил-мазок элементлари (А. Д. Михайлов, Фарс, Краткая литературная энциклопедия. 7- том, 900-бет).

Ўзбек кулги рисолалариининг ўзига хослиги — ўзбек тилининг кулги жилолари — киноя, ҳазил, қочирим, заҳарханда ва шунинг кабилар ҳамда асқия, пайров, сўз ўйини (лутф) ва латифалардан усталик билан фойдаланишдан иборатдир.

Асримизнинг 10—20-йилларида яратилган ўзбек кулги жанри (ўзбек фарслари) мазмунининг ўзига хослиги билан ҳам рус ва Гарб фарсларидан ажralиб турди: ўзбек кулги жанри ўзи яратилган тарихий шароитдаги ўзбек турмуш тарзи, халқ ижтимоий оғгини кўрсатишга доир ўй-фикрлари, келажак ҳақидаги орзулари (зулмат — нодонлик ва жаҳолатни қоралаш, зиё-маърифат ва юксалишини тарғиб қилиш орқали миллатни жаҳоннинг илғор миллатлари даражасига кўтариш истаги) билан боғлиқдир. Ўзбек кулги жанрида Афанди латифалариининг рухи кучли.

Маълумки, Афанди бир латифада жуда доно, ҳозиржавоб шахс (Подшоҳ, Вазир ва Афандининг саёҳатга чиқишилари, Афандини мулзам қилини учун ўз чакмонларини ечиб Афандига кўтартиргайлари ҳамда унга: «Афанди, Сиз бир эшакнинг юкини кўтара япсиз-а?» дейишилари, Афандининг уларга: «Йўқ, тақсирлар, мен икки эшакнинг юкини кўтаряпман» дейиши); бошқа латифада жуда содда, гўл ишонувчан қиёфада кўриниши (Афанди кўчага чиқиб қараса, одамлар бир тарафга

юришлар деб датдега ҳамиша, буни курган бир кишининг келиб: «Афанди, бундай қилманг, ҳамма бир томонга юрса, оғирлик қилиб ер ағдарилиши мумкин», дейиши; Афандининг буига ишониб, уйга қайтиши ҳамда ёнида қолган хотинига: «Менга яқин келма, уйнинг нариги чеккасида туриб гаплаш, бўлмаса иккимизнинг оғирлигимиз билан уйимиз аганаб кетади» дейиши) билан фарс қаҳрамонларига яқин туради.

Гап шундаки, бир ёки икки пардали кулгили саҳна асарлари 30- ва ундан кейинги йилларда ҳам ёзилган. Бироқ уларга нисбатан «кулги жанри — (ёки фарс) атамасини ишлатишдан кўра шу даврда муаллифлар, артистлар ва томошабинлар тили ва онгига кириб ўзлашган «комедия» атамасини ишлатиш жоиз. Нега? Бу давр кулгили саҳна асарларида Афанди латифалариининг руҳи деярли сезилмайди. Шунинг учун биз мазкур рисоламиз охирида «Бир пардали комедиялар» бобида улар ҳақида фикр юритиш ниятидамиз.

Хозирча ўзбек «кулги жанри» (ўзбек фарслари) таҳлилига ўтамиз.

Абдулла Авлонийнинг (1878—1934) «Адвокатлик осонми?» асарини биринчи ўзбек комедияси деб қарап мумкинми? У қачон ёзилган, саҳнага қўйилган ва босилиб чиққан? Бу ҳақда илмий адабиётларда турлича маъдумотлар бор. Ўзбек театри ва драматургияга оид материалларни йигиб китоб ёзган тарихчи Миён Бузрук Солиҳовнинг қайд қилишича, «Адвокатлик осонми?» 1917 йилда ёзилган ва саҳнага қўйилиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлган (Миён Бузрук Солиҳов. Ўзбек театри тарихи учун материаллар. Т., 1935, 83-бет). А. Авлонийнинг педагогик қарапшари ҳақида биринчи илмий рисола ёзган муаллифлар А. Авлонийнинг 1913 йилда «Турон» труппасини тузгалиги, унинг саҳнасига озарбайжон, татар, рус драматургиясидан таржима қилинган пьесалар ҳамда биринчи ўзбек пьесаларини саҳнага қўйганлиги, 1914—1916 йилларда шу труппа Тошкент ва Фарғона водийси шаҳарларида халққа томошалар берганликларида «Адвокатлик осонми?»ни ҳам кўрсатганини эслатадилар (А. Бобохонов, М. Махсұмов. Абдулла Авлонийнинг педагогик фаолияти ва таълим-тарбия тўғрисидаги фикрлари. 1966, 69—70-бетлар). Пьесанинг қўлләзмасидан фойдаланиб унинг мазмунини баён килган ва бир-икки образларига тавсиф берган тे-

ни 1916 йилда ёзилган ва ўша йилнинг сентяброда «Турон» труппаси саҳнасига қўйилган, дейди (*M. Раҳмонов*. Ўзбек театр тарихи (XVIII асрдан XX аср аввалигача ўзбек театр маданиятининг тараққиёт йўллари). Т., 1968, 342—346-бетлар). Пьеса биринчи марта 1979 йилда нашр қилинди. Уни адабиётшунос Бегали Қосимов босмага тайёрлади ва пьесанинг 1914 йилда ёзилгандигини аниқлади.

Демак, ўзбек комедиографиясининг тарихи Абдула Авлоний номи ва 1915 йил санаси билан бошлиниади.

*М. Раҳмонов*нинг китобида театр тарихи ва айrim саҳна асарларига объектив, тўғри талқинлар билан бир қаторда тургушилик даврида тадқиқотчилар йўл қўйган хатолардан бири (санъат ва адабиётнинг синфиyllигига керагидан ортиқча тўхталиш)га ҳам ўрин берилган бўлса-да, «Адвокатлик осонми?» асари умуман тўғри баҳодланган. У ёзди: «Адвокатлик осонми?» кемедияси Авлонийнинг дастлабки тажрибаси бўлишига қарамай, унинг сюжети бирмунча ихчам ишланган, кулги чиқариш ситуацияларини топа олган, унинг персонажлари ҳам турли миллат ва турли касб әгалари бўлганидан индивидуаллик хусусиятларига эга... шубҳасиз, бу кичик комедия келажакда ўз (ўзбек — *C. A.*) драматургиясининг яратилиши соҳасидаги илк шарафли қадамлардан бўлиб қолади (*М. Раҳмонов. Ўзбек театр тарихи*, 345—346-бетлар).

«Адвокатлик осонми?» да ўрта савиядаги ўзбек зиёлисининг ўз халқи қолоқлиги, жоҳиллиги, ҳуқуқшунослик илмидан хабарсизлигидан порозилиги ўз ифодасини топган. Муаллиф бу тояни мусулмон адвокати Давронбек ва унга арга келган мижозлар диалоги орқали беради. Асарда драматизм ва комизм вазиятлари бирбири билан алмашиниб боради. Давронбек чет элда 7 йил ўқиб ўз ватанига қайтган. Бу даврда халқим анча ўстган, юртим анча обод бўлган бўлса керак, деб ўйлайди. Бирорқ уйга қайтгач, ҳамон ўша қолоқлик ва жаҳолатни кўриб кайфи учади. «Лекин келуб кўраманки, яна эски ҳаммом, эски тос, турган еридан зигирча ҳам қимирламагон, илгари босмагон, илм ва маорифдан асар йўқ. Эл бутун тошдек қотгон, тараққиёт, маданиятдан нишон ҳам йўқ. Халқ таасуб чуқурига қараб юз тубан кетгон» (*А. Авлоний, Тошкент тонги*, 300-бет).

лаб бу жоҳил даъвогарларнинг ҳукумат қопунилари ва муомаланинг маданий шакаларидан хабарсизликларидан, соддалик ва жоҳилликларидан келиб чиқади. Ер сотган деҳқон Худойберди адвокат Давронбекка келиб, ўз муддаосини (ерини тортиб олмоқчи бўлганлар билан можаросини) лўнда қилиб айтольмайди. Унга бир гапни тушунтириш ҳам осон эмас (у кар). Адвокат учун керакли гапларни айтмай, сўзни узоқдан, турмуш икир-чикирларидан, васиқани ўқиб беришдан бошлайди. Бу ҳолат адвокатни зериктиради. Худойберди бир сўм бериб ариза ёздирумочи бўлади. Адвокат эса каттароқ ишни кутаётган эди, шунинг учун зарда билан унга «Соат учда кел, ариза ёзиб бераман», дейди.

Худойберди (ўрнидан туриб, аччиқ ила). Ҳммм... болам! Нимага мунича зарда қиласан? Ман санга текинга ариза ёзуб бер девотманми? Ёзганда пулга ёзуб берасан. Жаҳлинг чиқадурғон бўлса, адвокатлик қиласа!.. Ҳммм... болам, адвокатлик осонми? (303)

Адвокатдан мадад сўраб келадиганлардан бири от йўқотган ҳожик Хушвақт. Унинг тоҷикча ва ўзбекча сўзларни аралаштириб сўзланиши ҳамда адвокатнинг хизматчиси Абдуқабборнинг кесатишлари ҳам кулгилидир. Бир парча келтирамиз:

Давронбек. Чакир, кирсун.

Хушвақт (кирар). Ассалому алайкум, хўжайин, акуни абдивакат бўлғонсан, биз санинг олдингга келгонмуз. Акуни, хўжайин, манини от йўқотгон. Сан билтанки, тавоқдек яғири(иг) бор. Яғиришни устинига, зангар ёгиндан сурғонсан. Буку... кун уч кун бўлди, қайси гўрга кетғоннинг билмаймуз. Қидирасан, қидирансан,— тополмайсан. Агар топиб берасан, беш танга суюнчи берасан.

Абдужаббор. Суюнчини ким беради? Сен берасанми, хўжайин берадими?

Давронбек (кулур). Отни ким йўқотгон, ким қидирғон? Суюнчини ким беради?

Хушвақт (аччиқ ила). Акуни, адвокат бўлғонсан, гапга тушунмайсан. Отингни мен йўқотгансан, мен қидирғонсан, сан суюнчи берасан.

Абдужаббор (кулиб). Ким суюнчи беради? Хўжайин санга берадими, сен хўжайинга берасанми?

Хушвақт (Жабборнинг ёқасидан тутиб, хар иккиси бўгишур). Акуни, санки, абдивакат ийнсанни, юрмай-

қиласан, куласан» (304)

Арзга жуҳуд Рапсил (Рафаэл) келади. У дўкондор, насияга мол сотган. Унинг нутқидаги Бухоро яхудийларининг тожикча сўзларни ўз интонацияларига мослаштириб гапиришлари, «Гарамжон акуни» («Үргилайин энди») деб мурожаат қилишлари характерни индивидуаллаштиришда муҳим аҳамиятта эга. Адвокат унга ҳам соат учда кел, арза ёзиб бераман деб ваъда беради. Давронбек ўзича шундай ўйлади: «Мен мусулмонларининг ҳол-аҳволларин кўриб хафа бўлсан, жуҳутларнинг орасида ҳам шунаقا эзма кишилар бор экан. Албатта дунёдан хабарсиз, илму маорифдан хабарсиз қавмларнинг ҳол-аҳволлари шундай бўлур» (309).

А. Авлоний ўз асарида турли ижтимоий табақа аҳволини кўрсатар экан, камбагал ўзбек хотин-қизлари аҳволининг аянчли манзарасини ҳам акс эттиради. Буни эри билап уришиб, ундан ажralмоқчи бўлган Мехринисонинг адвокатдан мадад сўраб келганида кўриш мумкин.

Муаллифнинг давр руҳини чуқур англаганини биз у яратған адвокат Давронбек образидаги тажрибасизлик, қолоқ кишиларга такаббурлик билан қарани, соат учда келинг, деб уларни овора қилиши, ваъдасида турмаслиги ва бадбин кайфиятида кўрамиз.

Меҳринисо. Ошагинанг айлансун (ўрнидан туруб), адвокатлик осон иш эмас, манга ўхшагон тарбияни (нг) додига етмоқ керак (чиқиб кетар).

Абдужаббор (орқасидан). Қиморбоз эрга тегуб, калтакни еб, бошларни ёруб юрмоқ ҳам осон эмас.

Давронбек (ўрнидан туруб жиддият ила). Оҳ, золим маданият, бизим туркистонликларнинг орасига қаҷон келуб томир ёясан?! (312).

Асар ниҳоясида сюжет чизигини куяги жанрига хос сўз ва ҳаракатлар билап тугаллангани комедиянависларнинг зўр ютуғидир. Абдужаббор комик характер сифатида эсда қоларли бўлиб чиққан.

Адвокат ваъда қилган соат учда мижозлар етиб келадилар, бироқ унинг ўзидан дарак бўлмайди. Шунда Абдужаббор адвокат кийимларини кийиб, унинг ўрнига ўтириб, келганиларга ариза ёзиб беради, улардан пул олади. «Бизнинг одамларга,— дейди ўз-ўзига Абдужаббор,— унақа-мунақа деб фалсафа сотиш керак эмас, иш қилмоқ керак... йўл топмоқ керак. Пул, эй қурбонинг бўлай оқ-

чажон, турм, сира бул бетора тадқиқотиришни кўзингни кўрсатасанми, йўқми?. Шошиманг? мана, ман ҳозир пул топишни ҳийласини топдим. Кўрасиз, ман адвокат бўлсан пулни нишобини қандай ўзимга оғдирадар эдим. Бизнинг адвокат тогамиз ўзи ишнинг кўзини билмайдур. Мана ман ҳозир адвокат бўламан, кўрасиз, ман қандай пул топаман» (319).

Ниҳоят даъвогарлар адвокат кийимини кийиб, ўзларини алдаган хизматкорларни таниб қолиб, уни яхшилаб дўйпослайдилар.

Абдулла Авлонийнинг «Пинак» деган бир пардали кулги жанридаги асари 1915 йил февралида ёзилиб бўлиб, биринчи марта 1979 йилда босилиб чиқди (*A. Авлоний. Тошкент тонги. 1979, 320—332-бетлар*).

Унда замонапинг кўп тарқалган касофатларидан нашавандалик (кўкнорлик) ва қиморбозлик кулги остига одинади. Асосан иккি характер: қўрқоқ кўкнори Турсун ва «қўрқомас», сурбет қиморбоз Толиб бир-бирига қўшни, айни замонда бир-бирига қарама-қарши шахслар типи. Муаллиф — замона иллатларини саҳнага кулги воситасида олиб чиқиши билан кишиларда уларга нисбатан нафрат ва ачиниш туйгуларини уйғотиш ниятини кўзлайди.

62 яшар Турсун кўкнор эзиб, ичиб, кайф қилаётганида 25 яшар Толиб келиб, патнисни олиб сандиққа тарақлатиб уриб Турсунни қўрқитади, унинг кайфини учиради. Кейин менга қарзга пул бер, қимор ўйнайман, ютсан, пуллингни фойдаси билан қайтариб бераман, дейди. Турсун пул беришга кўимагач, Толиб яна уни аввалтидек қўрқитади.

Турсун. Тагин нима иш қилмоқчисан? Қўрқитиш бўлса хўб қўрқитдинг, ўтакамдан битта қолмади. Жон болам, бир кун туз ичон (жой)га қирқ кун салом, деган гап бор. Чойимни ичдинг, ионимни единг... (325).

Кулги қўрқоқлик ва «ботирлик» конфликтидан келиб чиқади.

А. Авлонийнинг ҳар иккала кулги-фарсида ҳам ҳаёт ҳақиқати ўзининг табиий инъикосини топган. Персонажлар шундай ўзбек тилининг Тошкент шевасига хос сўз ва ибораларнинг кўпчилиги, кишиларнинг соддаликлари ўша тарихий шароитнинг жонли манзараларидир.

Ҳожи Муин иби Шукрулло ҳам «Кўкнори» деган бир пардали кулги ёзган. Бу асар 1916 йил марта Самаркандда босилиб чиқкан.

бири — паразитларча күп қурадиган кўкнорилар, нашавандлар, гиёҳвандлар устидан қулиниди. Муаллиф пъесанинг кириш қисмида «Мушаххас ағандилар дикқати-на!» деб артистларга мурожаат қиласди ва уларга кўкнорилар характерини тўғри англаб ўйнашга кўмаклашади. У ёзади (асл нусханинг имлоси ва тиниш белгиларини сақлашга интилдик): «Кўкнор, башг ва чакида истеъмолига гирифтор бўлгон кишиларнинг ишлари: гийбат, шикоят, хурофт, афсонагўйлик ва беданобоздикдан иборат бўлиб, туродургон ўрунлари қоронгу ва ифлос, киёдургон киомлари ниҳоятда кир ва йиртиқ, еёдургон нарсалари: палов, ширийлик, поц ва чойдур. Ўзлари қон озлик ва кучезликлари сабабли кўзлари ботгон, юзлари саргойгон, беллари букройган, асаби — алмижоз ва қўрқоқ бўлиб, суйлошганда: ўйлаб, мудроб бирта-бирта суйлошурлар. Юргонда эса секин-секин қадам босуб юрорлар».

Пъесада асосан диалог орқали қатнашувчилар қиёфаси очилади. Муаллиф «Кўкиорхона манзараси» сарлавҳаси остида бундай тасвири беради: «Кўкиорхона ичи тор ва қаронгу бўлиб, биртагина кичгина эшиги бор. Шифт ва деворлари қаро. Ўртасида ўчоқ бўлиб опинг атрофида йиртиқ кийгиз парчалар солингон, шифт ёки деворига бир дона «бедона» қафаси осилган. Эшик тарафида самоварчи бўлиб олдида самовар ва 3-4 ямоқлик чойнак ишёла ва бир чилим турубдур. Ўчоқ ёнида Бобо Шароф билон Шоҳмусо ўтўрбутурлар» (3).

Муаллиф пъеса бошида берган тавсифномага биноан диалогларда шу кўкиориларнинг гийбатчи, майдагап, ҳасадчи, ички ва ташқи дунёси ифлос кишилар эквалигини реал кўрсатади. Бир сухбатни келтирамиз:

... (Шул вақтда самоварнинг «карнайи» ерга жаранг қилиб тушуб кетор. Ҳаммалари сескониб қўрқорлар.)

Бобо Шароф — (самоварчига) Ҳе садқаи одам бўлунг! Боҳабар бўлунг — дия! Юз йиллик кайфимизни учурдинг — о! (Самоварчи: афу истар).

Ўқтам — Ўзоқбой пудратчи бор-ку! Ўшани ҳар пудратдан минг сўм фойда қилодур дедилар-о!

Бобо Шароф — Ў-Ў-ў, егани гичча мой десангиз-чи!

Шоҳмусо — (кулуб) Егани заҳар денг, заҳар!

Бобо Шароф — Нимага егани заҳар экан?

майди!

Ўқтам — Кўбам уидоқ эмас-о! Ҳозирги бойлардан ҳам закот берадиргони бор деб эшитамиш-ку!

Бобо Шароф — Хайр, мингтадан бирдаси закот беради ҳам дедук, шулар қачон ҳалол закот берарлар! Ху ўшал харидор олмайдургон уч мирилик молларни З танга ҳисоблаб закотхўрларга берарлар-дия! Энди шу ҳийла ҳам закот бўлдими?

Шоҳмусо — Ҳа бу охирзамон бойларининг ҳаммаси ҳийлагар бўлиб қолгон!

Ўқтам — Бобо! Бизлар ҳам иттифоқ қилишиб урусли «бонка» — сиға бирта катта ариза ёздуруб берсан, пул қарз беродими? (11—13).

Диалог давомида рус банкаси касбингиз нима деса, нима деймиз, деб сўрайди бир кўкнори. Бошқаси: беданоболик, деб жавоб беради. Шу зайлда хаёлнараст, текинхўрлар устидан қулиниди.

Жадид адабиётида кўкнорилар устидан қулиш Абдулла Авлонийнинг «Пинак» кулги-фарсидан бошланиб, Ҳожи муин ибн Шукрулло томонидан ривожлантирилди, Абдурауф Фитратнинг «Қиёмат» (1923) ҳажвий хикоясида такомиллаштирилди. Афсуски, паразитизм XX асрда тугамади. Совет даврида ароқхўрликка ўрин бўшатиб берди. XX аср охирида нашавандликнинг янги шакллари фақат Америка ёки Африкадагина эмас, собиқ СССРда ҳам кенг қулоч ёди, ҳалқаро полициялар ишга киришишига қарамай, уни ҳамон тутатиш мумкин бўлмаётир. Бу муаммо ёзувчилар дикқатини тортиб, янги асарларнинг ёзилишига сабаб бўлмоқда. Бунинг ёрқин мисоли Хайриддин Султоновнинг «Е, Жамшид!» қиссадида нашавандлик, қиморбозлик биргаликда ҳамон жамиятта катта заар келтираётганида ўз аксини топган. Соглом ақл, демократия, фан ва техника тараққий қила бориб, иқтисодий муаммолар билан бирга инсоният бу чаклаш муаммони ҳам ижобий ҳал этади деб умид қиласиз.

Ҳамзанинг «Мухторият ёки автономия» комедиясининг ёзилган ва саҳнага қўйилган пайти ҳақида илмий адабиётларда турлича мулоҳазалар бор.

Театршунос Мамажон Раҳмоновнинг фикрича, Ҳамза «Мухторият ёки автономия» комедиясини 1917 йил декабрида ёзил, репетеция қилган ва тезликда ўз труппаси ижросида Кўкен саҳнасига қўйган. Ҳамзанинг ўзи

гаплар (М. Раҳмонов. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзи ва узбек совет театри. Т., 1959, 122-бет. Яна шу муаллиф. Ўзбек театри тарихи (XVIII асрдан XX аср аввалингача ўзбек театри маданийининг тараққиёт йўллари. Т., 1968, 326-бет).

Адабиётшунос Лазиз Қаюмов Мамажон Раҳмонов фикрларини қувватлайди (Лазиз Қаюмов. Ҳамза. Т., 1973, 32-бет. Яна шу муаллиф. Ҳамза. Ижтимоий ва ижодий фаолияти ҳақида илмий-бадиий лавҳалар. Т., 1989, 4-бет).

Ҳамзанинг Туркистон шаҳрида, ўз уйларида кўрган ва ундан сабоқ олган Зарифа Саидносирова (Ҳамзанинг дўсти Саидносир Миржалоловнинг қизи, кейинчалик ёзуви Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг рафиқаси) нинг хотираларига кўра Ҳамза 1917 йил октябрь ойининг бошида Туркистонда бўлган (Ҳамза замондошлари хотирасида. Т., 1979, 161-бет).

Бу қарама-қарши маълумотларни тадқиқ қилган адабиётшунос Гаффор Мўминов «Ҳамза Ҳакимзода биографиясининг янги саҳифалари» деган мақоласида архив материаллари ва замондошларининг хотираларини таҳдил қилиб, масалага бирмунча аниқлик киритади. У ёзди: «Архив материаллари, Ҳамзанинг дастхати хисобланган айrim ҳужжатлар асосида аниқлашимизча, Ҳамза Туркистонга 1917 йил октябрининг бошида келган ва 1918 йил мартағача шу ерда яшаб ижод этгани» (Ҳамза Ҳакимзода ижоди проблемалари (Тадқиқотлар). Т., 1988, 66—67-бетлар).

Ғ. Мўминов мақоласининг боша ўрнида айrim ҳужжатларни шарҳлаб қизиқарли муроҳазаларни баён қиласди. Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида сакланётган «Ҳамза» фондининг 484-тартибда сақланувчи ҳужжат 15 та саҳна асарининг рўйхатидан иборат. Унда «Фарғона фокиаси»дан 1—2, 3—бўлимлар ва 8—са «Шўрои ислом» деб аталади. Айтидан «Мухторият ёки автономия» драмасининг илк номланини «Шўрои Ислом» бўлган. Асар тугалланмаган, 1-пардаси тўлиқ, унда мухториятчиларнинг «Шўрои ислом» ташкилотиди туриб тузган режалари, хом хаёллари ҳажв қилинади. Тугалланмагани, табиийки, 2-пардада бу ташкилотнинг ҳалокати ажс этиши керак эди. Ваҳоланки, асар ёзилганда мухторият ҳали ҳокимиёт тепасига чиқмаган эди («Шўрои ислом» жамияти 1917 йил баҳорида, «Қўқон

мухторият» жамиати уша ишлаб полоранинг 27-да зълон қилинган — С. А.) Буларнинг ҳаммаси мазкур драманинг яратилишини аниқлашда муҳим манба бўлиб хизмат этади. Шундай қилиб, драма 1917 йил сентябрьда, иъни Ҳамзанинг Туркистонга келишидан озигина муддат излари ёзилган деган холосага келиш мумкин».

Ғ. Мўминов сўзларида жон бор: «Мухторият ёки автономия»нинг дастлабки номи «Шўрои ислом» бўлиб, мухторият гояси шу жамият аъзолари орасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлган, Ҳамза «Қўқон мухторияти» зълои қилингач, иъесага янги сарлавҳа («Мухторият ёки автономия» сарлавҳасини) қўйган бўлиши мумкин. Бадиин ижод тарихида асар сарлавҳасини бир неча бор ўзгартириш тажрибаси кўп учрайди. Ҳамзанинг бувдан кейин ёзган айrim асарлари ҳам қўш номга эга: «Бурунги қозилар ёки Майсарапанинг иши» каби.

Театршунос М. Раҳмонов Ҳамза спектаклида қатнашган Аъзам Хўжаев билан қачон сұхбатда бўлди ва унинг айтганларини ёзиб олди? Ҳар холда 1950 йилларда бўлган бўлиши керак. Демак, 35—40 йил ўтгандан кейин Аъзам Хўжаев сұхбат чогида ойни адантириб «декабрь» демадими? Эҳтимол «Мухторият ёки автономия» спектаклини биринчи кўрсатилиши 1917 йил деқабрида эмас, сентябрьда «Шўрои ислом» номи билан кўрсатилгандир?

Бундан кейин ҳам ана шундай масалаларга аниқлик киритиш учун изланишларни давом эттиришимиз, мавжуд архив ҳужжатлари ва Ҳамза замондошларининг ёзиб қолдирган (ёки айтиб берган) эсдаликларида танқидий муносабатда бўлишимиз зарур.

«Мухторият ёки автономия» комедиясининг мазмуми (Ғ. Мўминов ёзгавидек драма эмас) биринчи марта 1960 йилда «Шарқ ўлдузи» ойномасининг 10-сонида босилди. Ундан кейин Ҳамзанинг икки, тўрт ва беш жаддлик асарларига киритилди.

Маълумки, Туркистон 1917 йилгача Чор Россиясининг мустамлакаси эди. Маҳаллий аҳоли «республика» ва «демократия» ҳақида аниқ тасаввур ва тажрибага эга эмас эди. «Мухторият ёки автономия» икки пардалик кулиги бўлиб, унда Фарғона водийсида қўш ҳокимиёт вазияти вуҷудга келган кунлар қадимлар (муддарислар, мулобаччалар) мажлиси тасвирланади. Пъесанинг ўзида шундай изоҳ бор: «Туркистонда ҳуррият бўлуви муносабати ишлар ва уламолар орасида ихтилоф ўлароқ

ридири» (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тұла асарлар түпласми. Беш томлик. Учинчи том, Г., 1988, 52-бет). Диалогларда кишиларнинг кулгили руҳий аҳволи очилиб боради.

Ҳамза пъесани ёзганда ҳаётда бўлган конкрет кишиларни кўзда тутганлиги учун пъесага ўша кишилар номларининг биринчи ҳарфларини қўйган. Масалан, бой ҳақида «Ўйновчилар» рўйхатида шундай ёзилган: «Л.— уй эгаси, бой афанди, савдогарча кийинган 45 ёшларинда. (Биринчи парда очилувида бой бўлмайди)».

Бой «Кўқон мухторияти» ҳукумати мажлисига кетган. Унинг меҳмонхонасига йигилганлар бойниг қандайдир янги хабар билан келишини кутишади. Меҳмонлар бойниг ичкарисидан дастурхон чиқишини тоқатсизлик билан кутишади.

Ф. домла (котибга қараб, бош лиқиллатиб). Жаноби селкетарь афанди! Хопайи бой ба ҳеч нима йўқми?

Х. домла. Каминанинг вақти дохилаи ховлида бой афандининг ҳовлиларидан жиз-биз деган сабзи, пиёзни бўйи машомимга рўйроҳат берган эди.

Т. домла (раисга кулуб). Ҳо! Жанобларини қувваи машойимларига бизлар мусалламбиз-да.

Бошқалар (кулишарлар). Ах, ах, ах...

Х. домла (бир устудентга қараб). Ҳой, мулло! Чиқиб, кўчадан бойниг мўрисига бўйнигни чўзиброқ қарачи, тутун бой мўрисиданми ёки ягон дигар қўшниникidanmi?

Уй эгаси — бой «Л» кириб келади. У бундай дейди: «Ман ҳозир исполнительний кабинитидан келаётман, фирисиботелни айтишига қараганда, Фаридоволостной кабинит, катталари, ҳаммалари бир бўлиб, демократический Республика қилишга қарор берганлар». Бошқалар гапнинг асл маъносини тушумай «Ҳа, ха! Қандай яхши исплоҳ бўлиби-ку!» — дейдилар. «Л» уларга эътиroz билидириб: «Йўқ, тақсирлар! Бу бўлмайди.. Бунда бизга кўп қийин бўлади», дегач, мажлис аҳли бир-бирига, гапни тушумай маъкулланмасин, мазмунида танбеҳ берадилар. «Л» гапини давом эттириб, «демократик Республика»нинг ёмонлиги нимада эканлигини тушунтироқчи бўлади: «Бу демократический Республикани бизга кўп зарари бор эмиш. Зероки, биздан подшо бўлмас эмиш, тагин аввалтидек қози, мударрис... ларни ҳукамодар, ин-

хотуиларни кўчада фаранжисиз (ҳамда ёқасини ушлаб, «Астағириуллоҳ!...» «Навзанбииллоҳ!») чиқуб юриши (учун) фармонлар бўлар эмиш, ҳамда бойларни ер-сувлари, дўкон ва каттароқ ҳовлилари, пуллари, мадрасаларини вақфлари... ҳаммаси олинуб, бечора кишига бўлиб беришлар экан».

Бой гапларини ўтирганлар ўзаро муҳокама қиласидар:

Х. домла (оёғ устида туриб). У ҳафтаномияси ҳам бутун фалокат ахир, янги келган вақтда отлар ҳуркиб, иппин узиб, аробалар олиб қочуб, неча одамларни босиб ўлдирмайдими?!

Ҳаммаси ҳайрон турар.

Т. домла (кулуброқ). Йўқ, у ароба-ку, тақсир. Уни ҳафтамабел, дейди. Ҳафтаномия бошқа.

Ҳамза жаҳолат, нодонлик ва қолоқлик устидан кулади.

Кулги-фарснинг тили индивидуаллашган — мударрис, бой, муллолар нутқида арабий-форсий-туркий-русча сўз ва иборалар аралаш-қуралаш ишлатилади. Хусусан ўзбек тилига энди кириб келаётган оврупоча-русча сўзларининг бузиб ишлатилиши: реслубка (республика), ҳафтаномия (автономия), фросатил (председатель, риас), селкетарь (котиб), фратокул (протокол, қарор) ва ш.к. кулгини қўзгайди. Муаллиф персонаж нутқи орқали унинг ички дунёсини очиб бериш усулидан кенг фойдаланади. Бу комик элементлар XX аср боши зиёлиларининг путқига хос аломатлардир. Ҳамза асарда қатнашувчилар қиёфасини чизишда ҳам кулги келтириб чиқарадиган деталларга эътибор беради: Масалан, «Ф. домлани — бутун кўса, юзи тиришган, қадди бир оз энгашигапина баджаҳароқ» деб ёзса, мажлисга котиблик қилувчи «Н» домлани доим пинакда деб кўрсатади. Асарнинг тили оғир, уни саҳнага кўйгандага томашабинга кўп ўрни тушунпилмай қолини мумкин. Асар устидаги изоҳда «ёшлилар ва уламолар орасинда ихтилоф ўлароқ уламолар айрилиб кетувлари, руҳоний мажлисин тасвиридир» деб ёзилган ўлса-да, асарнинг ўзида ёшлилар образи кўринмайди. Бу асар Ҳамзанинг сатирик комедия яратиш йўлидаги тажрибаси деб ҳисобланishi керак.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Ким тўғри?» бир пар-

марта 1939 йилда нашр қилинган, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Танланган асарлар. Т., 1939).

Унда түрт персонаж ҳаракат қиласы: зиёли Қодиржон, уннинг хотини Марям, хизматчилари Холмат ва Рузсон. Улардан қайсылари күлгі-фарснинг бош қаҳрамони? Зиёли эрми ёки хизматчими? Бу асар ҳақида адабиётларда ҳар хил мұлоҳазалар бор. Масалаң, М. Раҳмонов фикрича, Ҳамза ижоди бүяш-безашга мұхтож әмас. Ҳамза у вақтда тиң ҳаёт қандай ривожланишини билмас әди, үзининг инцилобгача бұлған халқыннан қолоқдиги ва уптилгаплиги ҳақидағи фикрларини таңқидий күздан көчирмай янғы даврга күчерди, шу билан хатога йўл қўйди — фош қилиш учун нотўғри нишонларни танлади. Масалаң, Ҳамза «Ким тўғри?» комедиясида халқыннан вакилларини иродасиз қилиб кўрсатди, карикатура қилди ва камситди.

Ҳақиқатан ҳам Ҳамза ижоди бўяб-безашга мұхтож әмас. Шу билан бирга уннинг ижодини бузуб талқин қилиш ҳам инсофдан әмас. М. Раҳмоновнинг бу сўзлари асоссиз ва субъективдир. Ҳали Ҳамза тириклигига «Ким тўғри?» спектакли ҳақида рўзиомада босилган эълонда зиёли деган номни кўтариб юришга лойиқ бўлмаган, маънавий бузук қишининг қилмиши акс эттирилганлиги ёзилган әди («Иштирокион» рўзиомаси. 1920. 13 март, 54-сон).

Ҳамза күлгі жанри марказига зиёли Қодиржонни кўяди. Чунки оила маънавий вазиятининг масъулияты ҳаммадан олдин оила бошлиги бўйнига тушади. Асарнинг бош гояси — оида аъзозларининг вафодорлиги ва тўгрилиги баҳт ва осойишталик гаровидир. Бу гоя муаллиф томонидан яланғоч берилмай, қизиқарли вазият ва эр-хотинлар ҳаракати заминида ёритилади. Бунда иккиси юзламачилик устидан кулиниади. Фор ҳаётни күлгі-фарс жанри либосида кўрсатишида сизиб чиқади. Оила бошлиги зиёли Қодиржон ҳаёт йўлдошига хиёнат қилиб нотўғри йўлдан борган. Уннинг рафиқаси буни пайқаб касос олиш йўлига кирган. Бунда даврнинг айби йўқ. Қишиларнинг хулқ-одоби бир-икки ойда ўзгариб кетмайди. Бизнинг кунларда ҳам Қодиржон каби «зиёлилар» оиласида ҳамон ўша нуқсонлар мавжуд.

Қодиржон ва Марям бир-бирларини алдаётган бир пайтда хизматкорлар Холмат ва Рузсон оддий ҳаёт мантиқида янайдилар. Улар турмуш қуриш ҳақида ўйлай-

юрган кишиларниң ниятлари соф.

Холмат... Жоним сизга тасаддуқ!.. Қўлингиз мунча опик.

Рузсон (уялиб). Билмадим, Холматжон, яна хўжайинлар келишиб қолишмасин!

Холмат. Йўқ, келишмайли, хотиржам ўтираверинг! (Қўлидан ўпид) Рузсонхон, сиз менга хотин бўласизми? Мен сизнинг ишқинсизда исча йилдан бери куйиб юрибман-а... Энди бундан ортиқ чидашга ҳеч тоқатим йўқ.

Рузсон. Қўйинг, ҳали замон келишиб қолади...

Ҳамза асар композициясида ўзига хос бир шаклдан фойдаланган, иккни хўжайинда иккита хизматкор, «иккита хонада иккни маҳфий хат, саҳнада кўринмайдиган иккни ошиқ ва маъшуқа...»

Қўрамизки, Ҳамза қизиқарли ҳаётий күлгি жанрида ижод қилиб, ўзек комедияграфиясини бойитган.

1989 йил Ҳамза тавалдунинг 100 йиллиги тантана қилинганида вилоят театрларидан бири бу асарни саҳнага қўйди. Ўша йили вилоят театрларининг ташлов-фестивалида бу спектакль мукофот билан тақдирланди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг узоқ вақт саҳналардан тушмай, халқыннан севимли томошасига айланган асарларидан бири «Тухматчилар жазоси». Иккни пардали кулгутир. Яқин йилларгача кенг жамоатчиликка униш бир варианти маълум әди. Ҳамзанинг туғилтанига юз йил тўлиши муносабати билан нашр қилинган беш томлик «Тўла асарлар тўплами»га шу асарнинг иккни варианти киритилган. Учинчи томнинг «Изоҳлар» бўлимида шундай гапларни ўқиш мумкин: «Ушбу асар 1918 йилда ёзилган ва шу йили саҳнага қўйилган. Асар матни ўз вақтида нашр этилмаган ва автор қўлэзмаси йўқолган. Асарнинг 1920 йилга оид кўчирма нусхаси мавжуд бўлиб, уни 1939 йилда Музаффар Мұхамедов Ҳамза юбилейини ўтказувчи ҳукумат комиссиясига олиб келиб берган... (Бу нусха ушбу томнинг «Вариантлар» қисмидан эълон қилилмоқда.)». Асарнинг иккичи нусхаси ҳақида ўша «Изоҳлар» қисмидагиларни ўқиш мумкин: «Бу кўчирма нусха 1928 йилга оид бўлиб, ...ушбу асар биринчи марта Ҳамзанинг «Танланган асарлар»ида (1939), сўнгра... барча бир томлик ва кўп томлик асарлари таркибида эълон қилинган (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Учинчи том, Т., 1988, 280-бет).

сида аңчагина фарқ бор. Саңнага қуиши жараённанда мұаллиф ва режиссёрлар матн устида ишлаб, бириңи варианта аңчагина таҳририй янгиликтер ва деталлар киритиб, уни мұкаммаллаштырганлар. Бириңи вариантда хотин-қызларниң парапижи ташлашиға бөглиқ гаплар йўқ. Жумладан:

Фотима... Шошмайтур, сандарга бир жазо берайки, бошқа сенға ўхшагон динсиз, диёнатсизларга ҳам ибрат бўлсу! Чунки мендан бошқа очилган хотин-қызларниңга ёлтон тұхматларни юкламасликлари учун...

Бу луқмалар асарниң 1920 йилги нусхасыда йўқ, 1928 йил нусхасыда бор. Маълумки, 1927 йилда Ўзбекистонда ёпнасига хотин-қызлар парапижисини ташлашиб кампанияси бўлди. Ҳамза ёки бошқа бирон режиссёр шутарихий воқеалардан кейин «Тұхматчилар жазоси»нинг матниға, уни замонабоп қилиш учун, шу янгиликтерни киритган бўлиши мумкин. Биз таҳлил жараённанда күчирмаларни шу 1928 йил нусхаси (китоб нашри)дан келтирамиз.

Кулги-фарс сюжети учун ҳәёттій ва қизиқарлы конфликт асос қилиб олинган: виждопли ва меҳрибон эр хотин риёкор Имом домла ва саёқ Султон пияниста каби тұхматчиларга қарши курашиб, уларни фош қилишади.

Үй хизматчиси Акбарали ариқдан сув ташиб келаётганида күчада Имом домла ва Султон пиянистаниң ўзаро гийбат қилиб, маслаҳатлашиб турғанларини күради. Улар Қосимжон оиласини бузмоқчи, унинг хотинини бузук деб гап тарқатмоқчи, Фотимани Қосимжондан ажратиб, сўнгра ўз ифлос ниятларига етмоқчи эканликтарини әшитади. Акбарали келиб бу хабарни үй бекаси Фотимага айтади. Қосимжон қулогига қаерданadir шунга ўхшаш мини-мишлар теккан. У хотини Фотимага ишонса-да, баъзан шубҳалар унинг кўиглини азади ва уйга кечикиб келиб, тусмол оҳангидага гапиради. Бу ҳолдан ғазабланган Фотима тұхматчиларни фош қилишга аҳд қиласи.

Ҳамза Имом домла ва Султон пиянистага ўхшаган мұнофиқ кишиларниң хотин-қызларга нисбатан наст назар билан қараб, уларни «Сочи узун, ақли қисқа» деб ҳақорат қилишларига қарши Фотима образи орқали хотин-қызларниң донологи, вафодорлиги, ҳушёрги, зийраклиги, тадбир билан иш кўришларини ишонтиради

тухматни әшитган Фотима бундай дейди:

Фотима. Ҳали қараб турсун, бу аҳмоқларни алдаб, бу ерга қамаб қўйиб, Қосимжон келгандан кейин бир жазосини бердирмасам бўлмайди. Менга шунча озор бериб, эримни олдида мани бузуққа чиқармоқчилар. Эрлар олдида очилган хотин-қызларимизни чин турмуш қурувчи ҳамда соғ кўнгиллик эканларини сенларга, бир микрубларга кўрсатиб, шундоқ шарманда қилайки, ҳеч бир бўлмасун. Санлар ўйлайсанки, қайси бир хотун-қызлар очилса, бузулуб кетади, деб. Йўқ, бу хилда помуссиз ишларни қилмоқга биз очилсак ҳам номус қиламиз. Сизларга, бир ифлосларни йўлига ҳеч бир вақт кирмаймиз.

Фотима Имом домла ва Султон пиянисталар номига хатлар ёзиб, Акбарали орқали уларни ўз уйига таклиф этади ва эри келиши билан «меҳмонларни» қазпоққа яширади. Сўнгра эрига кўрсатиб, тұхматчиларни шарманда қиласи.

Қосимжон — янги зиёлилар образи. У хотини ҳақидаги миш-мисш гапларни әшитиб, шубҳага тушади ва ҳафаланади, аммо жоҳиллардек хотинини урмайди, ишҳоят у хотинига бундай дейди:

Қосимжон. Нима бўлур эди? Ман шу кунларни аввалдан ўйлаб, сизга неча маротаба айтган эдимки, ҳеч сизни севишганиларингиз борми, яна бизни турмушимизга бирор халал етатургон бўлмасун, деб. Бу тўғрида неча бор хатлар ҳам ёзғон эдук. Бунга жавобларингиз ҳам ваъдаларингиз бор. Хотирангизга келадими, ўйлаб кўринг-чи? (Бошини ушлаб). Уф, ҳақиқатда хотунларни очиш аҳмоқлик экан! Аттанг, мен билмаган эканман!

Фотима тұхматчиларни фош қилғандан сўнг Қосимжониниң ўз вафодор ва оқила хотинига бўлған мұҳаббати ва ишончи ортади, хотинидан кечирим сўрайди:

Қосимжон. Эй, турмуш қузгулари! Бир янги турмуш қурғон оиласиниң турмушини бузмоқлик учун қандай хийлалар қилғонсиз? Домло, сиз бир маҳаллани имоми, руҳоний бошлуғи бўлуб туруб, шундай ишларни қилишга уялмадингизми? Лашнат сиз каби турмуш қузгуларига! Яшасун ўқуғон ҳур озод хотунлар! Ўртоқлар, олиб боринглар буларни! Адолат судига топширингизлар! Тегишли жазоларни кўрсун. Бу маҳов, бадбаҳт, ит, эшаклар! (Фотимахонимга ёлбориб). Кечирасиз, жоним! Мен сизни адашиб, хафа қилған эканман. Оилада эр хотининиң бир-бирингизни ҳам сўзда, ҳам амалда ҳурмат

ларга ва сўзларга қарши кураш олиб бориши, ўзаро то- тувларни барқарор сақлаб қолишга ҳаракат қилиши — оиласарнинг мустаҳкамланишини таъмин этадиган муҳим шарт-шароитларданидир.

Ҳамза кулгиси жамият тараққиетига тўсиқ бўлиб турган турмушнинг салбий ҳодисаларига ва шу салбийликни ўзида мусасамлаштирган шахсларга қарши қаратилган бўлиб, комедиянавис икки пардали кичик асарда эсда қоладиган реалистик характерлар яратади.

Асарнинг бош қаҳрамони Фотима бошқа образларга нисбатан аниқ, индивидуал хусусиятларга эга.

Ҳамза асарлари ўзининг миллийлиги билан дижкатга сазовордир. Бу асарда ҳам ўзбек оиласидаги аёл ва багри кенг эр феъл-авторида шарқона, ўзбекона хушчақчақлик ўз ифодасини топган.

«Тұхматчилар жазоси» пьесасидаги Акбарали муаллифнинг катта ютуғидир. У бутун асарга кулгили руҳ багишлади. Ҳамза жаҳон комедиянавислигига кўп кўринган, бироқ ўзбек комедиянавислигига эндиғина кўрина бошлаган содда кишиларнинг сўзлари ва хатти-ҳаракатларидан келиб чиқадиган қулгини зўр маҳорат билан бера олган. Акбаралининг бурнини артиб, «индан кейин, ҳалиги, ая, индан кейин Султон пияниста айтадики, ая, ая шу попуклик қанддан беринг — кейин айтаман», дейини содда ўспирин югурдакларга хос руҳии аке эттиради.

Асарга киритилган Имом домла ва Султон пияниста образларидаги иккюзламачилик, тилётгламалик кулгини кўзгайди.

Маълумки, Ҳамза «Тұхматчилар жазоси»даги мавзу, тоя ва ҳаётий характерлар устидаги ижодий ишини давом эттиради. 1926 йилда «Бурунги қозилар ёки «Майсааранинг иши» номли йирик сатирик комедия яратди. Бу ҳар иккала комик асарда Ҳамза ҳалқ эртаклари ва латифаларига хос апъаналардан усталик билан фойдаланади. Бу ҳақда адабиётшунослик ва театршуносликда мақола ва китоблар яратилган (Қараанг: Қодиров М. Ўзбек театри анъаналари, Т., 1976, 266-272-бетлар). Шунинг учун бу масалага биз маҳсус тўхталмаймиз. «Майсааранинг иши» таҳлилига эса кейинроқ тўхталамиз.

Ҳар бир пьесанинг саҳнавий талқини тарихини ёзиш театршуносларнинг иши. Биз бу тадқиқотда айrim кулгили саҳна асарларининг ўз вақтида томошабинлар то-

чимиз.

«Тұхматчилар жазоси» спектаклини саҳнада кўрган Ҳамзанинг шогирди комик артист Миршоҳид Мироқиловнинг кейинчалик ёзган хотираларига кўра, кун бўни меҳнат қилиб ҷарчаган, эски кийимдаги кишилар «Тұхматчилар жазоси» томошасини кўриб, завқланиб кулишган («Звезда Востока» 1959, II-сон, 32-бет).

Бу сатрлар муаллифи 1960 йилларнинг бошида Ҳамзанинг шогирди Мұхаммаджон Тоғизода билан судбат қилганида ундан 1921 йилда Ҳамза билан бирга шу асарни Бухоро меҳнаткашларига кўрсатганларини, ҳалқ, жуда севиниб спектаклини томошаша қилганлигини, бу томошага ўзларича «Поччам келди» деб ном қўйганларини ҳикоя қилиб берган эди.

Ҳамза труппасининг суфлёри Саидумар Аҳмадий ўз хотираларини шундай баён қилган: «Ўн олти кишилик театр труппаси Ҳамза Ҳакимзоданинг икки-уч пардали ҳажвий асарларини вагон платформасига қурилган саҳнада кўрсатарди. Йоҳил бойлар, савдогарлар, қозилардан куладиган «Поччам келди», «Қаландар ҳожи», «Турди кал» пьесалари ҳамманинг завқини келтиради» (Мирзо Тўрахон. Кўнгил дафтарида гаплар. Ҳамза замондошлари хотирасида. Т., 1979, 182-бет).

Абдулла Авлоний ва Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан бир қаторда ўзбек театрини ташкил қилишда жонбозлик қилган Манон Мажидов Ўйғур (1897—1955) ҳам кичик комедиялар ёзган. Бу санъат шайдоси режиссёрлик ва актёрлик санъатининг катта мўъжизаларини кўрсатиш билан бир вақтда уч кичик кулги-фарс асари ёзиб, уларни 1918—1920 йилларда саҳнага қўйган. Булар «Туркистон табиби», «Фаний уй» ва «Ўн икки соатлик ҳокимият». Театршунос Эркин Исмоилов архив материаллари, ўша йилларда босилиб чиқсан рўзнома ва ойномалардаги эълонлар, такризлар ва замондошларидан ёзиб олган маълумотлари асосида бу пьесалар ва уларнинг саҳна талқинлари ҳақида маълумот беради (Ўйғур Манон. Нашрга тайёрловчи ва очерк муаллифи Э. Исмоилов. Т., 1965). Улардан «Фаний уй» ва «Ўн икки соатлик ҳокимият» пьесаларининг матнлари сақлапмаган ва босилмаган. Биз уларга тўхталмаймиз. Ўйғур ўз земаликларида шундай ёзади: «Миршоҳид Мироқиловнинг менга айтишига кўра, Ҳамза шу 1919 йили Закаспий Фронтида (мен унда қатнашмаганиман) менинг «Туркис-

асар, 120-121-бетлар).

«Туркистон табиби» 1920 йилда Тошкентда тошбосмада босилган (Уйгур Абдул Маннов Мақидий. Туркистон табиби. Туркистон табибномаларининг ҳолини кўрсатувчи бир нардали култу. Т., 1920 (араб алифбосида). Асар иккичи марта босилмаганини учун боз унинг мазмунини қисқача баён қиласиз.

Қишлоқдан шаҳарга кўчиб келган Ниёзали саводсиз, табобат илми ва тажрибасидан хабарсиз бўлишига қарамай табиблиқ билан шуғулланади. У ўз хизматчисига пул бериб, шаҳардаги рус аптекасидан дори олиб келишини буюради. У олиб келган дори пимага даво эканлигини дуруст суриштирмай тиши оғриб шикоят қилиб келган Абдураҳмонга, кўкраги оғриган Тўрақул бойбаччага, бошогриқ бўлган Ҳамдамбойга бериб жўнатади. Асардан иқтибос келтирамиз:

Ниёзали (кириб Эшимқулдав). Мен айтган ишларни бажариб қўйдингми? Доруларни тайёрладингми?. Тўхто, мен уйга кираман, бу ерии супуриб ундан кейин кет! (Чиқар.)

Эш имқул (сунургини олиб бир оз сунуриб, четга) Дамингизни чиқарманг. Йўл очилди. Маҳмуджонни танисанми, дейди; жуда яхши танийман; ўзимнинг ошиом ўзи жуда яхши йигит бўлса манинг аввалги ўрисча билишимнинг баробаринда ўрисча билади; мен ҳам ўрисчани аввал яхши билардим; узоқ йилдаги иситма касалимдан кейин эсимдан чиқиб кетган эди. Хайр, бўлар иш бўлди, хайфки 8 йил умрим бу ерда бекорга ўтди; Маҳмуджон бўлса ўша дорухонага боргонига ҳали узйил бўлгани йўқ; доруларнинг отини тамом билибдур. Баъзан касалларга ҳам ўзи дори беради. Бизнинг Эшони ҳакимдан ҳеч нарса ўрганиб бўлмайди. Мен энди ўзимга келдим (китобларни кўрсатиб) бу китоблардан ҳеч нарса чиқмайдур.

Ниёзали — алдамчи, жоҳил табибининг ёрқин образи. Унинг ўзи жиддий, бироқ даъвоси билан хатти-харакати бир-бирига зид бўлганинидан кулгига сабаб бўлади. Бунда кулги кўпгина кулгили асарлар учун муштарақ бўлган бир қонуният асосида вужудга келади: шахснин даъвоси билан имкониятлари орасидаги номувофиқлик. Табибликини даъво қилган кишидан табобатдан гирт ха-

дамчилик.

Эшимқул характери ҳам яхши ишланган. У хўжайи-видан кўра донороқ ва тўғрироқ. Бундан олдин рус аптекасидан хизмат қилиб рус тилини бирмунича ўрганган, айrim дориларни билиб олган эди, энди бу «табиб» хизматига кириб билганини ҳам эсидан чиқарганлигидан афсусланади.

Сюжет ҳам, характерлар ҳам ҳаётӣ, ҳаққоний.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзанинг «Мени сайланг» асарини ҳам култифаре жаңрига киритиш мумкин. Маълумки, 1926 йилда Ўзбекистонда ер ислоҳоти ва маҳаллий Шўроларга сайловлар ўтказилди. Ҳамза бу асарни сайлов олди ташвиқотига қўшилиб ёзди ва ўша йили ташкил қилинган этнографик труппа томонидан кўрсатилади. Ҳамзанинг қўллэзмаси сақланмоқда. Асар 1939 йилда биринчи марта «Мени сайланг» сарлавҳаси остида, лотин алифбосида босилган эди (*Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий*). Таъланган асарлар. Нашрга тайёрловчилар Юсуф Султон ва С. Ҳусайн. Т., 1939, 101—108 бетлар). Кейинчалик Ҳамзанинг танланган асарларига ҳам киритилди. Ҳамзанинг беш томлигига «Пастки Шўролар» сайлони муносабатида ёзилғон «чўпчарлар» сарлавҳаси остида пашр қилинган (*Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий*. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Тўртинчи том. Т., 1989, 66—72-бетлар. Нашрга тайёрловчилар: Ш. Эшонхўжаев, Д. Раҳматова, Н. Фанихўжаева) деб ҳайд этилган.

Асарининг ёзилиши ва саҳнага қўйилишининг тувоҳи бўлган Тамараҳоним шундай эслайди:

«1926 йил. Париждан қайтгач.. Қориёкубов этнографик труппа туздилар. Наркомпроснинг эшиги олдидаги нафрат кутиб турад эканмиз, қора дафтар ушлаган, кўзга ёнга тўлган Ҳамза ака бирдан пайдо бўлиб қолди.

— Мана бу қаламми? — У қўлидаги қаламни жаҳл билан синидирди.— Энди ҳеч нарса ёзмайман, ёзмайман, лея кўчага отилди. Қори ака яхши гаплар билан уни анча юпатди ва сўраб билдики, Ҳамза ака ёзган «Қорасоч» деган пьесасини наркомпрос нозири қабул қилмай, Ҳамза юзига отиб юборган экан. Эртасига Қори ака Ҳамзанинг этнографик труппага (адабий эмакдош лавозамнига) таклиф этди. Ҳамза ака шу куниёқ ишга киришиб, труппа учун шеър ёза бошлади... Ҳамза ака камгап эди. Лекин айтганларини қилдирадилар. Биринчи

Будорга бордик. Шунда Ҳамза ака оғиз утуб маҳсус концерт программасини ёзгандилар. Труппамиз асосан йигитлардан иборат бўлганлиги учун ҳам рақсга тушардилар, ҳам ашула айтардилар, роллар ижро этардилар. Биз тайёрлаётган асарнинг номи «Мени сайланг» эди.

Юсуфжон қизиқ домла ролини, Қориёқубов рус попи ролини (руҳоний киши) ижро этишди. Ҳамза ака машқ қилдирдилар ва бу икки санъаткорининг қобилиятига қойил қолдилар. Мазкур саҳна асарини дехқонлар даврасида жуда кўп маротаба қўйиб бердик. Улар бизни самимий кутиб олардилар. Ва ҳар гал саҳнадан домла билан поп қувиб чиқарилаётганда «тўгри, тўгри» деган овозлар залдан эшитиларди¹.

Бу эсадаликлар, бир томондан, Ҳамза қандай оғир шароитда, тўралар ва адабсиз «нозирлар»нинг дагал муомалалари, чинакам талавт қадрига етмаганликлари, иккинчи томондан, зар қадрини биладиган заргарлар (Қориёқубов; Юсуфжон қизиқ кабилар) борлиги туфайли шундай асарлар юзага келиши мумкин бўлганлигидан хабардор бўламиз. Сақланиб қолган асар матнида рус попи луқмаси йўқ. Уни репетеция пайтида шу ролни бажарган Қориёқубов маслаҳати билан спектаклга киригтан бўлишлари эҳтимолдан узоқ эмас.

Ҳамза чинакам новатор ижодкор эди. Шеърий кулгили диалог ёзиш катта янгилик эди. Қарама-қарши характеристерлар яратиш санъатидан фойдаланиб, саҳнага жуфт характерларни чиқаради: Эшопбувам — Бадрак, Бой дехқон — Чоракор, Эски мактабдор — Янги муаллим. Характерлари тескари жуфтларнинг қилиги, интонациялари албатта кулгини түгдиради. Бир диалогни келтирамиз:

Эшон бувам

Мани сайланг, мани сайланг,
Муридим, мухлис элим!
Икки дунёдаги мушкул,
Муддаонг осон қиласман.

Бадрак (Ҳоссарти иккода «Бадрак» шаклида езидаётган сўз асли тоҷикча «бадраг»—«ёмон томирли», бошқача қилиб айтганда «зоти паст» маъносини билдиргав).

Буни ҳайданг, буни ҳайданг
Тез орадан, жўралар!
Яна ёлғонлар ила кўп
Сизни сарсон қиласур.
Иилда бир қизни олиб ул,
Бору йўғингизни шилиб,
Парча нонга, яна-чи?
Кўз ёшингиз қон қиласур.

Чиқ орадан, кета қол!
Мурдавги марвон қиласман.
Теп, теп, теп тагида
Ер билан яксон қиласман (66)

Шеърий диалоглар қатнашувчилар савиясига мос, тушунарли, содда тилда ёзилган.

Ҳамза қўлэзмасида бу асарнинг номига «чўпчарлар» деган сўзни тасодифан қўшмаган. Уни саҳнада биринчи бўлиб кўрсатган этнографик труппа бир вақтда концерт, ҳам кулгили саҳна асарини кўрсатган; труппа ҳам, унинг адабий эмакдоши Ҳамза ҳам долзарб мавзуни саҳнага олиб чиқишиган. Ҳамза жанрга муносиб атама излаган. «Чўпчар» ёки «чўпчак» кўп маъноли сўз бўлиб, топишмоқ, эртак, ривоят, афсона маъноларини билдириш билан бирга, «хас-чўп» (Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Иккى томлик. 2-том, Москва, 1981, 387-бет) маъносини ҳам англатган. Ҳамза асарнинг эртаксимонлиги ва ҳажмининг кичикилигини кўзда тутиб, шу сўзни ишлатган. Асар жанри — чўпчак ёки кулги — фарсdir.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Эл қузгулари» (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. 4-том, Т., 1989, 173-193-бетлар) инсценировкаси 1927 йилда ёзилган бўлиб, композиция жиҳатидан «Мени сайланг»га ўхшайди: ижобий ва салбий персонажларнинг сўzlари масхараомуз шеърий диалогда ёзилган (Миёнбузрук Солиҳов ўзининг «Ўзбек театри тарихи учун материаллар» (1935) китобида Ҳамзанинг «Эл қузгулари» ёки «Ўлаксалар» номли асарини 1917 йил февраль инклибоздан олдин ёзилган пьесалар қа-

¹ Тамарахоним. Устозни эслаганда. «Ўзбекистон маданияти» ҳафтавомаси. 1979, 28-сентябрь, 78-сон.

ҳов қайси қўллэзмадан фойдалангани бизга маълум эмас. Сақланган ва «Тўла асарлар тўплами»га киритилган нусха охирида фаррош тилидан шундай сўзлар келтирилган: «Сармоя ҳокимияти анча сурилди. Бу кун Октябрь инқилобига 10 йил бўлди» (Ҳамзанинг юқорида эслатилган 4-томи, 192-бет). Унда 45 га яқин текинхурлар, ҳалқ баданига ёнишиб олган зулуклар масхара қилинади. Буни ҳам кулги-фарс жаири қаторига қўшиш мумкин. Бироқ ё асар замонавий театр талабига кўра шошилиб ёзилган ёки бизга келиб етган қўллэзма чаласавод сүфлёр томонидан кўчирилган нусха бўлиб, унда бадиий жиҳатдан анчагина бўш сатрлар бор. Масалан:

Фалиска

Гузарингга ман фалиска,
Бу — маҳалланга қоровул.

Мунга берасан саксовул
Бер, бер, бер, бер!
Бу на деса бир тұхмат солуб,
Каллангга соламан мана шундог.

Жавобчи

Керакмас манга қоровул.
Товумиз йўқ сассиқ носга.
Бир тепаман, хўп ўхшалган
Арава босган фонисга
Гиж, гиж, гиж, вада ваш!
Бўл, бўл, бўл, чиқа қол,
Уч буклаб қўяман мана шундог (181)

Асар 45 кўринишдан пборат бўлиб, ҳар бир кўринишда бирдан тўрттacha салбий персонаж саҳнага чиқиб ўзини мақтайди ва «бер» дейди, унга жавобан Жавобчи сўзлаб, уларни шарманда қилиб ҳайдайди.

Юқорида биз бу асар композицион жиҳатдан «Мени сайланг» асарига ўхшайди, дедик. Шу билан бирга бу асарнинг ундан фарқи ҳам бор. «Мени сайланг»да синфий қарама-қарши қўйиш (Эшон бувам — Бадрак, Бой дехқон — Чоракор, Эски мактабдор — Янги муаллим ва хоказо) анча аник қўйилган бўлса, «Эл қузгулари»да

део номланган 45 га иқин ҳалқ ҳисобига яшовчиларга битта умумлашган (айни замонда қиёфаси мавҳум) Жавобчи қарама-қарши қўйилган. Жавобчи — янгилик нағояндаси, илғор фикрли шахс. У орқали асар муаллифи ўз қарашларини баён қиласди, у муайян характер эмас, ёзувчининг карнайидир.

Асарга Мўрдашуй, Гўрков, Момо ва Энага каби иштирок этувчиларни киритиб, уларни ҳам «эл қузгулари» деб қоралаш, «Биз муҳтојмас Гурковга; Тунгакнамо давковга (?)» деб ёзиш мантиқсиздир. Бу тоифа кишилар ўтмишда ҳам, янги даврда ҳам ҳалқ хизматида бўлиб, «Бер» деб туриб олишмаган. Уларнинг хизматини ҳар қандай киши бажара олмайди. Асар ёзилган ва сахнага қўйилган даврда синфий кураш ҳақида ўта «сўллик», «оқ-қорани аралаштириб юбориш (вульгар социология) майли кучли бўлган. Бундай кайфият ўша даврдати ташвиқот-тарғибот ишларида катта ўрии тутган. Бу майд Ҳамзага ҳам таъсир қилган ва «Эл қузгулари»да эскилик вакиллари деб тушунган кишиларни фош килиш ва янгиликни жорий қилиш ишини меъёридан ошириб юборган.

Ҳамзанинг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик инситутининг қўллэзмалар фондидаги 7628/XI инвентарь рақами остида сақланадиган «Қозининг сирлари» деган бир асари бор. Чиройли дастхат билан араб алфбесида ёзилган бу қўллэзманинг биринчи бети бошида «Ҳакимзода» сўзи бор. Шундан асар муаллифи Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий экан деган фикрга келиш мумкин. Асар негадир узоқ йиллар Ҳамзанинг бир томлик ва кўп томлик асарлари қаторига кирицилмай келди. Бу асарни рус тилига таржима қилиб таржимон Н. Ивашов Ҳамза асарларининг 1960 йилда Тошкентда рус тилида чиқсан икки томлигига киритиб, биринчи марта чоп қилдирган эди. Она тилида у биринчи марта беш томликда босилди. Қўллэзма икки пардан иборат бўлиб, биринчи парда охирида (қўллэзманинг 10-бетида) «Қози Ҳикмат. 9. III. 1928» ёзуви бор.

Асар қўллэзмаси билан танишиб унинг русча, ўзбекча босма нусхаларини ўқигандага мазкур сатрлар муаллифни «Бу Ҳамзанинг асарими?» деган шубҳали мулоҳаза тарк этмади.

Асар 1927 ёки 1928 йилларда ёзилган бўлиши мумкин, яъни «Майсарапанинг иши» дан кейин, 1927 йилда

жети ҳам, тили ҳам жўн — Ҳамзанинг услубидан узоқ, «Майсаранинг иши»даги киноя, заҳархандалар бунда йўқ. Уни сатирик комедия дейиш ҳам қийин.

Ҳар ҳолда қўлёзма дастхатини ўрганиш, бошқа дастхатлар билан чоғишириш ва асарнинг кимники эканлигини аниқлашни биздан кейин бу асар устида ишламоқчи бўлганларга ҳавола қиласиз. Эҳтимол бизнинг шубҳаларимиз асоссизидир.

Ҳозирча унинг мазмунига қисқача тўхталамиз. Асарнинг бош қаҳрамони — беш ойлик келинчак Саодат ҳар куни касал онамдан хабар оламан деб чиқиб кетади. У эридан яширинча «Женотдел» қошидаги саводсизликни битириш курсида ўқиб, саводини чиқармоқчи бўлади. Ўйга қайтгач, эри Тешабой уни қаерда эдинг деб тергайди. Ниҳоят, хотини сирни очади ва паранжини ташлашини маълум қилади.

Тешабой ...Паранжи олиш бўлса, кўчадаги ёмон хотинлар олсалар бўлади. Сенек хўжа қизлари олиши керак эмас. Тағин ўйлаб кўр, шариатимизда бундай нарса йўқ, тагин ўзинг билурсан.

Саодат. Ўзим билсан, паранжимни олурман, бошқа нарса йўқ. Айтатургон сўзим шул, бошқа сўз демайман (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. 4-том, Т., 1989, 218-бет).

Узоқ тортишадилар. Ниҳоят Тешабой: бизларни қози никоҳ қилган, ажralадиган бўлсан, ўша ажратсан, қози олдига борамиз, деб хотинини қози олдига олиб боради.

Қози булар можрасидан хабардор бўлгач, бундай дейди:

Қози... Сизнинг иккингизни жаникалингизни тушудим. Мулла Тешабой, бўлмаса, сиз бизнинг ҳовлимизга бир обкаш сув келтириб берсангиз, мен унгача яхшилаб тушунтириб қўяман. Сизнинг олдингизда бул келин сўзламайдур. Чунки уришган киши бир-бирини олдида сўзламайдур. ...Боринг, отин ойингизга «Пақирни олиб чиқиб бер», десангиз олиб чиқиб берадир, тушундингизми?

Тешабой чиқиб кетгач, қози Саодатга эрини ёмонлаб, хушомад қилади:

Қози ... Келин ойижон, ҳамма айб эрингизда. Эрингиз ҳам сизга лойиқ эмас. Оғзи катта, ўзи чўтири, бурни эгри. Мени эшитишимга қараганда, қўлтири ҳам сассиқ.

Сиз. Шунинг учун сиздан сўрар эдимки, менга тўртинчи хотинликни қабул қиласинг.

Бу гапдан сўнг Саодат тўполон кўтаради. Устига Тешабой келиб қолиб, хотини арзини эшишиб, қозидан кўнгли қайтади. Хотини гапига кириб бориб милицияни олиб келади, қозини унга топширадилар. Қози бундан олдин ҳам шундай жиноят билан қўлга тушиб, уч йил қамалиб келган экан. Буни Саодат билар эди ва эрига айтган эди, эри эса ишонмаган эди. Тешабой эди ишонди.

Асар хотин-қизларни паранжидаи озод қилиш, уларни ижтимоий ишларга тортиш, бунинг учун тўсқинлик қилаётган жоҳил эрлар кўзини очиб қўйиш ва риёкор қозиларнинг ҳақиқий башараларини очиб ташлаш мақсадида ёзилган.

Бу асарни ҳам кулги-фарс жанрига киритиш мумкин.

Ҳамзанинг комедиялари ҳалқ әртаклари ва ҳалқ оғзаки драмаларига жуда яқин. Ҳамза ижодда улардан ҳам фойдаланади.

«Ўзбек ҳалқ оғзаки драмаси» китобининг муаллифи Мухсин Қодиров Ўзбекистоннинг Сурхондарё, Самарқанд ва Бухоро вилоятларидан ёзиб олган ҳалқ комедияларини кенг таҳлиз қилади. Унда «Домла эшон» деган ҳалқ комедиясидаги алдоқчи Домла Эшон характеристири (М. Қодиров. Ўзбек ҳалқ оғзаки драмаси. Т., 1963, 93-бет) Ҳамза яратган Қози образини эслатади: Домла Эшон ҳам Ҳамза Қозисидек бирорларнинг хотинини алдаб беҳаёлик қилувчи сурбет шахсdir.

Абдурауф Фитратининг (1884—1938) «Рўзалар» пъесасининг жанрини ҳам кулги-фарс деб ҳисоблаш мумкин.

«Рўзалар» (1930)да ҳасислик, шафқатсизлик ва айрим «тақводорлар»нинг риёкорлиги устидан кулиниади. Асарда трагикомизм элементлари ҳам йўқ эмас: адолатсизлик оқибатида деҳкон ҳалок бўлади.

Асарнинг бош қаҳрамони эшон Эр-Боқи ниҳоят даржада ҳасис ва хотини Шарифага нисбатан тошбагир золим. Ҳалқ бундайларга нисбатан «номи улуг, супраси қуруқ» деган нақлни яратган. У жуда майда-чуйда гапларга берилиб, хотинига ишонмайди ва бўлмагур баҳоналар билан ҳақорат қилади. Асар 1930 йилда, лотин алифбосида босилган эди. (Фитрат. Рўзалар.. Иккапардалик кичкина бир томоша асарчаси). Ҳанашр. Са-

шундай ошиланади:

Шарифа (бошини ишдан күтариб). Бу кун ошқа мой йўқ, битган эди. Баққолга чиқмайсизми?

Эр-Боқи (жойнамоз устидан айланиб Шарифа томон қараб ўлтиради; ғазаб билан гапирадур). Ег дарров битдими?

Шарифа. Мой битган деб кеча айтган эдим-ку. Кечаги шунча жаңжалларимиз шунинг учун эмас эдими? Бу кун яна уришамизми энди?

Эр-Боқи. Сен падарингга лаънатни уришмоқ оз, уруб ўлдумоқ керак. Шунча мойни бир ҳафтада қандай битирдинг! Кўл юзингни ҳам мой билан ювдингми? Итбачча!!

Шарифа. Бир ҳафта эмас ўн кун бўлди. Уч қадоқ мойни ўн кунга олиб борсан яна нима дейсиз?!

Эр-Боқи. Ҳамма нарсаларни ўтираб холангга юборсан, мен билмайманми?

Шарифа! Нимани ўтираб, худодан қўрқинг.

Эр-Боқи. Кеча бир қадоқ шалғамдан ярмини ўтирамадингми, итбачча?

Шарифа (ёқасини тутиб йиглагур товуш билан). Бир қадоқ шалғамнинг ярмини ўтираб бошимга ураманми? Худодан қўрқмагур тухматчи!

Эр-хотин уришиб турғанларнда Турсуной кампир қизи Салима билан кириб келишади. Эшонга бир тугунчакда олиб келган нарсаларини бергандан сўнг Салиманнинг туққанига уч ой бўлганини ва ҳозир касаллигини айтиб, бир-икки кун рўза тутмаса бўладими, деб сўрайди. Эшон унга: «Йўқ. Рўза худонинг катта пеъмати, одамга куч берадир», дейди. Эшон дуо ўқиб Салимага куф-суф қилади. Улар кетгач, ўрта ёшли қишлоқ хотини Ниёзой боласи билан келади.

«...Рўздан бери сутим озайиб қолди. Бола сутсизликдан йиглайди. Сигир сути ичмайди. Жудаям ҳолдан кетаёздим. Менга сутни кўпайтиратурган бир дуо берсангиз деб келдим», дейди. Мулло буни ҳам ўқийди. Булар кетгач, Эшон хотининг «Бор, мен ухлайман», деб уни уйдан чиқариб юборади.

Шарифа чиқиб эшик тирқишидан қарайди. Эшон хотинлар келтирган ёғлиқ нон ва бошқа нарсалардан емоқчи бўлади. Буни кўрган Шарифа югуриб бориб маҳалла имоми, оқсоқоли ва япа 2 муллони олиб келади. Эшонни тутадилар.

Чол (Ашурбобо): «... Докторга бордим... Рўзангни емасанг... дори йўқ, деди... Домуллодан сўрадим — Табиб... айтганга еса булур (йўталади) дедилар», — жавоб беради. Қози «Бозорга чиқариб 21 дарра уринг» дейди. Чиқариб урадилар ва қамоқхонага ташлайдилар.

Қози одамларни узатгач, Ҳамрохон деган маҳрами (босоқоли) билан рўзани еб, кайф қилишади. Қози кўкнор ҳам ичади.

Кишилар тўполон қилиб мулло Эр-Боқи эшонни, рўзасини еган, деб қози олдига олиб келишади. Қози уларга: «Буни қўйиб кетинглар, қамаймиз, жазосини берамиз», деб олиб қолади. Ҳабар келади: Ашурбобо дарра зарбидан ўлиб қолган экан.

Букун машҳур ўзбек драматурги Комил Яшиннинг биринчи қадамлари ҳам кулгили саҳна асарлари ёзишдан бошланган эди. У ўзининг 80 йиллиги арафасида ёзган «Еднома»сида дастлабки драматик машқлари бўлган «Лолаҳон», «Карқулоқ» ва «Тенг тенги билан» ҳақида бундай ёзади: «Улар ҳаваскорлик саҳналарига мўлжалланган бўлиб,» «...ижодий коллективларниг репертуарида маълум давр иншаб, томошабинларга кўрсатилган бўлса ҳам уларни ҳамон жиддий асарларим қаторига кўпмай келаман ва дастлабки ижодий машқларим санайман. Баъзи бир танқидчи ва адабиётшунос ўртоклар эса, бу асарларни баҳолашда ҳар хиллика йўл қўйиб келадилар. Драматург сифатидаги фаолиятимни «Икки коммунист»дан бошлаганман. Шу билан бирга ўша «Ёдномада» бу гапни ҳам қистиради: «Тенг тенги билан» пьесаси учун Андижон уезди Маориф шўъбаси мени диплом ва нул мукофоти билан ҳам сийлаганди» (Комил Яшин. Ёднома. Т., 1988, 143-144-бетлар). «Тенг тенги билан» пьесаси биринчи марта Самарканда тайёрланиб, Бокуда босилиб чиқсан эди (Яшин. «Тенг тенги билан». Бир пардали кулки. Ўзашр. Самаркан — Боку. 1930. (Лотин алифбосида). Нихоят, шу муаллифнинг тўрт томлик асарларига ҳам киритилди (Комил Яшин. Асарлар. Тўрт томлик. 4-том, Т., 1972).

Унда воқеа шундай давом қиласи: 70 яшар Сомандарбой 17 яшар камбағал қиз Сурмага уйланиб олган. Қиз чолни ўзига яқин йўлатмайди. У Азиз деган йигитни севади ва чолдан қутилиш чорасини қидиради.

тадиган никоҳни қоралайди (асар Узбекистонда «Хужум» кампанияси авж олган паллада ёзилгани тасодифий эмас). Самандар хасис, очкӯз, исқирт. У Сурмага кўп марта ҳаражат қилинлигини қайта-қайта таъна қидали:

Сурма. Отамдан хафаман, сиздек қари чолга сот-
ган... (иіглайди).

Самандар. Бүлмаса сен нега төгүшгө рози бүлдинг, шап-шак?..

Сурма. Менга сизни ёш йигит деб айтган эдилар...
Аммо... мени алдашган экан у бераҳмлар.

Самандар. Хоҳламайсанми? (Ёпишади).
Сурма. Хоҳламайман дедим, хоҳламайман. (Итариб ташлайди.)

Самандар. Вой белим,вой белим! Энди нима қилсан экан буни. Атъзойи баданини қамчи билап титиб юборсаммикан-а? Йўқ, агар ҳозир савалаб қолсам, баттар кўнгилсиз бўлади. Энди азайимхонга бормасам ишм қийинга ўхшайди. (Сурмага.) Майли, ойимпошша, урганингиз ун оши, сўкканингиз сўк оши, ҭасаддуқжон, мана, мен кетдим. (Халқقا.) Энди Абдулла дуохонга бориб, ўзимга иситиб оламан, мен ҳам шундан кейин бу тасаддуқни бир ялинтирай, бир йиглатай, юракчаси эзилиб кетсин, ҳа-ҳа-ҳа!

Пьеса гоясими ва персонажларининг ички дунёсини очувчи бу парчадан кейинги воқеаларда Сурма билан Азиз Самандар қўлидан қутилиш учун режа тузишади. Шу режага кўра, улар чолни «Талоқ қўйдим!» дейишга мажбур қилишмоқчи. Азиз Сурма кўйлагини кияди. Чолга ўз кўли билан қўзини бофлатади. Чол қизни ўзига ром қилиш учун у билан яширмачоқ ўйнамоқчи бўлади-да, Сурма деб, унинг кўйлагини кийиб олган Азизни қувиб юради. Азиз ва Сурма ўз ўринларига чолнинг тўпори ўғли Тешани келтириб қўядилар. Чол «Лжи-ажи..» деб келиб, ўғли Тешани қучоклаб олади. Кўзини очиб қараса, ўз ўғли. Їхали чиқиб, «Уч талоқ! Юз талоқ!.. деб юборади.

Буни эшитган Азиз ва Сурма қувониб, қочиб кетадилар. Ёшлар ҳаётдаги жирканч одатлардан кулиб ва, ўз тақдирларини шундай ҳал қиласидилар.

Эскилик ва янгилик конфликти, эртаксимон сюжет, 20-йиллар комедиянавислигига асарынине хам асасий хүснүсияти-

даги ёш қизга уйланған Самандар Ҳамзанинг «Заҳарли аёт»идаги кекса Эшонни эслатса, Теша образи «Тұхатчилар жазоси»даги Акбаралини эслатади.

Теша — гүл, анқов, ёши ўттозга борган бўлса-да икр қилиши ўн яшар болалардан ўткир эмас. Худбии та қўлида Теша аҳмоқлигича қолади.

Сурма чолдан қутулмоқ учун Тешадан усталик билан фойдаланади. Муаллиф доно камбағал қиз Сурма ахмоқ бой ўғли Теша ўртасидаги диалогда күлгили азият иратта олган.

Теша. Йүк, раҳматлик онам бир сўз айтган эди-
ар... Уша гап...

Сурма. Нима деган әдилар?

Теша. Күйинг, айтмайман, уяламан!..

Сурма. Эй... овсар, нимадап уяласиз, айтаверинг!

Теша. Хуб, айтсам, пима берасиз?..

Сурма. Битта шойи белбог.

Т е ш а. Боринг-е...

Сурма. Нима берай?

Теша. Хўрошим оч қолди, унга бир тўпни макка
ерсангиз айтаман!

Сурма. Хўп, айтинг, бераман, қани гапириинг!

Теша. Ҳалиги-чи... ҳалиги... менинг онам раҳмат-
ик... нима деган эдилар-а... ҳа, эсим қурсин!...

Сурма. Эсингиз бормиди?

Теша. Эсими, да, бор эди шекилли, қачонки, шу
ига кирсам, нима бало, отам амал қилиб қўйганми?
Сими йўқотиб кўяман. (Товугини уриб.) Эй...й... қа-
шламай ўлгур. Шуни боғлаб қўяй. (Уйнинг тўрисига
боғлаб, дон сепиб қўяди).

Сурма. Ахир онангиз нима деган эдилар, айтмай-
зми?

Теша. (эркаланиб). Онамми, шундай деган әдилар: Тешавой, болагинам, бу отангга ишонма, күзимнинг приклигига ён қўшинимизнинг қизи Аноҳонни сенга иб берай, деган әдилар. Мен бўлсам, мана шу хўзу кучуклар билан овора бўлиб қулоқ солмадим. Онамлсалар, оламдан ўтдилар (68—69).

Қатнашуучиларнинг ҳазил-мазаҳ арадаш ҳаракатла-
га асосланган ва ўз моҳияти билан епгил комедия
зарига тааллукли бўлган бу асарнинг жанрини кулгиги-
арс деб белгилаш тўғри бўлади.

жодий шиги жадатларидан ҳамзанинг «Тұхматчилар жазоси» күлгі-фарсга үшшаб кетади. Юқорида әткіділаб үтганимиздек, «Тұхматчилар жазоси» марказыда ижобий қаҳрамон (Фотима) туралы. У ақл ва тадбир билан тұхматчиларни фош қиласы, ўзининг соғлиғи ва зрига садоқатини күрсатади. К. Яшиннинг «Тенг тенги билан»даги Сурма ҳам ўз характеристері билан Фотима образында яқин туралы. Ҳамзадаги Акбарали ўзининг содалығы, сұзлари ва қилиқлари билан кишини күлдиради. К. Яшиннегі Тешада ҳам бояларча гүлдік хусусияти бор. Бироқ Акбарали ёқимтой, гүл әмас, Теша эса ҳам гүл, ҳам анқов.

«Тенг тенги билан» 1930 йилда нашр қилингандан кейин узоқ йилдар К. Яшин асарларининг күп томлікларига киритилмади. Нихоят, 1972 йилда босилиб чиққан түрт томлік асарларига киритилді. Бунда К. Яшин асар унвони остидаги «кулғи» сўзини «пьеса» сўзи билан, айрим луқмаларни таҳrir қилиш билан упча катта бўлмаган тузатишлар кирити. Масалан, асарининг 1930 йилги нашрида гўл, уятчан характеристерли бўлган Теша бирданига закийларга хос гаплар айтади:

Сурма. ...Қани айтинг-чи, қанақа хотинни яхши кўрасиз?

Теша. Қўйинг-эй, уялман!

Сурма. Уялманг, гапираверинг!

Теша. Хотин бўлса, семиз бўлса, юзи гулдай кулиб турса, (кулиб хурсанд бўлиб) яхши бўлса нағмалари, юмшоқ бўлса бағбағаси, семизликдан ҳарсилласин, сакич чайнаб карсилласин; бели хинча килдай бўлсин, коши-кўзи нилдай бўлсин. Оёқлари юғон бўлсин, филлар кўриб ҳайрон қолсин (*Яшин. «Тенг тенги билан». Самарқанд-Боку. 1930, 7-бет. Лотин алифбесида*).

Асарни қайта нашрга тайёрлаганда К. Яшин шу луқманинг характеристига мос әмаслигини пайқаб, унинг ярмидан кўпроғини қисқартиради:

Теша. Хотин бўлса семиз бўлса, қучганингда қучоқ тўлса. (Кулиб, хурсанд бўлиб.) Семизликдан ҳарсилласа, сакич чайнаса қарсилласин (*Комил Яшин. Асарлар. Тўрт томлик. 4-том. Т., 1972, 69-бет*).

Зиё Сайд (Соли Қосимов, 1904—1938) ўзининг «Тўралик спртмоғи» деган иккى кўринишдан иборат күлгифарсида (Бу асар биринчи марта 1931 йил Тошкентда «Қизил Ўзбекистон» ва «Ўзб. Правда» нашриётида бо-

силио чиққан) бюрократизм, сансалорлик, қозозбоалик каби нуқсонларни култи остига олади. Оддий фуқаро Эшвой хотинини ЗАГСдан ўтказиш учун идорага олиб көлади. Уни «эрта кел», «индин кел» деб кўп овора қиласылар. Анике тўлдирганда никоҳга ҳеч алоқаси йўқ саволлар берадилар («1905 йил ицилобига қатнашганмисиз?»).

Мудир. Завжайи муҳтараманлизнинг ёшлари қапчада?

Эшвой. Завжайи муҳтарамамизнинг ёшлари ўн тўртда.

Мудир. Бўлмади, бўлмади. Нега шуни бояроқ айтмадингиз. Ўн тўрт ёшли қиз қонунан эрга берилмайди. Шунча уйланиб ҳали ҳам шу қонундан хабарингиз йўқми?

Эшвой. Хабарим албатда бор, шу хабарим борлигидан шундай қийдим-да.

Мудир. Хўш, нима сабабдан?

Эшвой. Бўлмаса мен сизга бошимдан ўтган кичик бир ҳодисани арз этай, мирза йигит. Бундан икки йил бурун худо раҳмат қилгур Зулайҳога уйланганимда у ўпсанкиз ёшда эди. Ҳар иккимиз қўл ушлашиб жанобингизнинг олдингизга рўйхатдан ўтмоқ учун келдик. Ариза ёзиб кел дедингиз, бош устига дедик, дафтардан ўтказаб номер қўйдир, дедингиз, сўзингизни қайтармадик. Шундан кейин эрта кел, индин келарсиз бошланиб кетди. Сиз келавер дедингиз, биз келавердик. Кун ҳафтани, ҳафта ойни, ой йилини қувиб, марҳума Зулайҳо йигирмага етди деганда рўйхат ишларимиз битди. Бошимдан ўтган бу аччиқ тажриба менин бу гал олдинроқ ҳаракат қилингга ўргатди (пауза). Мана бу синглингиз ҳозир ўн тўртда бўлса, эски одатларингиз бўйича икки йилтacha анкета тўлдирсак, сизнинг эрта кел индин келларингиз билан у вақтда у ўн олтига етган бўлади. Бу қонунга хилоф бўлмас, мирза йигит (*Зиё Сайд. Танланган асарлар. Т., 1974, 198-бет*).

Асарда композиция яхлитлиги етишмайди: сюжетда бир-бирига ботлашмаган уч маъзара (эпизод) бор — юқорида эслатилган ЗАГС даги Мудир ва Эшвой диалоги; сувга чўккан одамини қутқарип учун ёрдам комиссиясидан беш сўз сўраш машмашаси; нихоят, мудир деб бошқа киши билан жанжаллашиш манзараси. Сўнгги

ҲАЖВИЙ КОМЕДИЯЛАР

Ўзбек комедияларининг бир жавр тармоги ҳажвий (сатирик) комедиялар ҳисобланади.

Ҳажв ва сатира атамаларининг маънодошлиги ҳақида «Кириш»да фикр юритган эдик. Энди уларнинг таҳлилига ўтамиз.

Ўзбек комедияграфиясида кўзга кўринган ва бемалол ҳажвий (сатирик) комедия дейишга аразидиган асарлардан бири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Бурунги қозилар ёки Майсарапинг иши» пьесасидир.

Ҳамза «Туҳматчилар жазоси» кулги-фарсини ёзиб (1918) саҳнага кўйганидан кейин, шу мавзуга қайтиб йирикроқ асар ёзиш ниятида узоқ ўйлади. Ниҳоят, шундай асар яратиш имконияти 1926 йилда пайдо бўлади. Бу йилда у маданият ва маориф ишларидан биринчи марта меҳнат таътилига чиқиб, Водил ва Аввал қишлоқларида дам олади. У ерларда деҳқонлар ва қишлоқ фаодлари билан яқин алоқада бўлиб, чойхона ва кўприк қуриш каби ишларда қатнашади. Шунда яъси асар устида ишлайди. Асарни саҳналаштириш иши бошлиномасдан Ҳамза ўлдирилади ва асар бир муддат унутилади.

Ўзбекистон ҳукумати 1938 йилда Ҳамзанинг туғилган кунини тантанали нишонлаш мақсадида юбилей комиссияси ташкил қиласди. Юбилей 1939 йилда Ҳамза туғилганига 50 йил тўлганида ўтказиладиган бўлди. Юбилей комиссияси олдига Ҳамза асарларини излаб топиш, босмага тайёрлаш, саҳнага қўйиш ва кенг жамоатчилик орасига тарғиб қилиш вазифаси қўйилди. Комиссия аъзолари Ҳамза асарларини излаш ва мавжудларини нашрга тайёрлаш хамда саҳнага қўйишга киришадилар. Комиссия аъзоси Ўзбекистон халқ артисти, Ҳамзанинг шогирди машҳур комик Миршоҳид Мироқилов Фарғонага борганида Фарғона театрининг режиссёри Ҳайдаровда Ҳамзанинг «Майсарапинг иши» пьесасининг матни борлигини аниқлади ва олади. Уни Ҳамза 1926 йилда Водилда ёзган ва шу ёш режиссёрга берган эъан («Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1939, 5 апрель, 176-сон).

Ҳамза юбилейи арафасида жумхуриятда комедия театри ташкил қилиш пайти келди, деган масала кўтарилади. Миршоҳид Мироқилов «Саҳна сатираси яратайлик» деган макола билан чиқади («Қизил Ўзбекистон»

биринчи марта Ўзбекистон комедия театри таъсис қилинади. Пойтахт ва вилоятлар театрларидан забардаст комик артистлар ишга таклиф қилинадилар. Комедия театрининг пардаси Ўзбекистон ташкил тонганининг 15 йиллиги тантаналари арафасида 1939 йил 30 октябрь «Майсарапинг иши»ни кўрсатиш билан очилади («Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1939, 5-декабрь, 278-сон).

Худди шу йили Ҳамза Ҳакимзоданинг «Танланган асарлар»и лотин алифбосида босилиб чиқади. Унга «Майсарапинг иши» ҳам киритилган эди (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчилар: Юсуф Султонов ва С. Ҳусайнин, Тошкент, 1939. Шу тўпламга киритилган кириш мақолосида С. Ҳусайнин ҳам «Майсарапинг иши» матни яқинда Фарғонада топилганлигини қайд қиласди). Миршоҳид Мироқилов ва режиссёр Бобохўжаев пьесани саҳнага қўйишган эди. Майсара хола ролини Марям Ёқубова, Мулла Дўст ролини Сойиб Хўжаев ўйнаган эдилар.

«Туҳматчилар жазоси» ва «Бурунги қозилар ёки Майсарапинг иши» асарлари орасида гоявий мазмун ва ижодий ният жиҳатидан муштараклик бор: ҳар иккала асар марказида оқила, покиза, тадбиркор ўзбек аёли туради; ўзларини дин-шариат ҳомийлари деб хисоблайдиган имом домла, қози, аълам ва муфтиларниң риёкорлиги масхара қилинади.

Октябрь тўнтаришидан олдин жадидлар миллат ва ватан равнақини истаб, мактаб ва мадрасаларни ислоҳ қилиш, ҳалқни жаҳолат ботқоридан олиб чиқиши, дунёвий фанларни ривожлантириш орқали илгарилаб кетган мамлакатлар билан тенглашишини орзу қиласди. Бунинг учун бадиий адабиёт, театр, матбуот, мактаб, мадраса, кутубхона минбарларидан фойдаланиб келдилар. Бошқа жадидлар қатори Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам бу йўлда қўлидан келган ижодий ишларни қилди. Унинг шоирлиги, режиссёrlиги, драматурглиги шу максадларга хизмат қилишга қаратилди. Ўз замондошлирига нисбатан синфлар кураши ҳақидаги таълимотни олдириқ згаллади, ижодида шу синфиийлик позициясида туриб иншо қилди, ўз асарларида синфий конфликтларни бошқаларга нисбатан чукурроқ акс эттиради.

«Туҳматчилар жазоси»да тўнтаришининг биринчи йилидаги воқеалар акс эттирилса, «Майсарапинг иши»да XIX сарғо мурожаат ишланини Биринчи кулги-фарс аса-

қилинса, «Майсаранинг иши» ҳажвий комедиясида шариат «ҳомийси» Қози; унинг қўл остидаги Аълам ва Қозининг ўғли Хидоятхон фош қўлиниади. Майда-чуйда шахсларни фош қилишдан йирик дин арбобларини фош қилишга ўтилади. Ҳар иккала асар ҳам ҳалқ отзаки ижоди руҳида яратилган: әртаксимон тугаллашма — салбий тишларни бешикка белаш, бошига сигир ёки эчки терисини ёпиш, Мулла Дўстга раҳм қилиб чироқпоя қилиб қўйиши, Майсаранинг Мулло Дўстга мойиллик кўрсатиши — шу бадиий ияятнинг меваларири.

Асарда кўпинча ташқи қиёфаси, эгаллаган амали билан қиласиган иши бир-бирига қарама-қарши бўлган ижодкор шахслар кулги остига олиниади.

Қози Қуръон ва шариат ҳадисларини ҳаммадан яхши биладиган шахс. Амалда эса шариатни бузади.

Чўпоннинг отаси ҳажга боришдан олдин 20 тиллани Қозига топшириб, омонат сақлавг, борди-ю йўлда бирон кор-ҳол бўлиб, қайтиб келолмасам, ворисларим Сиздан оладилар, қозихона энг ишончли жой, қози шариатпеша, у омонатга хиёнат қилмайди, деб ишонган эди. Қози тиллани олиб қолганлиги ҳақида тилхат берган. Оқибатда нима бўлди? Чўпоннинг отаси қайтмагач, Қози меросхўрларни алдайди: аввал тилхатни олиб бошқа сохта ҳужжат ёзив беради, кейин умуман омонатни олганлигидан тонади. Кўп хотинли ва кекса бўлишига қарамай, Чўпон никоҳида бўлган Ойхон билан хуфия айш қилмоқчи бўлади. Демак, Қуръонда ёзилган мусулмони солим зинога йўл қўймаслиги, киши ҳақини емаслиги, ёлғон демаслиги тўғрисидаги оятларни поймол қиласди. У ўз хизматкори Мулла Дўстни 30 йилча ишлатиб, уйлантирмайди, алдаб келади. Риёкор, иккюзламачи Қозининг ёрдамчиси Мулла Рўзи аълам ҳам «устози»дан колишмайди — «хилайи шаръий» ишлатиб Мулла Дўстдан тилхат сакланаётгани сандик калитини олади, ундаги тилхатни кўчиради. Ойхон билан ишрат кечасига шопилиди.

Олма олмадан узоқка тушмайди. Қозининг ўғли Хидоятхон ҳам отасидан колишмайди: мени бирон нарса чаққанга ўхшайди, тезроқ чиқинг. деб Мулла Дўстни алдайди ва сандикдан тилхатни олиб. Майсарага олиб бориб бермоқча шопилади (бунинг дарди ҳам ишрат).

Ҳамзанинг энг катта ижодий ютуги доно, тадбирли ўзбек аёли типини яратишидир.

кантарио беरмагач, бирдан-бир чора — алдаганин алданга машбур бўлади. Сюжет ҳалқ әртакларидан олинган. Бу комедия билан ҳалқ отзаки ижоди ўртасидаги алоқалар ҳақида адабиётшуруслар 60—70 йилларда баҳсолашган, ушбу сатрлар муаллифи ҳам ўз муроҳазаларини билдирган эди. Баҳслар ундан кейин ҳам давом қилди. Ҳатто шундай воқеа ҳаётда содир бўлган, дегувчилар ҳам йўқ эмас. Гап шундаки, ижодкор ҳаётдан нусха кўчирмайди, балки ҳаётий ҳодисалар ва ривоятлар ижодий ҳаёлни, бадиий тўқимани ишга солиб янги бадиий ҳақиқат яратади.

Умуман комедия тилида, хусусан Майсара луқмалирида Ҳамзанинг ҳалқ тилидан ниҳоят даражада усталик билан фойдаланганини кўрамиз. Бир неча иқтибос келтирамиз:

1. Энди бир золимнинг ҳийласи билан шунча дунёни ташлаб кетаверамизми, Чўпон? Ўчиз юрак юракмидир?! (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. 4-том. Тошкент. 1989, 21-бет).

2. Майсара. Бошингни кўтар! Эр йигитнинг бош солгани ўлганидур. (Кўтарур.) Мен саломат бўлсан, Ойхон қўлдан кетмас. Кичик душманнинг ҳам ортидан изкувмоқ ақлларлар ишидир.

3. Майсара. Ўзлим, бу ишларнииг поёни одам ўлдирмоқ билан саранжом топмас, ҳийла билан бажаришда аниқом топадир.

Чўпон. Хола, биз бу юртга мусоғир бўлсан, бизнинг тадбиримнанинг кўмаги у ишларни бажо қилмайди. Бир йўл бордирки, у ҳам бўлса бутун-әртадин қолмай қочмоқ ёки қасдларни олмоқ, билдирмай бўғизларидан қон қусдирмоқдир.

Майсара. Чўпон! Сен куч ва бозуга ишонганчалик қаҳрамондирсан. Лекин тириклигинг шундай ишларини тадбир билан саранжом топилишига бўз болалик қилурсан. Қочсак номардликдир, киши ўлдирсанк жиноятдир. Турсак, икки бошдан тидагимиз, номусимиз барбод бўлур. Бир иш қилиши керакки, душманларни ўз-ўзларича ўлимга маҳкум этайлик. Ойхонни сорлом кўлда қоллириб, юрт-элга номусимиз билан саломат кетайлик. Ўзлим, шер йигитни одам ўлдирмас, номус ўлдирур. Биз бир иш килайликки, шармандаликларин ер юзига достоп қилайлик!

4. Майсара. Нима дейсан, қизим?! Менинг бошим

турлар түнгиздан бошқага ҳаргиз насио булмагай. Мен бу сўзларни айтиб, сени қўрқиши билан суюнчингни босмоққагина сўйладим. Мен бу бадбаҳтларни қандай шармандаю шармисор қилишимни ҳали кўурсан...

Майсара. Қизим, иш қилсанг шундана қилки, бутун дунё кулсин ё бутун дунё йигласин!

Майсара хола бу луқмаларидан келтирилган юқоридаги мисолларда ҳикматли — файласуфона маъно бор. Ҳа, Ҳамза тасаввурида ўзбек аёли айримлар айтғандаридек, «ожиза» (кучсиз ва кўр), «муштипар» (бир сиқим пар), «сиёҳсар» (манглайи қаро), фақат кўз ёши тўкишдан бошқа иш қўлидан келмайдиган маҳлук эмас, эркаклардан қолишмайдиган, «эрни эр, ёки қаро ер» қиласидиган хотинлар бўлган ва бор! Улар ҳаёт тузи, уларсиз турмушнинг мазаси йўқ. Бу Ҳамзанинг поваторлиги.

Майсара жиддий аёл, шу билан бирга кўнгли очиқ, меҳрибон, қувноқ аёл.

Мана унинг пьеса бошида жиянлари олдига келиб, уларнинг ҳасратли юзларини кўриб, далда бериши:

Майсара. (Ойхоннинг кўзида ёш кўриб сезгандан, юзидан ўпид, севиб, силкиб). Ойхон, Ойхон! Йиглабсиз шекилли? Карнайхон, сурнайхон, эркахон, серкахон, кулиб-кулиб қўйинг, ўргилсин-а, чўргилсин, хамир кўпти тўгрилсин (Чўпон кулур.)

Ойхон (қўлларини айирмоқчи бўлиб). Хола, ҳозир куладиган чоғларми?

Майсара. Ёмгиринг ортидан боғлар қандай яшаса, йигрининг ортидан бўлган кулги шунчалик яшаргусидир. (Кучоғига босиб.) Айланай, айланай, мошовамиз қайнапти, қизи сақич чайнапти. Чўпон билан Ойхонлар йиглаб-йиглаб ўйнапти.

Бу луқмалардаги ўхшатишлар, эркалатишлар ўзбек миллий характеристини очиб борувчи воситалардир. Ҳамзанинг бу асари бадиий ижодда ҳалқчилликнинг гўзал намунасидир.

Майсарапининг ўзи кам кулади. Бироқ у билан муоммалаға киришган кишиларнинг хатти-ҳаракати комедияга жўниқин руҳ бағишлайди.

Ҳамзанинг аўр маҳорат билан яратган комик характеристларидан бири Мулла Дўст тимсолидир. У ҳалқ латифлари қаҳрамони Насриддин Афандини эслатади. Тўғри, содда ишонувчан хизматкор. Уни узоқ йиллардан бери уйлантирамиз деб Қози ва Мулла Рўзи аълам ал-

даб келмоқдалар. У энди ишонмай қуинган. Шунинг учун тилида шикоят, заҳарханда, кесатиш катта ўрин тутади. Бироқ Майсара холани олиб берамиз, деган хабарни эшитганидан кейин гўё фонус ичига шам қўядилар, у энди умид билан яшайди, жонланади, ундаги ҳазилкашлик хислати қайта тирилади.

Унинг қўйидаги монологига эътибор беринг:

Мулла Дўст. Беҳларимиз тириши, бизнинг тенглар эшиги шуваладиган ҳовлига кириши, бизгаям ажал деган рўдано деворнинг орқасидан қаравади. Соқол оқариб, озиқ тишлар тўқилиб, нозик бу бел деган жонивор ҳам эски маҳсидеек букилди-ю ҳалигача паричеҳра-ю ботя гуландом, юзи тўлин ой, зулфи паришон, қошлари камон, кўзлари бодом, тиллари асал, лаблари шакар, бўйлари раъно, ўзлари доно деган қиз-жувионлар у ёқда тураверсин, кўзи шишган, тиши тушган, бетлари шафтоли қоқидек тиришган, қабристонга қараб лаҳад учун киришган, оғзи гўрдек, бурни қувурдеккина, бели камадак, юзи сумалаккина бир бедаво, саксонни, юзни урган бир кампир билан ҳам ўйнашини худойимиз кўп кўрди. Буни қарангки, иккам ўттиз йилдан баққа мана шу бехосият останайи номуборакда лоақал мингдан ортиқроқ хотин ҳалала бўлди, биздақа пешопаси тўмтоқ, қурумсоққа бирортаси ҳам... тегманти-я (пешанасига уриб). Вой сени бекорчиликда яратган худойимдан ўргулай.

Бу парчапинг бадиийлигига эътибор беринг: сажъ санъатидан фойдаланиш (тириши, кириши, қарашди каби) нутқни ранго-ранг қилган.

Ҳамза комедия сюжетига қизиқарли интрига (найранг)ларни киритган. Улар ҳам кулгили, ҳам характерни очишининг муносиб воситаси. Мана, Мулла Рўзи аълам Мулла Дўст турган Қозининг ташқари ҳовлисидаги уйга киради. Ундаги сандиқдан 20 тилла ҳақидаги ҳужжатни олиши керак. Бу ишни шундай бажариши керакки, шариат юзасидан бу ўғрилик бўлмай, йўқотилган нарсани топиб олгандай бўлсин. Шу найрангнинг номи «ҳийлайи шаръий» дейилади. Мулла Рўзи маслаҳати билан Мулла Дўст сандиқ калитини туширган ва Мулла Рўзи уни ердан топиб олган бўлади. Бувдай найрангни кўрган Мулла Дўст ўзига-ўзи бундай дейди:

Мулла Дўст. (Чиқиб, ҳужра эшигини бекитиб). Уламо деган песлардан ҳам ихлосим ачитма гўжадек



«Майсаранинг иши» Муқимий номидаги мусиқали театр сағнасида

лодир. Ахвол шу-ю, тагиин буларниң халқ ичига кирса бурунниң сувидек кўз ёшини оқизиб (йигламсираб): «Эгамдин кимки қўрқмас ул сазовори жаҳаннамдур», деб амри маъруфни наврӯзниң ёмғиридек шилт-шилт қилворади. Билмайман, ўша жаҳаннамга ўзларидан бошқа қайси маҳлуқлар борар экан.

Хидоятхон характери бошқаларидан бир оз фарқ қиласди: у запчалиши, сўзлаши ва хатти-ҳаракатида нозукарашма кўп. Бу ҳам кулги тугдиради.

Ҳамзанинг комедияни эртаксимон эпизод билан тугаллаши ҳам саҳна асарини қизиқарли, томошабон қилиган. Қози бешикка беланади, Мулла Рўзи устига сигир териси тортилади ва ҳоказо.

1939—41 йилларда пойтахт ва вилоятларниң театрлари «Майсаранинг иши»ни саҳналаштирганда саҳнада Ҳамза сўзи жараглар ва у ўйлаб топган хатти-ҳаракатлар гевдаланаар эди. Ағсуски, кейинчалик афишаларда Ҳамза номи ва «Майсаранинг иши» сарлавҳаси қолди-ю саҳнани бошқа муаллифларниң сўзлари ва улар ўйлаб топган ҳаракатлар эгаллади. «Замонлаштириш», «музикалаштириш», «халққа, майдонга яқинлаштириш» баҳонаси билан Ҳамза сўзлари халққа етказилмайдиган бўлаб котти асар суюктасди бапшанаадиди.

ролдорни сийх ҳаралло туриши мумкин, лекин улар гайритабиийлик ва карикатурага бориб етиши мумкин эмас» — деди В. Г. Белинский (*В. Г. Белинский. Тапланган асарлар. Т., 1955, 205-бет*).

Ҳамза ёзган «Майсаранинг иши» комедиясини В. Шексипрининг «Виндзор ҳазилкашлари» (Ёки «Жон Фальстаф») комедияси билан бир қаторга қўйиш мумкин. Муаллифлар фантазиясиниң кенглиги, бу фантазияниң томирлари халқ оғзаки ижодига бориб етиши жиҳатидан бу икки мумтоз комедиянавис ва асар орасида муштарақлик бор.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг 1926 йилда ёзган ва ўша иили республика пойтахти Самарқандда чиқадиган «Зарафшон» газетасига илова қилиниб алоҳида китобча шаклида нашр қилинган «Бурунги сайловлар» асарининг жаңрини аниқлашда ҳамзашунослар орасида яқдиллик йўқ. Ҳамзанинг ўзи пьесанинг унвон варагига «икки пардалик пьеса» деб ёзган (*Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. 4-том, Т., 1989, 89-бет*). Ҳолбуки, «Майсаранинг иши» ни «Уч тўсиқда кулку» деб ёзган эди. (Тўртинчи жилд, 10-бет). «Бурунги сайловлар»га биринчи марта тавсиф берган ҳамзашунос озим Юсуф Султонов ҳали 1941 йилда босилган китобида «драма» сифатида шарҳлайди. «Қодирқул мингбошивийт,— деб ёзди олим,— сайлов олдидағи тараддуздлари ва «сайланишиши кўрсатиш билан Ҳамза чор ҳукумати вақтидаги сайловларниң моҳиятини очиб берди. У вақтларда сайловларда меҳнаткаш омманинг манфаатлари ҳеч ҳисобга олинмаслиги, демократиянинг йўқлиги, «сайланган» амалдорларниң ҳам халққа ёт кишилар бўлиши Ҳамза асарида яққол кўзга ташланиб туради (*Ю. Султонов, Ҳамза Ҳакимзода ҳаёти ва ижодиёти. Т., 1941. 41-бет*). Танқидчи Қодиркулга характеристикани чукурлаштириб бундай ёзади: «Қодирқул мингбошидаги лаганбардорлик, ўз шахсий истаги олдида халқ манфаатларини қурбон қилиш, пораҳурлик, муттаҳамлик, маший бузуклик ва шу кабилар ўша вақтдаги ҳамма маҳаллий амалдорлар учун характерлидир. Буларни Ҳамза конкрет фактларда реалистик равишда кўрсатиб беради» (*Ю. Султонов. Уша асар. 41-бет*).

Юсуф Султонов ўзининг сўнгги китобида ҳам шу пунктни пазарида туради (*Ю. Султонов, Ҳамза. Очерк*

1954, 74-жылдар).

Театршунос Мамажон Раҳмонов эса, бу асарни сатирик комедия сифатида талқин қиласи (М. Раҳмонов, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва ўзбек совет театри. Т., 1959, 352-368-бетлар.)

Пьесани синчиклаб ўрганиш шуни кўрсатдик, ҳақ марҳум ҳамзашунос Юнус Султонов томонида.

«Бурунги сайловлар»да эски сайловлар ва унинг марказида турган миғбоши ҳамда унинг атрофидагилар фош қилинади. Сатира деб, ҳукм қилиш учун бу танқид ва фош қилиш кулги воситасида бўлиши керак эди. Мазкур асарда айрим кулгили диалоглар ва Холматга ўхшаган юмористик характер йўқ эмас. Бироқ бундаги кулги элементлари ҳар бир драма, ҳатто фожиада учрайдиган миқдорда ҳам бўлиб, кўпчилик характерлар, вазият ва диалоглар кулгили йўсида эмас. Матъумки, 1939 йилда Комил Яшин «Бурунги сайлов»даги Қодирқул миғбоши ва унинг хизматчиси Холматнинг сўзлари ва характерларини бир оз ўзгартириб Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» пьесасига қўшиган эди. Бу билан «Бой ила хизматчи» комедияга айланмади.

Шунинг учун биз бу тадқиқотимизда «Бурунги сайловлар»ни таҳлил қилишни лозим деб топмадик.

Баҳром Раҳмонов (1915—1961) комедия ёзишга тури ҳаёт йўлларини босиб келди: ўқитувчилик қилди, аддия олий билимгоҳини битириб, ҳарбий прокурор бўлиб хизмат қилди, журналист сифатида қалам тебратли «Қизил Ўзбекистон» газетасининг бош муҳаррир ўринбосари, Ўзкомпартия Марказий Кўмитасининг адабиёт ва санъат бўлими мудири, ниҳоят Ўзбекистон Ёзувчилар ўюшмаси бошқарувининг раиси бўлиб ишлади. У томошабинларга ўзининг «Юрак сирлари» комедияси билан танилди.

Бу асар 1952 йилда ёзилган бўлиб, Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик театри режиссёри Тўла Хўжаев томонидан 1953 йилнинг 20 декабрида саҳнага қўйилди. Комедия спектакли томошабинлар томонидан яхши қабул қилиниди ва айрим вилоят театрларида ҳам кўрсатишиди. Пьеса биринчи марта «Шарқ юлдузи» ойномасида босилди («Шарқ юлдузи». 1954, 6-сон). Шаҳа иили рус тилига таржима қилиниб, «Звезда Востока» ойномасида ҳам чоп этилди («Звезда Востока» 1954, 8-сон).

Режиссёр Тўла Хўжаев билан бу сатрлар муаллифи

судоҳа ҳизнида шу нарса маълум булдик, режиссёрнинг қўлида ўзи ёзган «Яширии уйланиш» деган комедия матни бўлган. Баҳром Раҳмонов ўз комедиясини театрга олиб келганда шу пьеса устида ижодий иш жараёнида бу икки пьесани бир-бирига қўшиб, янги бир спектакль яратилади. Тўла Хўжаевнинг ҳикоя қилишича, спектакль саҳнага қўйилиб томошабинлар олқишига сазовор бўлган кунларда айрим партия ва ҳукумат раҳбарларининг хотинлари театрга қўнғироқ қилиб, «Сиз саҳнада мени кўрсатибсиз-ку...» деб, гинахонлик қилганлар, уларнинг эрлари эса спектаклии кўрсатишни таъкидлашга уриниб қўришган.

Шу кунларда «Қизил Ўзбекистон» газетасида Ҳамид Ғуломнинг «Юрак сирлари»нинг хотолари нимада?» сарзавҳали тақризи босилиб чиқди... Бу тақризга тўхталишдан олдин комедиянинг мазмуни ва шакл ҳақидаги айрим мулоҳазаларимизни баён қилмоқчимиз.

«Юрак сирлари» комедиясида икки қўшии оила — ёзувчи ва ўқитувчи Саттор Аҳатов билан хотини врач Санобар ва хирург Илҳом Акрамов билан хотини, уй бекаси Сурмахонлар ўртасидаги турмуш можаролари сюжет асосини ташкил қиласи. Ният — ўша кунларнинг истилоҳи билан айтганда, айрим зиёлиларнинг хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўлишлари устидан кулиш.

Комедияда бир қатор шахслар орасидаги конфликтлар акс эттирилган. Саттор — Санобар, Илҳом — Сурмахон, Илҳом — Рузрон, Санобар — Сурмахон. Бу асарда конфликтнинг иккичи шакли — айрим шахсларнинг ички қарама-қаршиликларига асосланган коллизия — руҳий конфликт ҳам ўрин олган.

Саттор ўқитувчи ва шоир, хотини Санобар врач-терапевт ҳамда номзодлик диссертацияси устидан ишлайтган илмий тадқиқотчи. Табиатлари қарама-қарши хислатларга эта: Саттор талантли бўлишига қарамай, ўта рашикли, хотинига ишонмовчи, шуҳратпаст. Санобар эса мулоҳим табиатли, камсуқум, самимий, эрига вафодор, меҳрибон она (уларнинг 6-7 яшар Лола деган қизлари бор).

Санобар баъзан шифохонада ушланиб қолади. Саттор шубҳа-гумонларга бориб, хотинини рашик қиласи. Санобар ишлайдиган шифохонада кўшилари хирург Илҳом Акрамов бош врач. Саттор турли фикр-хаёлларга бориб турганда Сурмахон унинг уйига кириб, менинг эрим Илҳом ҳалигача келмаётир, сизнинг хотинингиз келдими,

деб бурада. Саттор улуг хотини унга күйманды, деган шифохонада иш чиқиб қолганини, шунинг учун кечикиб бераман, деган эди, деб жавоб беради.

Сурмахон. Ўзим ҳам айтган әдим-а, яна бирга эканлар! Ахир хотинингизни тийиб олсангиз бўлмайдими? Қачонгача мени хўрлайсизлар? (Қўзига ёш олади.)

Саттор. Қўйинг, сиз ҳам хувобимни ошириб, тутоқтираверманг, алданга устига керосин қўйманг. Янги янги модалар, янги-янги упа-атирлар чиққанда жанжаб бошлаб эрингизга сўзишгизни ўтказасиз-у, ўша ҳунаргизни нега бу масалада ҳам кўрсатмайсиз (Баҳром Рахмонов. Пъесалар. Т., 1957, 119-бет).

Драматург комик конфликтниш бир кўриниши — киноядан ҳам усталик билан фойдаланган:

Санобар. Салом, Саттор ака!

Саттор (кинояли). Келинг, азизим!

Санобар. Иш чиқиб қолиб, бир оз кечикдим. (Кулиб) Кечирасизда энди... (Ошхона томонга киради.)

Саттор. Бу янги гап әмас-ку. Справкасини ҳам тайёрлаб келибида.

Санобар. Ошхонадан чиқади.

(Кинояли.) Азизим, консилиумларингиз тамом бўлдими?

Санобар. Ҳа, бир беморнинг аҳволи бугун жуда оғирлашиб қолган эди, ошигич чора кўришга тўғри келди. Консилиум ўтказдик. Невропатологлардан доктор Акрамов, терапевтлардан мени бўлдим. Ундан ташқари клиникадан икки профессор ҳам таклиф қилипди.

Саттор. Юрак касалими?

Санобар. Ҳа, юрак пороги.

Саттор. У юрак касалининг сизнинг юрагингизга ҳам даҳли борми?

Санобар. Тушунмадим, Саттор ака, очикроқ айтинг.

Саттор. Ҳар иккى юрак бир-бирига ҳамдардми дейман!

Санобар. Бу нима деганигиз? Беморнинг юраги билан менинг юрагим ўртасида қандай алоқа бўлиши мумкин?

Саттор. Ҳар куни ишдан кейин эрингизга телефонда қўнгироқ қилиб, ўзингиз консультация-ю консилиумларда юрганингиздан кейин иса алоқаси бўлмасин!?

Санобар. Ахир бу хизмат-ку. Мен врачман. Бемор-

нилди, ҳам кимни кетади? Контактда, унга седам курсатмаган врач, врачми? Бурчимни бажармайманми?

Саттор. Йўқ, тухмат эмас, ойимча! Тухмат тухматликдан чиқиб, ҳақиқатга айланди. Қачонгача мени қалака қилиб юрасиз?

Конфликт кучаяди. Санобар қизи Лолапи олиб уйидан чиқиб кетади. Сатторда қасдма-қасд ўч олиш туйғуси кучаяди. У савдо назоратида товаршунос бўлиб ишлаб юрган Қумрини учратиб, унга шеърлар тўпламини дастхат билан тақдим қиласди ва унга уйланмоқчи бўлиб, ЗАГС дан ўтиш учун ариза ёзиб беради. Бунда комедиянавис ва режиссёр сирсақлаш усулидан фойдаланиб, Қумри болалар уйида тарбиячи бўлиб ишлаган Санобарниш тарбиясини олганлиги, бу қиз уйланмаган севган ёри — район ижроия қўмитасининг ходими Бахтиёр деган йигити борлигини Саттордан (томушабинлардан ҳам) маълум вақтгача сирсақлайди. Бу усул асарга томошавийлик, қизиқувчанлик багишлайди. Буларни Саттор асар охирида ЗАГСда билиб олади.

Комедияда «кишилар юрагини ойнадай кўрсатадиган аппарат» ҳақида гап боради. Бу хаёлий образ Саттор-Санобар конфликтини чуқурлаштириб, Сатторнинг ортиқча шубҳаларга берилиши, ниҳоят хотинига ишонмаслиги авжига чиқишини яққол акс эттиради. Бадий тўқиманиш бу муваффақиятли парчасини кўздан кечирамиз.

Санобар. Бўлар-бўлмас миш-мишларга ишониб, хўрлайверасизми? Бекордан-бекорга тухмат қилишга улмайсизми?

Саттор. Аттанг, аттанг! Афсуски, сизга ўхшаган олимлар, қишиларнинг юрагини ойнадай кўрсатадиган аппарат ишлаб чиқармаган-да, бўлмаса шу аппаратнинг олдига ўтказиб юрагингизни кўрсатиб, ўша занг босган қисмини шартта узиб олдингизга қўйиб қўйрдим. Ундан кейин тушингизни сувга айтардингиз!...

Санобар. Мен ҳам ўшандай аппарат йўқлигига афсусланаман, чунки, сиз тухматчи экандигингизни очиқ-оидин қўриб-билиб олардингиз (133-бет).

Асарда иккинчи муҳим конфликт чизиги Илҳом ва Сурмахон ораларида ривожланади. Муаллифнинг асосий муддаоси айрим хотин-қизлардаги мешчанлик, «ош бўлса, ўш бўлмаса, ёз бўлса, қиши бўлмаса» халқ иборасида ўз акепни топган.

Бу асаргача назм, наср ва драматургияда эрлар ва хотинлар муносабатларини тасвирлашда кўп ҳолатларда

Ҳамма айни эркакка түнкариш, «Нима учун хотинини қайта тарбияламайди» дейиш каби бир қолипдаги ақида-парастлик ҳукмрон эди. Баҳром Раҳмонов ва Тўла Хўжаев Сурмахон образи орқали бу масалага янгила ёндошилар: ҳаммавақт ҳам ўжар хотинни қайта тарбиялаб бўлмайди, унинг ишёқмаслиги, текинхўрлиги, худбинлигининг манбаи эмчи онаси Рузвонда эканлигини очиб кўрсатдилар. Рузвон қизини таниз қилиб ўстирган, Сурмахон қўлини иссиқ-совуқ сувга уришга қўймайди. У эрталаб соат 10—11 гача ухлайди, онаси эса қуёвинг машинасида бозорга бориб иссиқ ион ва қаймоқ олиб келади, қизи уйғонгандада унинг кавушини тўгрилаб қўяди. Фарзанд ҳақида гап борар экан:

Сурмахон. Бо худо, меңга зарил кентими? Энди йигирма бешга кирдим. Ҳали ўи гулимдан бир гулим очилгани йўқ. Қадди қоматимни бузиб нима қиласман?!— дейди.

Сурмахондаги энг зўр касал — худбинлик. Эри операцияга кетиши керак бўлган дақиқаларда ҳам унинг йўлини тўсиб, эшикни қулфлаб олиб, янги мода-кўйлак чиқсан, пулни чўзинг, оламан, деб эрини ишдан қолдиди. Ундаги модага, латта-путтага ўчликини онаси рагбатлантиради.

Рузвон. Кўрганингни айтавер. Эр бўлгандан кейин олиб берсин. Хотин деган гоҳ ноз қиласди, гоҳ фироқ. Баъзан жанжал чиқаради. Мен ўзим ҳам раҳматли отангта шундай қилардим. Жуфти ҳалоли бўлганингдан кейин айтганингни қилдирасан-да, қизим. Хотин деган эрига маҳкам турмаса бўлмайди (кулги).

Сурмахон. Ҳали Илҳом акамлар келсин, айтаман. Бо худо, олиб берсинлар-да, бошқалардан олдин киймасам асти кўнглим тўлмайди.

Дарҳақиқат, бу комедия яратилган даврда ҳам, бизнинг кунларда ҳам кўпгина оилалардаги ажратишнинг ички сабаби ота-оналарнинг ўз фарзандларини ё куёв, ё келинга қарши қайрашларида кўрамиз.

Сатторнинг опаси Хоснит Рузвоннинг акси: у келини ва ўғли ораларидаги машмашани бартараф қилиш, оиласининг бузилишига йўл қўймасликка ҳаракат қилса, Рузвон қизини куёвига қарши қайраб, жанжал устига лампаёғи тўкади. Рузвон куёви даволаган касал болани эскича эмлаб қўйиб табобат фурсатини ўтказиб, унинг ҳалок бўлишига сабаб бўлади.

Сатторнингларидаған безган Санобар 6—7 яшар қизини олиб чиқиб кетади. Лолаҳон отасини соғиниб қўнғироқ қиласди. Отанинг ўз фарзандини соғиниши, юраги тўлиб кўз ёши қилиши томошабинни ларзага солади. Умуман ўзбек комедиянавислигида бу комедия саҳнавий (томушабоп) лавҳаларга бой бўлиб, реализм принципларига риоя қилиб ёзилган.

Асар композициясида айrim нуқсонлар ҳам йўқ эмас: никоҳни расмийлаштириш (ЗАГС) бўлми мудири Хайридин акага керагидан ортиқ сўз берилган, унинг эзмалиги томошабинни зериктиради. Пъесанинг б-кўринишида Сатторнинг фронтчи дўсти Степан Владимировичнинг меҳмонга келиб, ароқ ичгаёт, оиласда тотувлик ҳақида ташвиқот-тарғибот олиб бориши комедия режасида кўрсатилмаган. Кейин, бундай образни киритишда фақат муаллиф айбдор эмас: ўша кунларда «асарда партия раҳбарлиги кўрсатилмаган, коммунист образи йўқ» деган таънани тез-тез эшлиши ёки айrim тақриз ва мақолаларда ўқиши мумкин эди. Асар муаллифи ҳам шундай таънна олдини олиб пъесага туман фирқа қўмитаси ташвиқот-тарғибот бўлнимининг мудири Степан Владимировични киритган. Шунга қарамай барибир, спектаклга ёзилган тақризда «асарда гоят муҳим роль ўйнаши зарур бўлган партия вакили Степан образи нотўғри талқин этилади. Гарчи у таъсири ҳикоя сўзлаб, Сатторнинг Санобар билан ярашувига сабабчи бўлган бўлса-да, салбий типлар билан биргаликда Сурмахон устидан асоссиз қиласди. Шуниси қизиқки, икки оиласда юз берган ҳодисалар жамоатчиликдан бутуилай четда, узоқ Оролда юз беради. Уларнинг тақдирни билан ҳеч ким қизиқмайди»,— деб ёзилди (Ҳамид Ғулом. «Юрак сирлари»нинг хатолари нимада? «Қизил Ўзбекистон». 1954 йил. 23 январь. Бу сатрлар муаллифи ҳам спектаклни шу тақриз эълон қилингандан кейинги кунларда Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида томоша қиласган эди).

Тақризчининг қўйиган сарлавҳасига эътибор беринг: «Юрак сирлари»нинг хатолари нимада?» Демак, Ҳ. Ғулом фикрича, бу асар бутуилай хатолардан иборат, бунга унинг ишончи комил, энди уни фош қилиш қолган, холос.

Бадиий асарга бундай муносабатни ўша кунларда «коммунистик партиявийлик» дер өдилар-да... Тақриз ҳам шу руҳда бошланади: «Партия XIX съездси совет ёзувчилари олдига бадиий адабиётнинг барча жанрлар

шарафли вазифани қуиди». Бу кириш сузларидан кейин X. Гулом гапни «Юрак сирлари» спектакли томон буриб, «Комедиянинг темаси жуда муҳим. Унда муҳаббат ва оиласий муносабатлар масаласи ўртага қўйилади» деб қайд қилади. Сўнгра асарнинг айрим ижобий томонларини қайд қилган ҳолда «хатоларни фош қилиш»га ўтади. Юқорида тақриздан келтирилган кўчирмага диққат қилинг: «асарда гоят муҳим роль ўйнаши зарур бўлган партия вакили Степан образи талқин қилинади...» деб ёзив, X. Гулом шу образни тўла қонли қилиб бермаганлиги учун Б. Раҳмоновни айблайди. Аслида комедияда бу образнинг ҳеч кераги йўқ. Насиҳатгўйлик билан «партия раҳбарлигини кўрсатиш»нинг ўзи ортиқча. Хусусан комедия сожетида у комик усулда ҳал этилмаган. X. Гуломнинг «Икки оиласада юз берган ходисалар жамоатчиликдан бутунлай четда» деган даъвосини олиб кўринг. Тақризчи нима демоқчи? Саттор ва Илҳом бирон партия ёки касаба уюшмаси мажлисида муҳокама қилинмайдилар, демоқчи бўладими? Тўғри, ўша йилларда шундай муҳокамалар бўлиб турар эди. Бироқ шундай қилиш керак эдими? Шундан кейин мамлакатда оиласарнинг ажralиши камайиб борармиди? Бу масалалар билан тақризчининг иши йўқ.

«Автор ижобий тип сифатида яратган Саттор аслида салбий тип бўлиб қолган»,— деб даъво қилади X. Гулом. Бу даъво ҳам асоссиз. Комедия муаллифи Сатторни салбий-сатирик тип сифатида яратган. Бунга унинг ҳалолпокиза хотинга шубҳалавиб қараши, бошқа бир кизга хушомад қилиб унга яширии уйланмоқчи бўлганлиги асос бўлади. Сурмахоннинг айлари учун Илҳом жавобгар деган фикрни зўр бериб тақриз муаллифининг тиқишиши ҳам эриш туйилади. «Илҳом унга бирон марта ўқи ёки ишла демайди»,— деб ёзади тақиидчи. Юқоридаги таҳлилдан Сурмахоннинг бу масалага (ўқиш ёки меҳнат қилишга) муносабатини кўрдик. Болалигидан ишёқмас ва ўжар қилиб тарбияланган Сурмахонга бувдай гаплар таъсир қилмайди.

Тақиидчи Сурмахонни ўз ҳимоясига олиб, «комедиянинг асосий салбий персонажи қилиб кўрсатилган Сурмахон образи ҳақиқий салбий образ эмас, уйдирма образ»,— дейишгача бориб етади. Салбий ва ижобий образларни (сатирик тиқиқлаштиришининг ўзига хослигини) кульгар (сийқа) талқин қилиш, комедия жаңри табиа-

тини унутто қушиш натижасида тақиидчи бир дуруст комедя ва шу асосда яратилган ҳажвий спектаклни орга уради.

Ҳамид Гулом тақризидан ўша кунлар адабиёт назарияси ва адабий тақиид учун характерли бўлган бир муаммо ўз аксиини топган. У ҳам бўлса тиқиқлик масаласидир. 50-йиллар адабий-тақиидий тафаккурида ҳаётда сон жиҳатидан кўп учрайдиган, ҳамма жойда тарқалган, тез-тез учраб турадиган (асосан ижобий) ҳодисаларнигина тиқик деб англар ва талқин қилар эдилар. Гап салбий ҳодисаларни сатирик тиқиқлаштириш устидаги борса, бу совет жамияти учун тиқик эмас, бу социалистик воқееликка тухмат, социалистик реализм методи воқееликни революцион тараққиётда кўрсатишни тақозо қилади, деб чиқар эдилар. Ҳамид Гулом ҳам ўз тақризини ўша «назариялар» таъсирида ёзди ва Ўзкомпартия МҚ органи «Қизил Ўзбекистон» уни зўр қониқиши билан эълон қилди (зўр қониқиши билан босилмаганида ҳеч бўлмаса сарлавҳани юмшатиброқ қўйиш мумкин эди-ку...)

Бу хато назария Ҳамид Гулом тақризининг мағзини ташкил қилди. У ёзади: «Шу муносабат билан ҳаётийлик ва тиқиқлик масаласини алоҳида уқтириб кўрсатиш керак. Ҳар бир адабий асардаги ҳар бир драмада ҳам воқеа, конфликтнинг ҳаётий, тиқик бўлиши шарт. Масалан, бирон қаҳрамон ёки бир неча қаҳрамон воқеа давомида руҳий азоб чекар экан, унинг ва уларнинг шундай азоб чекиши пухта асослаб берилиши лозим. Бу жиҳатдан «Юрак сирлари» комедияси талабга жавоб бермайди».

Мана шундай «назарий» қарашлар умуман сатирикнинг, хусусан комедиянавислик ривожига тўскнилик қилган сабаблардан биридир. Нега «Юрак сирлари»даги воқеалар, шахсларнинг хатти-харакати асосланмаган бўлсин?! Улар яхши асосланган! Ҳаётда бундай шахслар бор эди (улар бизнинг кунларда ҳам оз эмас!), драматургия уларни акс эттириши керак эди.

Энг муҳими, кўп сонли томошибинлар спектаклни маминуният билан қабул қилди (уларни подон, тақиидчиликни доно деб ҳисоблаш ҳам одобдан бўлмайди). 2—2,5 соатга мўлжалланган сатирик спектаклда ҳам нуқсонларни ҳажвий тиқиқлаштириш ҳам хирург эрка, ишёқмас, худбин ўжар хотинни қайта тарбиялаб ижобий образ даражасига кўтаришини талаб қилиш соглом ажлга ва эстетик талабларга тўғри келмайди.

Баҳром Раҳмонов «танқид»га жавобан «Сурмахон» деган иккинчи асарни ёзди. Муаллиф тўла музикали комедия жанрига мурожаат қилди. Асарни Муқимий ломидаги музикали драма ва комедия театри 1956 йилда саҳнага қўйди ва у пьесалар тўпламида босилиб ҳам чиқди (Б. Раҳмонов. Пьесалар. Т., 1957, 219-297-бетлар).

Сурмахон «Многопром» артелига кириб меҳнат қиласи, кечаси ўқийди, Илҳом билан топишиб, бузилган турмушини тиклади, ижобий қаҳрамонга айланади. Юзаки қараганда ҳамма иш жойида. Аслини олганда унда комедия ёзишининг муҳим қонуниятига риоя қилинмаган: комедия сюжетидаги конфликт ва воқеалар шахсларни тикиклаштириш комедиявий усулда бўлиши керак эди. Мана шу комедиявийлик етишмайди. Сурмахон ва Илҳом иккинчи дараҷага тушиб қолишган. Артель раиси — юлгич ва бюрократ Нортой Қудабеков билан унга муовин бўлиб келган Озодахон ораларидаги конфликт унча салмоқли эмас. Бўлар-бўлмасга музика аралашади, персонажлар сийқа шеърларни аниула қилиб айтадилар. Асар муаллифнинг юрак амри билан эмас, бирорининг буюртмаси билан ёзилгандай, зерикарли. Шунинг учун ҳам спектакль тез саҳнадан тушди...

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдан кейин энг яхши комедиялар ёзган ижодкор Абдулла Қаҳҳордир (1907—1968). Охиригача ёайлмай қолган «Ташвиш» комедиясини хисобга олмагандан ундан 4 та комедия мерос қолган:

Булардан иккитаси («Шоҳи сўзана» ва «Аяжонларим») юмористик комедия ва яна иккитаси («Оғриқтишлар» ва «Тобутдан товуш») ҳажвий комедиядир.

Тадқиқотимизнинг мазкур «ҳажвий комедиялар» бобида таҳлилни «Оғриқтишлар»дан бошлишдан олдин, А. Қаҳҳорнинг тугалланмай қолган комедияси ҳақида бир оз тўхтalamиз.

1938 йилда республика матбуотида Абдулла Қаҳҳор «Закончи» комедияси устида ишлатганилиги ҳақида ҳабар босилди («Қызыл Ўзбекистон» газетаси, 1938 йил, 27 апрель, 96-сон). 1939 йилда адабий-бадиий ойномада А. Қаҳҳорнинг «Ташвиш» сарлавҳали комедиясининг учинчи пардаси эълон қилинди («Ўзбекистон адабиёти ва санъати журнали», 1939 йил, 3-сон, 89-98-бетлар). Бу ўша дастлаб «Закончи» деб эълон қилинган комедияниг иккинчи поми бўлса керак. Бироқ пьеса тўла эълон қилинмади, саҳнага кўйилмади, ёзувчининг бир жилдлик ва кўп жилдлик асарларига киритилмади. Асарнинг ф-

оилириш қийин. Бироқ шу бир парда мазмунига қаранганд, унинг соҳтакор «закончилар» — ҳеч кимга ишонмайдиган, ҳаммага шубҳаланиб қарайдиганларга қарши ёзилганилиги билинади.

Асар қаҳрамони Эргашев шундай амалдорлардан бирдир. Асарни ёзиш охирига етказилмаганлигининг сабабини изоҳлаш учча қийин эмас. 1937—39 йиллар, Сталин қағаронлари авж олганлиги, қонуничиликнинг поймол қилинганилиги, кишиларга ишонмаслик, ҳар кимдан шубҳаланиш, чақимчилик, тұхмат ва адват кучайган давр эди. Бундай пайтда жамиятдаги нұқсоулар ҳақида ёзган ҳажвчи ёзувчининг ўзи шубҳа остига олинар эди. Асарнинг иккинчи номи ҳам кўпчилик бошига тушган ташвишни билдиради. Ҳар ҳолда бу асар устида ишлаш Абдулла Қаҳҳорда насрдан драматургияга, ҳажвий ҳикоя ва қиссалар ёзишдан комедиялар ёзишта ўтиш истаги ўша даврда бошланганидан гувоҳлик беради ва шаҳсга сиғиниш ижод эркинлитини бўғиб қўйганлигини тасдиқловчи далиллардан бири сифатида диққатга сазовордир. Ижодкор комедия ёзишга ўн йилдан кейин қайтди: 1949 йилда «Янги ер» («Шоҳи сўзана») нинг биринчи варианти ёзилди. Бу у ҳақда мазкур ишимиzinинг «Юмористик комедиялар» бобида фикр юритамиз. Ҳозир эса, «Оғриқтишлар» комедияси таҳлилига ўтамиз.

Комедия таҳлилига бевосита ўтишдан олдин, асар саҳнага қўйилганидан 34 йил кейин босилиб чиққан бир китобда бу пьесага баҳо берганданadolatsizlikka йўл қўйилганилигини қайд қилмоқчимиз.

Абдулла Қаҳҳор ижодининг зукко ва атоқли тадқиқотчиси Матёқуб Қўшжонов ўзининг «Абдулла Қаҳҳор маҳорати» деган монографиясида ёзувчининг ҳикояларини кенг ва чуқур таҳлил қиласи, қиёсий таҳлил методини ишга солиб, ўзбек ёзувчинининг ҳикояларини рус мумтоз ёзувчи А.П. Чехов, америка ёзувчи О. Генри ҳикояларига чоғишириб, қизиқарли фикрлар билдиради. Бироқ шу китобининг охирига илова қилинган «Абдулла Қаҳҳор — драматург» бобини хафсаласи пир бўлган чоқда ёзганга ўхшайди: «Оғриқтишлар»ни камситадиган гаплар ёзади. Унинг фикрича «...асар яхлит поэтик мукаммал шаклга тушмади, воқеалар классик драмаларга хос тезкор динамикада ривожлантирилмади, бадиий тил етарли савияда ишлатилмади, характерлар тасвирида бунёдкорликка эришишга кўп интила бермади».

рама-қарши турадиган ижобий қаҳрамонлар ҳам (улар майда ва кўпчилик бўлишидан ташқари) раингдор бўёқлар билан чизилди» (М. Қўшжонов. Абдулла Қаҳҳор маҳорати. Т., 1988, 195-бет). Яна ўша 60-йилларда саваланган — «ижобий қаҳрамонлар салбийларга қараганда кучсиз» деган концепциянинг пардозланган варианти... «Оғриқ тишлар» комедиясининг объектив мөҳиятига тўғри келмайдиган бу субъектив қарашга қўшила олмаймиз.

Абдулла Қаҳҳор «Оғриқ тишлар» комедияси устида ишланиши 1954 йилда тутатди ва бу пьеса ўша йили 4 декабрда биринчи марта Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри саҳнасига қўйилди. Спектаклга адабиётшунос-танқидчи Юсуф Султоновнинг асосан ижобий тақризи эълон қилинди (Ю. Султонов. Эскилик сарқитларига қарши ўтқир тиг. «Қизил Ўзбекистон» газетаси. 1955 йил, 6 январь, 4-сон). Танқидчи В. Щитованинг спектаклга юксак баҳо берган тақризи Москвада чиқадиган «Театр» журналида (В. Щитова. От бытописи к сатире «Театр» журнали, 1955, № 12, 64-бет), комедиянинг ўзбекча матни эса «Шарқ юлдузи» журналида босилди («Шарқ юлдузи» журнали, 1955 йил, 3-сон, 3—39-бетлар). 1956 йилда матни алоҳида китобча шаклида напр қилинди.

Бу комедиянинг ўз вақтида бунчалик оммалашганинг сабаби нимада? Бошқалар каламга олинига журъат килолмай юрган мавзууни дадил ёзиб чиққанлигига, хажвий маҳоратнинг кучидаги.

Ватан уруши галаба билан тутагач, адабиёт ва санъатга эътибор кучайди. Бироқ театрларнинг репертуарларидаги замондан четланиш ва тарихни идеаллаштиришга мойиллик танқид қилингач, театрлар ахволи яхшиланиш ўрнига ёмонлаша бошлали. Репертвар танқислиги театрларни оғир аҳволга солди, бунинг устига ҳаётнинг факат ижобий томонларини кўпсатишга мўлжалланган асарларни саҳналаштириш, бошкacha килиб айтганда, ярим ҳақиқат томошибиларни театрдан узоқлаштириди. Ниҳоят, «Правда» рўзномаси 1952 йил апрелида эълон қилинган «Драматургиянинг қолоклиги тутатилсин» сарлавҳали редакцион мақоласида («Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1952 йил, 10 апрель) драматургия ва театрда бир жиддий «касал» борлигини эътироф кишишга мажбур бўлди. Бу касал «конфликтсизлик назарияси» деб аталди.

Худди шу 1952 ийлда буюк рус ёзувчиси Н. В. Гоголь вафотига 100 йил тўлиши муносабати билан «Правда» рўзномасининг бош мақоласида «бизга Гоголь ва Шчедришлар керак» (сатира зарур) деб ёзилди. Гарчи кейинчалик бу даъвонинг хўжакўрсинга айтилгани маълум бўлган бўлса-да, (Сталин танқид ва ўз-ўзини танқид ҳақида кўп гапириши яхши кўтар эди, бироқ ўзига қаратилган танқидни ёмоқ кўтар, уни озгина бўлса-да танқид қилганларни таъкиб қиласар эди. Бошқа раҳбарлар ҳам ундан қолишмас эдилар), содда ёзувчилар у дабдабали чақириқларнинг демагогия эканлигини охиригача тушуниб етмай, сатира асарлари яратишга жазм қилдилар. Мана шундай тарихий-маънавий вазиятда «Оғриқ тишлар» комедияси «Шоҳи сўзана»га нисбатан ўтқир конфликтли қилиб яратилди ва саҳнага қўйилди. Халқ бундай ҳаққоний асарларга чаңқоқлигидан уни яхши қабул қилди.

«Оғриқ тишлар»нинг гояси, сюжет чизиги, характерлари ҳаётдан олинган (асл нусхалари ҳаётда бор эди, демоқчи эмасмиз; бўлган бўлса ҳам ажаб эмас).

Тўрт ярим йиллик уруш кўп вайроналиклар келтирди. Ғалабадан кейин ҳам 1947 йил охиригача пои, қанд ва бошқа озиқ-овқатлар «заборная карточка» орқали берилар эди. 1947 йилда пул ислоҳоти ўтказилди — қадрсизланган пулнинг ўн сўми бир сўмга тенглаштирилди. Зиёлилар ҳам (ўқитувчилар, артистлар, журналистлар ва ш.к.) пахталик киyr эдилар. Жунли ва ипакли матолар анқони уруги эди. Бухоро каби вилоят марказларида автобус қатнамас эди. Велосипед, кўл соатини сотиб олиш учун навбатда туриб рўйхатга ёзилиш ҳамда бир ҳафта-ўн кун йўқламадан ўтиб туриш керак эди. Кечки мактаблар ва олий ўқув юртларида лампа ёқиб машгулот ўтказишга тўғри келар эди. Шундай иқтисодий тантлик шароитида кўпчилик қизлар (айниқса қишлоқларда) 7—8-сипғача ўқиб, кейин ота-оналари билан ишлашга ўтиб, мактабга қатнамай қўяр эдилар. Олий ўқув юртларига талабалар (хусусан толибалар) қабул қилиш жуда оғирлашиб қолган эди (конкурс деган гап йўқ эди). Бу тўғрида кўп мажлислар қилинар, «Отаволалар, қизларнингизни мактабдан тортманлар, улар ўрта мактабни битириб чиқишин, олий мактабларга кириб ўқишишин, ёш қизларни эрга берманлар..» мазмунидаги чақириқ ташвиқот-тарғиботлар кам фойда қиласар эди.

возимларини әгалла олиб, уз атрофларига лаганоардорларни йигиб, кайф-сафо қилиш йўлига кириб олган эдилар. Бошқача қилиб айтганда, «Оғриқ тишлар» кўпайган эди.

Чинакам ватанпарвар, инсондуст халқ ижодкорлари халқнинг бу аҳволини кўриб ачинар, бюрократ, иккюзламачи, таши ялтироқ, ичи қалтироқ тўралардан газабланниб, ҳажв қуролини қўлга олдилар. Абдулла Қаҳҳор воқеликдаги мана шу қарама-қаршиликларни чуқур идрок қилган илгор зиёли сифатида бутун қаҳр-газабини ҳажв орқали ифода қилиб, фош қилувчи комедия яратди.

«Оғриқ тишлар»да асосий масала — сўздагина тенглик тарафдори, амалда хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўладиган, уларни алдаб хўрлайдиганларни қулогидан тортиб саҳнага олиб чиқиб, томошабинларга кўрсатиш, биргалашиб улар устидан кулиш, «Оғриқ тишлар»ни омбур билан сугуриб, жағларни азобдан қутқазиш.

Абдулла Қаҳҳор ўз бадиий ниятини сатирик комедия жанрида амалга оширишга интилган ва бу соҳада катта топогонлик қилган.

Комедияда конфликт икки юзламачи зиёлилар Аҳаджон Заргаров, Марасул Ҳузуржонов, Хуморхон билав улар домига тушган Насиба, Зухра ва бошқалар ораларида юз беради.

А. Қаҳҳор маҳорати типик характерларни типик шароитда умумлаштира олишдадир. Ҳар бир персонажнинг ички ва ҳашқи дунёсини, руҳий ҳолатини жонли, ҳисли қилиб беришда кўринади.

Ўзбек театри ва ташқидчилигида бадиий конфликт муаммосига оид мазмунли асар яратган олим Бердиали Имомов «Оғриқ тишлар» ва шунга ўхшаган комедиялардаги конфликт ҳақида фикр юритиб шундай ёzáди:

«Комик конфликт маълум бир ҳип ёки образ мақсадининг илгор идеяга, давр руҳига зид ва қарама-қаршилигидан, унинг алдамчи сиртқи кўриниши билав ичи — асл мақсади орасидаги зидликдан, яъни шакли билан мазмuni орасидаги қарама-қаршилик заминидан, сатирик ёки юмористик персонажларнинг шундай мөҳиятга эга фаолиятидан шаклланади. Ўз ниятини пардалаб, ишқоблаб ҳаракат қилувчи сатирик образлар ил-



«Оғриқ тишлар» Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри саҳнасида

гор прогрессив кучлар қаршилигига ёки, аксинча «Майсаранинг иши», «Оғриқ тишлар», «Тоға ва жиянлар»дагидек, ижобий кучлар ўз ниятларини яшириб, мухолифларага дуч келиш орқасида кулгили вазиятларни пайдо қиладилар ва характерларни очиб берадилар (Б. Имомов. Ҳаёт ва драматик конфликт (ўзбек драматургияси мисолида) Т., 1968, 49-бет).

Аҳаджон Заргаров —райижроқум раисининг ўринбосари. У хотини Оқилани уч боласи билан ташлаб, Хуморхон деган бир жувонни никоҳсиз олиб юради. Оқилапинг талохини бермайди, унга алимент ҳам тўламайди (ахир, бундай қилса, партия мажлисида масаласи кўриши учун ҳужжат берган бўлади, айни пайтда Хуморхоннинг ўзи билан узоқ туришига ишонмайди). У мансабидан фойдаланиб бошқа идораларга қўнгироқ қилиб, Хуморхонга курортга бориш учун йўлланма тошиб беради; хушомадгўй тиш доктори Марасул Ҳузуржоновга балогатта етмаган 9-синф ўқувчисини никоҳ (ЗАГС)дан ўtkазишга кўмаклашади. Унинг иш услуги бўйк уриш, команда бериш, қонунни бузуб бўлса-да ўз сўзини ўтка-

айтган гаплари:

Заргаров. Ёш эмас, ўн саккизда, мен биламан дент... Йўқ, мен ўзим биламан! А? Тўққизинчи синфда ўқиса ўқийверади-да! Мен тўртинчи синфда ўқиганимда йигирма ёшда эдим! Менга қаранг, жавобгарликдан кўрқманг. Ҳар қанча жавобгарлик бўлса бизга юклайверинг... Кўтаравериб елкаларимиз қадоқ бўлиб кетган!

Марасул (унинг елкасини силайди). Яшанг!

Заргаров (трубкага). Менга қаранг, ука! Менини бу ишга тайин бўлганимга ҳали йил ҳам тўлганий йўқ, гапимни қайтариб, бунақа, обрўйими тўқадиган бўлсангиз хафалашиб қоламиш! А? Куёв билан келин менинг олдимда, ҳозир боради. Регистрация қилинг, бўлак гап йўқ! (Трубкани зарда билан қўяди) (A. Қаҳҳор. Ориқ тишлар. 4 парда, 7 кўринишили комедия. Т., 1956, 7-бет).

Эътибор берган бўлсангиз, ҳурматли китобхон, А. Қаҳҳорининг севган усулларидан бири салбий ҳаҳрамонни ўз тили орқали фош қилиш. «Мен тўртинчи синфда ўқиганимда йигирма ёшда эдим!» Демак, болаликдан зеҳни ўтмас, ялқов, тепса-тебрапмас киши бўлиб ўсганини ўзи билдирияпти. Унда ҳақиқий раҳбарга хос қонунларга риоя қилиб, итоатидаги хизматчиларининг иззат-нағсиға тегмаслик, мансабдан ўринисиз фойдаланмасликдаги заррача ҳам йўқ. «..гапимни қайтариб, бунақа, обрўйими тўқадиган бўлсангиз, хафалашиб қоламиш!»

Заргаровлар якка бўлса, бундай номаъкулгарчиликларни қилолмайди. Уларни қўлтиғига сув пуркайдиган, илҳомлантириб турадиган кишилар бўлади. Шундайлардан бири — Марасул Хузуржонов. У — тиш доктори. Балогатга етмаган мактаб ўқувчисига уйланиш учун қўшниси ва ҳамтовоги Заргаровдан усталик билан фойдаланади. Унинг ёрдамида гайриқонуний никоҳни расмийлаштиради. Марасул тилёғламачи, худбин, айёр. Мақданиш ва қуруқ ваъдалар беришда Хлестаковни ҳам бир чўқиша қочиради («Ревизор»ни ўзбек тилига А. Қаҳҳор таржима қилган бўлса, Ҳамза номли ўзбек академик драма театрида Хлестаковни ҳам, Заргаровни ҳам машҳур комик артист Наби Раҳимов ўйнади). Қуидаги парчага эътибор беринг:

Насиба. Пўлатжон домла мени жуда қаттиқ койидилар.

йин копииди-да! Нима, чапак чалсин-ми бўлмаса?

Насиба. Йўқ, домла чинакам куйяптилар, мактабни битиролмай қолади деб ўйлаётирлар.

Марасул. Ие, ахир айтмадингизми?.. Мен жоними, танимни бутун умримни илм йўлига тиккан бир дарвишман-ку, ахир! Мен нима қиласам илм учун, илм йўлида қиласам. Куним битиб ўлсан ўлигимни ҳам илм йўлига бераман: майли, студентлар ҳеримга похол тиқиб бурчакка қўйишин! Финг демай туравераман!.. Мен сизга кўл чўзганимда эркак бўлиб эмас, бир тарбиячи бўлиб кўл чўздим. Мен сизни университетда ўқитаман, аспирантурада ўқитаман! Менга жўн хотин керак эмас! Жўн хотин керак бўлса, мана ўртоқ Заргаровдай одам синглисини бермоқчи бўлгандага олақолар эдим!

Роҳила. (Насибага). Эшитаётисанми?

Марасул. Мен сизни доктор қиласам, академик қиласам!

Насиба (кулимсираб). Ростми?..

Марасул. Мен сизга қачон ёлгои гапирган эдим? (19).

Ноңеа ривожида Марасулнинг ҳақиқий башараси очилади: тўйдан бир йил ўтиб, Насиба бола тукқач, Марасул ваъдаларини унутади, энди у «хўжайини» Заргаровнинг ўйнаши Хуморхонга хушомад уради. Насибага қўпол муомала қиласди. Ҳудбинлик, ўз ҳузурини кўриш кўп комедияларга материал берган инсоний нуқсондир. Иродаси бўш, имони ноаниқ кишиларда бу нуқсон бош характер аломатига айланаб қолади.

Абдулла Қаҳҳор ҳақида рус тилида китоб ёзган олима И. В. Боролина «Оғриқ тишлар» таҳлилига маҳсус боб бағишлиб, Заргаров характерини яратишида А. Қаҳҳор грофеск усулдан фойдаланган деб жуда тўғри таъкидлайди. (И. В. Боролина. Абдулла Қаҳҳар. Очерки творчества. Т., 1957, 187-бет). Рус адабиётшунослигига комедия ва трагедия назариясига оид тадқиқотлар муаллифи Юрий Боревнинг талқинига кўра грофеск — образга фантастик характер берадиган ҳаддаш ташқари муболагадир (Словарь литературоведческих терминов. М., 1974, 60-бет). Буни ўзбек тилида фантастик бўрттириш, ўта муболага (арабчasi иғроқ) ёки муболагали мажоз лейиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам Заргаровнинг маърузага тайёрланиши (цитаталар халтасидан фойдаланиши), клубда маъруза қилганида ўзини пурвиқор тутиши, охи-

Комедияда яна бир салбий тип бор: бу танноз хотин Хуморхон образи. Таннозлик ижобий сифат ҳам бўлиши мумкин. Бироқ Хуморхондаги таннозлик (аниқроги, мешчанлик, хонзодалик) алоҳида салбий ҳодисадир. У меҳнат қилишни ўзига эп кўрмайди. Аммо лаззатли турмуш кечиришин яхши кўради. Истак билан имконият ўртасидаги қарама-қаршилик Хуморхон типидаги аёлларни аянчли аҳволга олиб боради. Амалдор ва пулдор эр бўлса бўлгани. У эрқакнинг хотини ва болалари борми, йўқми, унга бари-бир. Бу хонзодалик, бу текинхўрлик ундаги вижданни ҳам, одобни ҳам куйдириб юборади. Комедиянавис мана шу соғлом жамиятни ичдан кемирадиган курт — худбиликни аниқ бадиий образда ҳаққоний кўрсатган. Тиббиёт илми (саратон) касалига ҳалигача даво то-полмаганидек, ижтимоий фанлар ҳам, тузум ҳам бунга қарши чорани ҳалигача тоополгани йўқ. Афсуски, юқорида эслатилган олим И. В. Боролина ўз китобида А. Қаҳҳор пьесасининг дастлабки вариантида Хуморхоннинг тузалганини кўрсатади, деб хатога йўл қўяди. Бу масала да шунга ўхшаш фикр юритган таңқидчи В. Шитовани кувватлади (В. Шитова. От бытописи к сатире «Театр», 1955, № 12. 58-64-бетлар). Пьесанинг журнал варианти (1955) ва китобча бўлиб чиқсан (1956) нашрида А. Қаҳҳор Хуморхонни тузатишга урингани йўқ, асар гояси, оғириқ тишнинг давоси — омбир) ва воқеалар ривожи мантиқи Хуморхонни тузатиб кўрсатишни талаб қилмайди. Хуморхоннинг Заргаров уйидан чиқиб кетиши ҳали унинг тузалишини кўрсатмайди.

Комедия муаллифининг катта ютури шуждан иборатки, у ўзига хос ижобий қаҳрамон яратади олган. Бу — жамоатчи, фаол, онгли аёл, Насибанинг холаси, мактаб қоровули Зуҳра. Унинг опаси Фотима (салбий характер) ўғлининг даромадига қаноат қилмайди, доим қўлига пул кириб турмаса, уйқусида ҳаловат бўлмайди, чайқовчилик қилади. Марасул шу она тарбиясида ўсган. Зуҳрада 50-йиллар илгор ўзбек аёлининг онгли, илгор гуруҳининг руҳи ўз аксини тоғган, ёзувчи унинг тилига ўткир киноя ва заҳархандани берган.

Роҳила. Унақа деманг, қизим ҳар қандай бўлганда ҳам сиздан катта...

Хуморхон. Катта бўлиб ким бўлиб кетибди, мактабининг эшигига ўтирадиган бир жужур-да!

Унинг юқсак нуқтаси (кульминација нуқтаси) мактаб директори Пўлатижон домла ва Зуҳра хола ташкил қилган клубдаги ваъз кўринишидир. Улар Заргаровга «Совет оиласи тўғрисида» ваъз қилишни таклиф этишади. Содда-муғомбир, шуҳратпараст Заргаров ҳам лаққа тушиб, розилик беради. Хуморхон ва Марасул ёрдамида Заргаров, котибаси ҳар эҳтимолга қарши тайёрлаб қўйган «доклад — халта» (газеталардан қирқилган гап, ибора ва мақоллар альбоми) ёрдамида ваъз матинни тузадилар. Шу саҳнада бу учала «зиёли»нинг нечоғлик ичлари пуч одамлар эканлиги билинади. Конфліктнинг авжига чиқсан шу ўрнида Заргаров жамоат олдидаги тўла фош қилинади. Уларга берилган саволлар унинг юзидағи никобни олиб ташлайди.

Комедиядан кўчирма келтирамиз.

Насиба (аччири келиб). Хуморхон опа!

Зуҳра. Ҳа, жужурман. Эл-юргта ҳар ким қўлидан келган хизматини қилади. Сиз жужур ҳам эмассиз-да, хоним, тўлка хотинсиз! (Паузадан кейин). Лекин, сигирнинг қулогига тушган канадай, эрни сўриб ётиш ҳам яхши касб!.. Пауза.

Марасул. Холам русчани ҳам қойил қиладилар... (Масхара қилиб.) «Тўлка хотинсиз!»

Зуҳра. Тилим келишмайди (бирдан). Тилим келишмаса ҳам дилим келишади. Сенинг тилинг келишса ҳам дилинг келишмайди (42).

Комедияда шундай, ўзи кулмайдиган, бироқ кесатиш ва заҳарханда шаклида ўз ифодасини тоғган диалоглари билан бошқаларни кулдирадиган характерлар ҳамда уларнинг сўзларидан кулги келиб чиқади. Абдулла Қаҳҳор тили бадиийлигининг ўзи комедиянинг анча таъсиричан чиқишига сабаб бўлган.

П. Домла (ўқииди). «Докладчи Заргаров уч бола кўрган хотини Оқила Шамсиеванинг устига Хуморхон Мансурхўжасва деган бир жувонни олган...»

Заргаров (шошиб). Шошман! Туҳмат! Оқила билан ажрашиб кетганимга мана шу ҳафта роса беш йил тўлди!

П. Домла (қоғозни кўрсатиб). Оқиладан иккичашар ўғлинигиз бор экан-ку?

Заргаров (пинагини бузмай). Нима қипти, бўлиши мумкин! Мумкин! Бу бола бундан беш йил бурун би-

кучди...

Зуҳра (заҳарханда қилиб). Ҳмм, ёпишиб қолиш болангизга ота мероси экан-да: ўзингиз ҳам Худоёрхон замонида бино бўлиб, энди туғилганга ўҳшайсиз!.. Домла, менга сўз беринг!

П. Домла. Марҳамат, Зуҳрахоним.

Зуҳра. Ўртоқлар! Бугунги докладдан бир пуллик баҳра олмаган бўлсан ҳам, лекин, вақтимиз бекор кетгани йўқ: биз қирқ хотинлик бўлмаса ҳам, ҳарқалай, қўшхотинлик Худоёрхонни кўзимиз билан кўрдик, билиб кўйдик!

Заргаров (гаранг). Зуҳрахоним...

Зуҳра. Ўтиринг... Маълум бўлдик, ҳозирги худоёрхонлар шляпа ҳам кияр экан, папка кўтариб ҳам юрар экан, совет қонуиларига чап бериш, жамоатни чалғитиш учун мана бунақа жойларда минбарга чиқиб, маст тұядай, оғзидан кўпиклар ҳам сочар экан!

Заргаров (столни муштлаб). Мумкинми!.. Қоғоздай гижимлаб ташлайман!

Зуҳра (писанда қилиб). Ўтиринг! Ўртоқлар, бу ерда Заргаров сингари шляпалик худоёрхонлардан бири — Марасул Хузуржонов масаласи ҳам кўрилади.

Заргаров. (қоғозларини йигиштириб). Мен сиз билан тегишли жойда гашлашаман!.. (Жўнаб қолади.)

Зуҳра (кетидан). Шляпангизни олиб кетинг! Ҳой, шляпа!

Бу ўринда Зуҳра характерига ўткир тавсиф берган танқидчи Н. Худойберганов сўзларини әслатиш ўринли бўлади деб ўйлаймиз: «Пьесада Зуҳра бир олам. Марасуллар бошқа бир олам бўлиб, улар ўртасида ўт билан сувдек, асал билан заҳардек қарама-қарши тафовут ётади. Зуҳранинг Хуморхонга отган таъна тошлари, заҳарханда сўзлари, киноя-ю қочириқлари — барча- барчаси айни чоқда Марасулларнинг жон-жонидаи ўтиб кетади. Қаҳрамонларнинг ҳолати, кайфияти шундай тасвирланганки, бутун вужудинг билан сезиб турасан киши (Н. Худойберганов. Эҳтирос тўлқинлари (Адабий мулоҳазалар). Т., 1970, 160-бет).

Танқидчи Зуҳрага берган баҳосида жиндак муболага қилса-да (мактаб қоровули ҳам шунча сиёсатдан бўладими?), Зуҳра каби фаол, сиёсатга аралашадиган, сўзга чечан ўзбек аёллари бор эдилар, ёзувчи реалистик образ яратган.

бошқа қиррасига боғлиқ. Бу қирра — асарнинг бадий тили. Абдулла Қаҳҳорнинг сатирик кулгини түғдирадиган характерлар яратиши, улар путқида кесатиш, мажоз, истиора, киноя, заҳарханда, хусусан ёрқин ўҳшатишлар бериши ўз даври драматургияси учун намунали бўлиб қолмай, бугунги кун учун ҳам ўрганса арзийдиган ҳодисадир. Хусусан ёш драматурглар бу тажрибага диққат билан қарашлари зарур. Бу фикрни тасдиқлайдиган далилларни пьесадан юқорида келтирилган кўчирмалардан ҳам билса бўлади. Сўнгти диалогининг ўзида «ёпишиб қолиш болангизга ота мероси эканда: ўзингиз ҳам Худоёрхон замонида бино бўлиб, энди туғилганга ўҳшайсиз» пичинги, заҳархандаси, «маст тұядай оғзингиздан кўпиклар ҳам сачрап экап!», «Қороздай гижимлаб ташлайман!» ўҳшатиши; «Ҳой, шляпа!» мажоз-гротески каби мисоллар асарнинг гоявий мазмунини чуқурлаптиради, конфликт очимини таъмин қиласи.

Асар тилининг ширадорлигини кўрсатувчи яна бир неча мисол келтирамиз:

Хуморхон. Битта түғди-ю қўтирил эчкидай бўлди қолди-я!

Марасул. Түққандан кейин кўп дард тортди-да!

Хуморхон. Оббо! Ҳечким турмапти, ҳеч ким дард тортмаптими!.. Танавори шунақа ўзи!

Марасул. Тўғри. Танавор дегани мана бунақа бўлади. (Уни ўзига тортиб ўнаётганда Заргаров киради)

«Қўтирил эчки» истиораси, «танавори покиза» мажози характерни индивидуаллаштиришга хизмат қиласи. Ичи қора одамларнинг доимий йўлдоши гийбат. Хуморхон, Марасул, Заргаролар шундай тоифадаги кишилар. Бу қисқа диалогда Хуморхоннинг беҳаёлиги, ҳасадчилиги, Марасулнинг ўз ўртоги хотинига ёмон назар билан қарashi — мунофиқлиги яққол кўзга ташланади.

Масалан: Насиба: (Хуморхонга кўз қири билан қараб). Ўй-жой баҳт бўлса иссиқ оғилда ковуш қайтариб ётган сигирдан баҳтлироқ жопивор бўлмас эди! (74). Бу оригинал ўҳшатишини айтган персонажнинг оразулари сароб эканлигини англаб, аччиқ изтиробга тушган жувоннинг руҳий ҳолати, энди кўзи очилаётганлиги ўз ифодасини топган.

Мисол. Комедияга «Огриқ ташлар» деб ном берилган, айрим персонажларнинг исми ёки фамилияси ҳам маълум маънени кўзда тутиб кўйилган. Заргаров — ял-

тушмайдиган одам маъносини англатади. Ҳузуржонов — жонининг ҳузурини ҳамма нарсадан юқори кўядиган худбин шахснинг табиатини тушунишга ёрдам беради.

Оғриқ тиш — бутун оғизни азоблайдиган, уни сугуриб ташлаган киши ором топадиган бадий образ. Заргаров, Ҳузуржонов, Хуморхонлар жамиятимизнинг оғриқтишлари бўлиб, улар орадан сугуриб ташланганидагина жамият тинчиди, деган кинояли мазмунни англатади. Шундай маъзолардан фойдаланиш ҳажвнинг ўткирлигини таъминлайди.

Абдулла Қаҳҳор реализмида — инсон руҳий оламини, юракдаги зиддиятларни, изтироб ва ҳаяжонни тадқиқ қилиш муҳим ўрини эгаллади. Насибанинг Марасул гапларига гоҳ ишониб, гоҳ ишонмаслиги, ҳаётий тажрибаси жуда оз, содда қизнинг муҳаббат, баҳт ҳақидаги ўй-туйгулари ниҳоят алданганлигини билиб фожиавий вазиятта тушиб, ёш боласи билан Марасул уйидан кетиши. Оқила-нинг маъюс бўлиб, почор аҳволда қолгаんだ ҳам ўзини камтарона тутиши (мутелиги) ёзувчи руҳий таҳлил устаси эканлигини исбот қиласди.

Комедия нуқсонсиз эмас: сюжет чўзилиб кетган. Клубдаги ваъз ва савол-жавобда сюжет тугуни ечилган эди. Ундан кейин уни давом қилдириш ортиқчадир. Мактаб директори Пўлатжон домла схематик бўлиб чиқсан: у насиҳат қилишдан бошқа ишга ярамайди (ўша вақтдан бошлаб мактаб, маориф ва ўқитувчилик касбнинг обрўии пасаяётганилиги ўз инъикосини топган). Унинг сўзлари Зухрага олиб берилса ҳам бўларди. Шундай қилганда сўнгти кўринишни қисқартиришга тўғри келади. Саҳна санъати шартли: 2—2,5 соатлик тамошада 2—3 йилда бўлиб ўтадиган ҳодисалар ва кишилардаги ўзгаришларни кўрсатиш осон эмас. Шунинг учун бундай камчиликлар ҳар қандай саҳна асаридан топилади.

Пьеса ва спектаклини томошабинлар яхши кутиб олдилар. Спектакль уч граммластиникага ёзиб оливи. Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театрининг забардаст артистлари ролларни катта маҳорат билан бажардилар. Заргаров ролида Амин Турдиев, Марасул — Наби Раҳимов, Хуморхон — Сора Эшонтӯрасва, Ризамат — Миршоҳид Мироқилов, Зухра — Мария Кузнецова, Фотима — Замира Ҳидоятова, Пўлатжон Домла — Лутфулла Назруллаев, Насиба — Ирода Алиева. Пьесани ёзаётгандан

артистларни ҳам кўзда тутган.

Пьеса ҳақида анчагина тақриз ва мақолалар босилди. Биз юқорида уларнинг айримларини эслатиб, улардан кўчирмалар келтирдик. Кўпчилик танқидчилар асарнинг катта ижодий ютуқ эканлигини самимият билан таъкидлайдилар. Шу билан бирга комедия ва спектаклининг мазмунни ва шакли ҳақида бир-бирига қарама-қарши мулоҳазалар ҳам билдирилди. Мунозара узоққа чўзилди.

Биз бунда 50—60 йилларда драматургия ва театр назариясининг байроқдори бўлган танқидчи олим Ҳафиз Абдусаматовнинг 1960 йилда Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижодига бағишлиган китобидаги «Оғриқ тишлар» тўғрисидаги айрим мулоҳазаларига тўхталамиз.

Ҳафиз Абдусаматов ўз китобида сатира ва юмор ҳақида назарий фикрлар билдиргач, бирмуича муллиғлар билан баҳслашиб, «Оғриқ тишлар» сатирик комедия эканлигини қайд қиласди ва А. Қаҳҳор «ўз пъесасида оиласвий темада муҳим, замонавий масалаларни кўтариб чиқди, уларнинг туб маъносини очиб берди» деб ёзади (Абдусаматов Ҳафиз. Абдулла Қаҳҳор. Ҳаёти ва ижоди ҳақида очерк. Т., 1960, 166-бет).

Асарда ёзувчи қўлга киритган ютуқларни батафсил таҳлил қиласди, унинг айрим камчиликларига тўхталади. Йўмлади, бундай деб ёзади: «Лекин, умуман олганда, ижобий персонажлар салбий типларга нисбатан бадий томондан анча бўш ишланган. Тўғри, сатирик комедияда кўпроқ ўринни сатирик образлар олиши, улар авторнинг дикъатига кўпроқ сазовор бўлиши лозим. Сатирик комедиянинг характери буни талаб қиласди. Аммо, бу, ижобий қаҳрамонларни бўшаштириш, уларни юзаки тасвирлаш керак деган хуносага асло олиб келмаслиги лозим. Социалистик реализм ҳаётни фақат сатирик томондан бирёқлама кўрсатмасдан, балки уни ҳар томонлама, бутун мураккаблигига ва зиддиятларида акс эттиришни тақозо қиласди» (Шу асар, 175-бет). Ўша саҳифада фикрини давом қилдириб Ҳ. Абдусаматов ёзади: «Юқорида зйтиб ўтганимиздек, бу жаңарда иллат ва нуқсонларни фош қилиш биринчи планда туриши керак. Лекин, шу билан бирга, ижобий кучнинг бу курашдаги фаолиятини бадий бўёқларда ишонарли қилиб очиб бериши ҳам шарт. А. Қаҳҳорнинг «Оғриқ тишлар» асари бу жиҳатдан маълум даражада оқсайди» (Ўша жойда).

олдинги ва кейинги гаплар мантиқига эътибор беринг; кўпгина саҳна асарларнинг саҳнадан олиб ташланишига кўрсатма-қонун бўлиб хизмат қилган ақида бунда ўз назарий — концептуал ифодасини топган. Гапларнинг кодекслардагидек «тақозо қилади», «очиб бериши ҳам шарт» иборалари билан тугаллангани ҳам тасодифий эмас.

Маълумки, ижодий иш талантнинг майли, эҳтироси, ўзига хос услубига ва жанр қонуниятига боғлиқ. Ижодда янги асар бундан олдинги асарларга гоя жиҳатидан ҳам, композиция жиҳатидан ҳам, конфликт тугуни ва ечими жиҳатидан ҳам ўхшамаслиги мумкин. Ўша 60-йилларда сатирик асарда ҳам ижобий қаҳрамон салбийга қараганда кучсиз бўлмасин деган ақида, нуқтаи назар муайян даражада кучга эга эди. Амалда бу драматургия тараққиёти йўлида кучли тўсиқ бўлди. Ҳ. Абдусаматов якка эмас эди. Унинг «Абдулла Қаҳҳор» китоби — босилиб чиққанидан кейин, 2—3 йил ўтгач, А. Қаҳҳор «Тобутдан товуш» сатирик комедиясини ёзи, академик театр саҳнага қўйди. Уч муаллиф бирлашиб, Ҳ. Абдусаматов назариясидан тўқмоқ ясаб, комедия-спектакль бошига урдилар, асар саҳнадан олиб ташланди, ёзувчи изтироб чекди.

Ҳали ўтган аср ўрталарида рус комедиянависи Н. В. Гоголь «Ревизор» комедиясига ҳужум қилгандарни рақибларига жавобан «Ревизор»да бош ижобий қаҳрамон — кулги, афсуски танқидчиларим буни англамадилар, деган эди-ку?! Тўғри, у даврда социалистик реализм методи ва унинг назарияси йўқ эди.

Адабиётлар тарихига вазар ташласак, Алишер Навоий, В. Шекспир, А. С. Пушкин, Ж. Б. Мольер, Лопе де Вега, Н. В. Гоголь, А. Н. Островский, С. Айний, Р. Тагор, А. Фитрат, Ҳ. Ҳ. Ниёзий, А. Қодирий, А. Чўлпон, М. Шолохов ва шулар каби буюк тургма талантлар ижод қилаётганда, мана энди салбий ва ижобий образлар яратаман, ижобийси салбийсидан кучсиз бўлмаслиги шарт, деган «назария»ларга асосланмаганлар. Улар эстетик идеал, илғор ижтимоий гоя, ўз услублари ва жанр табиатини кўёада тутиб, ҳаётни ҳаққоний, тўлалигича, ички қарама-қаршиликлари билан акс эттиришга интилганлар. Ҳақиқат уларнинг қаҳрамони бўлган. Абдулла Қаҳҳор ҳам шулардай ўзига хос тургма талант эди, юраги буюрганини ёзар эди.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» комедияси ҳажвий комедияларнинг энг яхшиси дир. Муаллиф ҳали 1961 йилда «Ўзбекистон» журнали мухбирларига янги комедия устида ишлаётганини айтган эди.

Ундан кейин, «Ўзбекистон маданияти» газетасида янги муносабати билан ёзган мақоласида 1962 йилда тенишхўрларни фош қилувчи комедия тақдим қилмоқчи эканини билдириди. 1962 йилнинг апрелида рўзномада комедиядан бир кўриниш босилиб чиқди. Ўша йилнинг 25 майида Ҳамза йомли ўзбек давлат академик драма театрида спектакль намойиш қилинди. Томошабинлар спектаклини зўр қизиқиши билан кутиб олишди. Академик театр Тошкентда бир неча томошада кўрсатгач, гастролга чиқиб Тоҷикистон жумҳурияти пойтахти Душанбега борди. Ундан Ўзбекистон жумҳуриятига қайтиб Бухоро, Самарқанд ва Урганчда бўлиб, бошқа спектакллар қаторида «Тобутдан товуш»ни ҳам кўрсатди. Бу томошалар ҳақида кўпгина ижобий тақриз ва мулоҳазалар эълон қилинди.

Пьесанинг айрим парчалари «Муштум» ва «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналларида («Муштум» журнали, 1962 йил, 10-сон, «Ўзбекистон хотин-қизлари» журнали, 1962 йил, 6-сон), ниҳоят, асарнинг тўла матни «Шарқ юлдузи» журналида босилди («Шарқ юлдузи» журнали, 1962 йил, 6-сон). Ўша йили комедия маҳсус китоб шаклида ҳам нашр қилинди (*Абдулла Қаҳҳор. Тобутдан товуш*. З парда, 7 кўринишли комедия. Т., Ўззадабийнашр, 1962).

«Тобутдан товуш» ўша 1962 йилда СССРнинг 7 театрида 215 марта, 1964 йилда ўшанча театрда 140 марта кўрсатилди («Театр» журнали, Москва, 1963, № 9, 10-бет, 1965, № 9, 117-бет).

Матбуотда А. Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» комедиясининг Ҳамза помидаги ўзбек давлат академик драма театри саҳнасида қўйилиши муносабати билан мазмуни бир-бирига қарама-қарши тақриз ва мақолалар босилиб чиқди.

Таниқли қаҳҳоршунос Озод Шарафиддиновнинг «Ғазабли қаҳқаҳа» (O. Шарафиддинов. «Ғазабли қаҳқаҳа», «Ўзбекистон маданияти» ҳафталиги, 1962 йил, 5 декабрь) деган тақризи ҳамда Ғафур Ғулом, Воҳид Зоҳидов ва Ҳамид Гуломовларнинг (*«Тобутдан товуш»* ҳақида. «Қизил Ўзбекистон» рўзномаси. 1963 йил, 11 август, 186-сон) сарлавҳали мақолалари апа шундай чиқишлар

«Комедия ва замон талаби» («Ўзбек тили ва адабиёти» журнали. 1964 йил, 2-сон) деган мақоласи эълон қилинди.

Жумладан X. Ҳакимова бундай ёзади: «Порахўрлик, айниқса, ҳозирги шароитда, мамлакатимизда коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган бир вазиятда энг хавфли, энг ашаддий душманларимиздан бири бўлиб туриди. Шунинг учун ҳам Абдулла Қаҳҳорнинг порахўрлик ҳақидаги комедияси — «Тобутдан товуш»нинг тематик қиммати тоят муҳим. Лекин автор бу муҳим темани қанчалик ёрита олган?

Пьесани ўқиганимизда, айниқса, саҳнада кўрганимизда порахўр, пора берувчи ва уларнинг ҳамтовоқ, ҳам маслаклари ўз комик ҳолатлари, хатти-ҳаракатлари билан газабли кулгимизни қўзгайди. Унда истиқболимиз йўлидаги мураккаб гов — порахўрлик тўсиғи учча равшанлашмаган характерлар ойнасида хирароқ бўлса-да, ҳар ҳолда кўринади. Бироқ, тўсиқдан ўтишимизга хизмат қиласидан ижобий қаҳрамон ва ўқувчи заҳархандаси (яъни авторнинг ижобий идеали) тўлиқ очилмай қолади» (X. Ҳакимова. Эслатилган мақола, 11-12-бетлар).

Комедиограф яратган Сухсиров, Шобарот, Юсуф ва Обиджон ҳақида X. Ҳакимова бирмунча ижобий фикр юритса-да, умуман мақола уч мунаққид томонидан шу комедия ҳақида «Қизил Ўзбекистон» рўзномасида (1963 йил, 11 августда) эълон қилинган мақола таъсирида ёзилган бўлиб, кўп ўринда комедиядаги музаллиф нуқтаи назарини хотўгри талқин қиласиди. У ёзади: уч мунаққид мақоласида «пьесанинг баъзи нуқсонлари партиявий принципиаллик билан рўй-рост очиб ташланди» (Ўша жойда 12-бет). Яна ўқиймиз: «Пьесада ҳам, спектаклда ҳам сухсировларнинг порахўрлиги жамиятимиз, халқимиз учун қанчалик зарарли эканлиги, порахўликнинг коммунизм қурувчиларимиз учун қанчалик хавфли душманлиги фош қилинмаган» (Ўша жойда, 14-бет).

Ана холос, асарда порахўрлик фош қилинмаган бўлса, нима фош қилинган?!

«Иккинчи ижобий қаҳрамон Наврӯзов эса, асарга зўрма-зўракилик билан киритилган. У билан боғлиқ бўлган ҳодисалар сохталиги, етакчи воқеалар оқимининг мантиқий давоми эмаслиги сабабли, уни образ сифатида жонлантира олмайди» (Ўша жойда).

Пьеса марказида Сухсиров образи туради. Сухсиров

участка қуриб олган. У бундай участкалардан учтасининг эгаси. Хотини Нетайхон эса, ҳеч ерда ишламайди. Уй ишини ҳам болалар уйидан олингай асранди қиз Ҳожар бажаради. Қолган ишларга идора хизматчиси Юсуф қаравади. Овқат пишириш шу ҳовлига қўшни масжид имомми Қори ихтиёрида. Суҳсиров пияниста, ишёқмас, интизомсиз Юсуф ва уруш йилларида сафарбарликдан қочган, урушдан кейин меҳнат қилмай, ўзини масжид имомлигига урган Қори кабиларни ўз пинжига олган. Шундай муносабатлар допрасида манший бузук, муттаҳам, порахўр идора ходими образи яққол гавдаланади. «Ортиқча ҳовли-жойларни ҳукумат тортиб олар экан», деган миш-мишларни эшитиб, Суҳсиров ва унинг хотини Нетайхон ўзларини қаерга қўйишни билмай қоладилар. Ҳаром йўллар билан бойлик орттирган эр-хотин «ҳийлайи шаръий» ишлатиб, ўз жиноятларини хаспўшлаб кетмоқчи бўлишади.

А. Қаҳҳор порахўр ва бюрократ раҳбар типини яратишида, характерга мос сўз ва иборалар беришда зўр маҳорат кўрсатган. Суҳсиров нутқидаги «Тухум босиб жўжа сотдим дейсанми?», «Томоқقا қилтириқ тиқилса мушукнинг тирноги дори», «Ҳожарни ювиб-тараб қўйнига соламизу қўймиз. Тамом — эшик тамба!» қабилидаги ибораларда Суҳсировнинг иккисозламачилиги, алдоқчилиги, мугомбирлиги, айёрлиги билинади.

Комедия композициясидаги вазиятлар бош образ (Суҳсиров такомилини ва воқеа ривожини реал кўрсатади. Суҳсировнинг Шобарот билан муносабати, айниқса, пора миқдорини белгилаш найтидаги сўзлари, руҳий вазияти юқоридаги фикрга ишонтиарли далил бўла олади. Драматург порахўрни «мана, бу порахўр!» — деб қўя қолмайди балки драматик асар яратиш қонуниятларини пухта билгани ҳолда, айёр порахўрни фош қиласидан типик интригалар (Юсуф воқеаси) ва деталлар, (сирли печка каби) киритиб, томошабинни ишонтириш принципига амал қиласиди.

Пьесада бош қаҳрамоннинг ҳаракатлари унинг дунё-қарашига мос тушган: «Мен сизга айтсам, ука, дунё шунақа ўзи, ҳалол одам қиттак шайтон бўлмаса кун кўролмайди...» — дейди Суҳсиров Обиджонга. Бу — порахўрлар ва пора берувчиларнинг «фалсафаси». Суҳсиров тажрибасиз кишиларнинг эмас, ҳатто порахўрни қўлга туши-

риш учун келган миңнди қолдана таузудан да бу йўла алдайди.

Юқорида номлари зикр қилинган уч мунаққид мақоласида «Тобутдан товуш»нинг энг катта камчилиги сифатида «... асарда жуда бепарда ва беандаза ҳолда кўрсатилаётган беҳаёлик» танқид қилинган. Нетайхоннинг Қори билан хилват уйдан кийимларини алмаштириб чиқишлари каби ўринлар ҳақиқатан ҳам ҳаёли томошабинларни рањитадиган беҳаёлик бўлиб, бундай қилиқларни саҳнада кўрсатиш ўринсиадир. Пъесани қайта ишлаганда муаллиф бундай жойларни чиқариб ташлаган ва асарни «Сўнгги нусхалар» дейя янгича номлаган. Бироқ ҳаётда шундай беҳаёликлар ҳам борки, сатирик ёзувчилар уларни четлаб ўтмасдан, ғазабди кулги остига олишлари керак: масалан, порахўрликнинг ўзи ҳам беҳаёликка киради. А. Қаҳҳор салбий персонажларнинг хатти-ҳарракатлари орқали шундай беҳаёларнинг пардаларини очиб кўрсатиб тўғри иш қилган.

Уч мунаққид мақоласининг каттагина қисмида асарнинг жанр хусусиятлари ҳисобга олинмай мuloҳаза юритилган. Мақоланинг бир ўрнида «Сатира ҳаётимида учраётган нуқсонларни ёндирувчи ўт билан куйдириш ёки ярапи ўткир тиғ билан хирург сифатида олиб ташлаш демакдир», — деган тўғри умумий-назарий фикрни келтирадилар. У, «Тобутдан товуш» ҳақида конкрет фикр юритаётганда шу комедиядаги «ҳаётимида учрайдиган нуқсонларни ёндирувчи ўт»га, яъни сатирани сатира қилган нарсаларга қарши чиқадилар. Бу пъеса — юмористик комедия эмас, сатирик комедия. Ўз ватани, ҳалқи ва унинг маънавиятини қаттиқ севган санъаткор ҳалқ баданига ёпишиб олган зулуклардан пафратланади, қаламини омбурга айлантириб, ўша зулукларни чириган тишлардек сугуриб ташлашга кўмаклашади.

Порахўрликни фош қилиш шунинг учун ҳам енгил эмаски, айрим қолоқ кишилар пора бериш ёки пора берувчи ва оловчичи орасида воситачи бўлишини яқин вақтгача жиноят эмас, деб келар эдилар.

Нега Юсуф ва Шобарот Сухсуроға пора берадилар?

Юсуф ҳалол меҳнат қилмайди, дангаса, ишёқмас, пияниста, муттаҳам, жанжалчи. У ишда ҳам, уйда ҳам, меҳмондорчиликда ҳам, ҳатто ҳаммомда ҳам жанжал кўтаради. Шунинг учун ҳам у порахўр идора бошлиғига хушомадгўйлик қиласи, уни ўзининг ҳомийси деб билади, пора бериб ишда қолмоқчи бўлади. Бадмаст ва ху-

лоидарди одамни кечирсанда кимни кечирсанда бўлсанг менга бунақа кичкина бошнинг кераги йўқ!» каби характерли ибораларда ўз ифодасини тошган.

Шобарот — бошига аўр кулфат тушган одам. Унинг акаси жиноят қилиб қамалган. Шунинг учун Шобарот акасининг ўртоги Сухсуроғдан мадад сўрайди. Сухсуроғ воситачилик қилиб, катта пора эвазига унинг акасини кутқармоқчи, яъши қонунига чап бермоқчи. Юсуф ва Шобарот қонунига чап бериб яшашни истаганлари учун пора берадилар. Нега Сухсуроғ шуича айёрлиги билан Қорига ўз уйининг бутун ионон-ихтиёрини бериб қўйган? У ўз хотипи Нетайхон билан Қори орасидаги оила номусини оёқ ости қиласидиган муносабатдан хабарсизми? Йўқ, у билади. Лекин пораҳўр, агар якка бўлса, пораҳўрлик қилолмайди. Шунинг учун ҳам Сухсуроғ Қори ва Нетайхон билан муросасозлик қиласи.

Қори динга ишонувчи кишиларнинг номини тужа қилиб бериб келаётган мунофиқ шахс. Сухсуроғ номи унинг учун парда.

Абдулла Қаҳҳор асосан пораҳўрликни фош қилишга багишлиган бу комедиясига 50 ва 60-йилларда динни ниқоб қилиб олиб ўсишимизга зарар етказаётган «дин арбоблари»нинг образини киритиб жуда яхши иш қилган.

Комедияда айрим мунофиқ руҳонийларнинг бутун хусусиятлари Қори образида умумлашган. Қорининг фаж қовундек ярим ширин гаплари, дўстига ҳам, душманига ҳам «тасаддуқ» дейиши мунофиқ шахснинг характеристига жуда мос бўлиб чиқсан. А. Қаҳҳор яратган Қори образи ўзбек мумтоз шоири Муқимийнинг ҳажвиясидаги авлиё образини эслатади. Қори ўша авлиёнинг вориси ва типик нусхаларидан бири.

Нетайхон — хусусий мулкка ёпишиб олган, меҳнатни севмайдиган худбин, текинхўр. Унинг бу аҳволга тушишiga эри Сухсуроғ қанчалик сабабчи бўлган бўлса. Сухсуроғнинг пораҳўрлик ботқогига ботишига Нетайхон ҳам шунчалик сабабчидир.

Мунофиқ кишиларнинг ўртоқлиги ясама бўлади, улар орасида самимият бўлмайди, қуляй пайт келиши билан уларнинг ҳар бири ўзини ҳимоялаш учун бир-бирига хиёнат қилишга ва «дўстини» фош этишга тайёр туради. Шундай кишилар психикасига хос бу ҳаётний қонуниятли яхши билган А. Қаҳҳор Сухсуроғнинг ҳамтовоқлари талидан бош қаҳрамонга тавсифнома бериш усулини

ратулло Сухсиров ҳақида шундай дейди: «Нусратулло фосиқ эканлиги устига порани қилдек сугуриб, иликдек ютмоги маҳфий эмас».

Юсуф милиция капитани Наврӯзовга Сухсиров ҳақида кўйиниб гапиради.

Юсуф. Вой-вўй... Жонини олгани келган Азроидан ҳам пора сўрайди: Порахўр деган пайча қўйиб сўрар эди, бу муттаҳам ўттиз икки тишини баравар ботиради! (Инғамсираб). Топганимни шунга туғиб қўйиб, ўзим бола-чақа билан пўстакнинг жунини ейман!

Пъеса охирида олинган пора билан қўлга тушган Сухсиров ва Қорининг бир-бирини фош қиласиган диалоглари ҳам мунофиқлар табиати учун тишик чизиқлардир:

Қори (бирдан). Бундан бир неча дақиқа муқаддам Сухсиров каминани чорлаб «печкага бир миқдор пул ташладим, сизга омонат» деди.

Сухсунов (кўзлари олайиб). Мен печкага пул ташлаганим йўқ! (Бирдан фош қилиб). Ўзи маҳкамай шаръиядан юлган пулларини яшириб юради (75).

Салбий образларни ҳаққоний чизиш, улар ҳаётидаги трагикомик ҳолатларни кўрсата билиш, «ҳар қайсиси йигирматадан шайтонни яйдоқ мина оладиган» айёрларни қулогидан тортиб саҳнага олиб чиқиш ва шафқатсиз фош қилиш маҳоратининг кучлилиги жиҳатидан Абдулла Қаҳҳорнинг бу комедияси Н. В. Гоголь комедиялари руҳида ёзилган дейиш мумкин.

Фикримизча, комедиянавис порахўр Сухсиров ва руҳоний Қори характерларини тараққий эттириб, айрим имкониятлардан янада кенгроқ фойдаланса бўлар эди. Комедияда Сухсиров фақат ўз ҳовлиси доирасидагина кўрсатилади. Одатда порахўр «ходимлар» идорада ўта кетган бюрократ бўладилар. Сухсировнинг уйдагина эмас, балки идорада ҳам ўзини тутиши кўрсатилганда комедия шубҳасиз ютган бўлар эди. Худди шундай, Қорининг мачитдаги «фаодияти»ни ҳам кўрсатиш комедиянинг фош қилувчилик кучига куч қўшарди.

«Тобутдан товуш» комедияси ҳақида ёзилган мақола ва тақризлардаги қарама-қарши фикрларнинг кўпчилиги шу асардаги салбий ва ижобий образларнинг ўзаро нисбати масаласига боғлиқдир.

Озод Шарафиддиновнинг «Газабли қаҳқаҳа» сарлавҳали тақризида шундай сўзлар бор: «Тобутдан товуш» адабиётимизда сатирик жанрни ривожлантиришда яна

саҳифада оларни кечирсанда оларни кечирсанда оларни қаҳрамон масаласига кетяпти. Маълумки, совет сатирирасида ижобий қаҳрамон мухим роль ўйнайди. Аммо унни сатирик асарда тасвирилари гоит қийин иш. Кўпгина асарларда ижобий қаҳрамонлар бўлади-ю, бироқ улар комедия планида эмас, жуда жиддий, басавлат қилиб тасвириланади, патижада сатирининг жанр хусусиятлари бузилади, унинг яхлитлигига пуртур етади» («Ўзбекистон маданияти» ҳафталиги, 1962-йил, 5-декабрь).

О. Шарафиддиновнинг асар жанрини кўзда тутган ҳолда ёзган бу фикрларига ҳамфирмиз. Аммо унинг «Пъесада ҳамма қаҳрамонлар ёрқин тип даражасига кўтарилиган... тўлақонли чиққан», — деган фикрига кўшилолмаймиз. Бу фикр шу комедиядаги ижобий қаҳрамонларга нисбатан ошириб берилган, объектив фактлар ҳолатини тўғри акс эттирмайдиган баҳодир.

Уч мунакқид фикрича, бу комедиядаги ижобий қаҳрамонларнинг ҳаммаси ҳам муваффақиятсиз чиққан. Улар пъеса ижобий қаҳрамонлари ҳақида фикр юритганларида «Милиция капитани деярли ҳеч иш қилмайди, бекорчи» («Қизил Ўзбекистон» рўзномаси, 1963 йил, 11 август) — пъесадаги фактларга тўғри келмайдиган гапларни ёзадилар.

Бизнингча, комедиядаги ижобий образларнинг ҳаммаси бир даражада тўлақонли тип бўлмаганидек, муваффақиятсиз ҳам чиққан эмас.

Комедиядаги салбий ва ижобий қаҳрамонлар нисбатини ёзувчининг гоявий нуқтаи назари ҳамда жанрга боғлиқ ҳолда кўриш талабга мувофиқдир.

Жамиятдаги айрим кишилар онгидаги чиркин сарқитларга қарши қаратилган кулгини ҳам бош ижобий қаҳрамон санашиб керак. Шундагина комедия муаллифи нинг ижодий хизматларига адолатли баҳо берган бўламиз. Мунакқидлар комедиядаги шу ижобий қаҳрамон ҳақида ҳеч нарса демайдилар.

«Тобутдан товуш» комедиясининг гоявий бақувватлаби шундаки, унда порахўрлик каби ифлослик кўрсатиб қолинмайди, балки бизнинг шароитда омма ёрдамида порахўрликни муваффақиятли тутатиш мумкин, деган фикр илгари сурилади. Комедиядаги оригиналлик ва комедиянавис новаторлиги ҳам худди шу гояни ҳаётий сюжетда бадиий қилиб акс эттира биланлигидадир. Асарда ҳалол меҳнат билан кун кўраётган кишилар образлари — Обиджон, Наврӯзов, Ҳожар, Чол ва бошқалар худди

кишиларнинг пораҳўрликка қарши олиб борган кураши комедия конфликтини ташкил қилган. Бу конфликт уйдирма эмас, ҳаётий ва ҳаққонийдир. Камтар ва меҳнатсевар кишилар образини яратишда ҳам Абдулла Қаҳҳор анчагина маҳорат кўрсатган.

Обиджон — Ватан уруши ногиропи, урушдан кейин янги ерларда ҳалол меҳнат қилаётган оддий киши. Сухсиров ва Нетайхон Обиджондан ўз жиноятларини ёна диган парда сифатида фойдаланмоқчи бўлишади. Нетайхон юборган хатни олиб келган Обиджон ўгай опаси оиласидаги фисқу фужурни, Ҳожарга писбатан адолатсизликни кўриб чираб туролмайди. Драматург кўнглида ифлосликка қарши нафрат туйғулари ўсиб бораётган киши нутқини ҳаққоний бериш учун характерли киноялар ва кесатиқлар яратиш усулидан фойдаланган. Обиджон нутқидаги бу хусусият онгли, илгор китобхон — томошабин туйғулари билан уйғун келади ва фош қилувчи кулгини тугдирди. Обиджон ва Нетайхон диалогларида икки хил хулқ-автор, қарама-қарши маънавий қиёфадаги одамларнинг фикрий тўқиашуви, маънавий ҳалол ва ҳақ одамнинг қолоқ киши устидан галабаси драматизми кучайтиради, томошабин китобхонда руҳий қониқини ифода этадиган кулгини қўзготади.

Қонун ва ҳалол меҳнат кишиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатаётган ички ишлар ходимлари образини саҳнада кўриш мароқли ҳодисадир. Шу жиҳатдан пъесадаги милиция капитани Наврӯзов образи дикқатга сазовордир.

Бу ўринда шуни қайд қилиш керакки, ҳалигача республикамиз драматурглари урушдан кейипги даврда яратган саҳна асарларида прокуратура, суд ва милиция органларида ҳалол хизмат қилаётган кишилар образини яратишда камдан-кам ижодий журъат кўрсатиб келдилар. Бунинг асосий сабабларидан бири — драматургларимизнинг бу соҳа ходимларининг ҳаётини яхши билмасликлари бўлса, яна бири ўрганиш ҳамда қаламга олишдан тортишишдир. Шахсга ситиниш йиллари учун характерли бўлган бу тортиночоқликка, аниқроги, ўринисиз мулоҳазакорликка ҳозирги вақтда чек қўйилмоқда.

Абдулла Қаҳҳор яратган милиция капитани Наврӯзов образи шу соҳада қўйилган ижодий қадамлардан биридир. Наврӯзов виждонли фуқаро Обиджон, дружиначи Чол ва оддий қиз Ҳожар ёрдамида иш кўради. У

сурор ва увииг шериги Қорни фош қиласи, Юсуф ва Шобаротнинг бундан каттароқ жиноят ботқоғига ботиб кетишларига йўл қўймайди. Драматург милиция органлари фақат жазолаш воситасигина бўлиб қолмай, кишиларни қайта тарбиялаш ўчиги экандигини ҳам тўгри акс эттирган.

Бизнингча, комедияда Ҳожар образи бирмунча хира бўлиб чиқкан.

Айрим камчиликларга қарамай, «Тобутдан товуш» комедияси кучли тоявий-бадиӣ асардир. Комедия таъсирида киши беихтиёр кулади. Бу кулги юракнинг чукур жойидан чиқади. Бу кулги адолат га ҳаққоният, ҳалоллик ва самимият тарафдори бўлганларнинг, виждонларнинг кулгиси, голиблар кулгиси, одамга маънавий қониқини ва эстетик завқ багишлайдиган кулгидир.

Ҳеч қайси ўзбек комедияси ҳақида «Тобутдан товуш» атрофида бўлганидек бунчалик қизгин мунозара бўлмаган эди (Бу сатрлар муаллифи ҳам «Тобутдан товуш» атрофида 60-йиллар ўрталарида бўлиб ўтган мунозараларда қатнашган эди. Қараанг: С. Алиев. «Виждонлilar кулгиси» «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1966 йил, 1-сон, 59-64-бетлар). Мунозарали тақриз ва мақолалардан айримларига юқорида тўхтадик, яна бир нечасига тўхталиш лозим кўрилди.

Яна Ҳ. Ҳақимованинг юқорида әслатилган мақоласига мурожаат қиласи. У ўзиннинг бутун қаҳри-газабини комедиянинг марказий характерларидан бири Нетайхон тўғрисида фикр билдираганида тўкиб ташлайди: «Ниҳоят, бизнинг яна бир жиддий эътирозимиз Нетайхон образига тааллукли; уни Қорига ўйнаш қилиб кўрсатишга оид саҳналар келиб чиқиш манбаларига эга бўлмаган, ҳаётий заминдан маҳрум уйдирмалардир. Ниҳоят, эри билан ҳамфикр ҳамкор, ҳамдаст инок опоқ-чапоқ хотин ҳеч қандай сабабсиз ўзига ўйнаш орттираса? Ахир, бу, ҳозирги реал ҳаётимиз учун мутлақо типик эмас-ку? Бу билан, биз, ижобий ҳодисагина типик бўлади, демоқчи эмасмиз, муҳим ижобий воқеалар билан бирга, характерли салбий воқеалар ҳам типик, албатта. Лекин Озоданинг майший бузуқлиги билан ўзига ўтмишдаги машҳур исловотхона маликаси Нетайнинг помини ўзлаштириши, ҳамманинг уни «фоҳиша» маъносига Нетайхон деб атасини шу кунги турмушимиз учун типик

деб сунадиши» (Н. Ҳакимов. Комедияда замон талаби, 15-бет).

Бундаги фикрларниң ҳар бирiga эътиroz билдириб ўтиришга ҳожат йўқ. Бу вазифа юқорида комедия таҳлили жараёнида асосан бажарилди. Фақат шуни қайд қилиш керакки, ўша асар ёзилган ва саҳнага қўйилган 60-йилларда драматургия ва театр танқидчилигига субъективизм, баландпарвоз гаплар билан ҳаёт ҳақиқати устини хаспўшлаш қанчалик томир ёйғанигии яна бир марта эслатиш зарурдир.

Афсуски, субъективизмнинг ёрқин мисоли бўлган бу мақолани 1965 йилда талантли танқидчи Норбой Худойберганов Москвада чиқадиган бир журналда субъективизмга қарши қаратилган яхши мақола деб баҳолади.

Пьеса ва спектакль ҳақида 1966—69 йилларда мунозара қизғин тус олгандан кейин Н. Худойберганов масалага юзаки ёндашганини пайқаб, А. Қаҳҳор комедиялари ҳақида маҳсус мақола ёзиб, «Оғриқ тишлар», «Тобутдан товуш» ва шунга ўхшаган асарларга объектив баҳо берди. Шу жумладан Ҳ. Ҳакимованинг мақоласини кўзда тутиб, (бироқ унинг номини қаламга олмай) бундай ёзди: Нетайхон шу даражада тубан, шу даражада жирканч шахски, унинг қилиқларини, қилмишларини кўриб «натотки ўзбек аёллари орасида шунақаси ҳам бўларкин?»— деб ҳайратда қоласиз! Бироқ бунинг ҳайрон қолдиарли жойи йўқ! (Н. Худойберганов. Воплощение героизма. Журнал, «Вопросы литературы». 1965. № 1. 50-бет). Нега? Ахир, Нетайхон образи орқали ана шундай салбий тицдаги ўзбек хотин-қизларининг ҳаммасини бўлмаса ҳам, анчасини газдалантириб бермоқчи эмасми автор бу асарида?

Айрим танқидчилар билан адабиётшуносляримиз А. Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш»идаги Нетайхонни бизнинг жамиятимиз учун типик эмас, чунки орамизда ундай юзсиз, виждонсизлар бармоқ билан санарлидир, деган фикрни байн этдилар. Лекин бу нима билан исботланади? Афсуски, ҳеч қандай исбот келтирилмайди! Фақат, Нетайхон ўзбек хотин-қизлари учун типик бир мисол бўлмайди, деган асоссиз мулоҳазалар байн этилади, холос» (Н. Худойберганов. Эътирос тўлқинлари. Т., 1970, 186-187-бетлар).

Бу йилларда Сироқиддин Камолиддинов Ўзбекистон Маданият вазирлигига масъул лавозимлардан бирини эгаллаб турар эди. Унинг маъмурий-буйруқ бериш услу-

бидат ташланган «Тобутдан товуш» саҳнадан олиб ташланди. С. Камолиддиновнинг «илмий тадқиқоти» журналда давомли қилиб эълон қилинди. У бундай ёзди: «Абдулла Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» («Сўнгги нусхалар») комедияси атрофида жуда кўп баҳслар бўлиб ўтди. Бир гуруҳ танқидчилар, автор бизнинг воқелигимизга «қора қўзойнак»дан қараган, деб даъво қилган бўлса, бошқалари бу асарда воқелигимиздаги камчиликларни куйдириб ташлайдиган ўтли ҳажвни кўрдилар. Хўш, бу асар юзасидан нима учун бир-бирига мутлақо зид фикрлар келиб чиқди? Бизнинг фикримизча, бунинг сабабини пьесада автор позициясининг етарли даражада аниқ ифодаланимаганидан излаш лозим. Абдулла Қаҳҳор чиндан ҳам турмушимизда ҳамон давом этиб келаётган камчиликларга қарши хужум қилмоқчи бўлади ва бу камчиликлар ҳозирги пайтда ижтимоий заминга эга эмаслигини таъкидлайди. Лекин асосий ниятни гавдалантириш жараёнида шундай бўлиб чиқсанки, драматург аллақачон йўқолиб кетган ўтмини сарқитларини керагидан ортиқ бўртириб юборган. Бир қатор ҳолларда автор бу камчиликларни намойини қиласди-ю, лекин улар устидан ўз ҳукмини чиқармайди. Томошабин комик ситуацияларни кузата бориб кулади, лекин бу кулаги баъзи ўринларда ўзида камчиликларни танқид характерини касб этмайди; томошабин разилларни кўради, лекин ҳақиқий ҳаётда прототипларини тополмайди, бунинг натижасида воқелигимиз ҳақида оғир таассусрот қолади» (С. Камолиддинов. Ҳаёт, драматург ва ижобий қаҳрамон характеристи. «Шарқ юлдузи» журнали. 1966 йил, 8-сон, 169-бет) (Таъкидлар бизни — С. А.).

Бу кўчирмада нима кўп, демагогиями, догматизмми? Ҳар иккаласи ҳам етарли. Албатта бу ақидапарастлик влгор фикрли жамоатчилик эътиборидан четда қолмади. Етук адабиётшунослар унга қарши эътиroz билдирилар, бироқ, афсус, бу буюк ватаинпарвар ва ростгўй ижодкор Абдулла Қаҳҳор вафоти (1968 йил) дан кейин бўлди. «Сўнгги нусхалар» тўғрисида,— деб ёзди олим Бердиали Имомов, билдирилган фикрлардан яна бирига С. Камолиддиновнинг «Ҳаёт, драматург ва ижобий қаҳрамон характеристи» помли катта мақоласида дуч келамиз («Шарқ юлдузи», 1966 йил, 8, 9-сонлар). Бу мақоланинг руҳи, мақсади жуда ғалати: мақола бошдан — оёқ қарама-қарши, бир-бирини инкор этувчи, бир асарни бир ерда мақтаб, иккинчи жойда уни қаттиқ танқид остига оловчи

фикрлар иштингиздан изорадири... Гөсек шундай та-
далантиришида шундай бўлиб чиқадики, драматург алла-
қачон йўқолиб кетгац ўтмиш қолдиқларини керагидан
ортиқ бўрттириб юборган. Бир қатор ҳолларда автор бу
камчиликларни намойиш қиласдию, лекин улар устидан
ўз ҳукмини чиқаролмайди... томошабин разилларни кў-
ради, лекин ҳақиқий ҳаётда уларнинг прототипларини
тополмайди?! буният натижасида воқелигимиз ҳақида
огир таассурот қолади» (Б. Имомов. Драматургик лавҳа-
лар, Т., 1974, 41—43-бетлар).

Дарҳақиқат, ҳаёт танқидчи эмас, драматург ҳақлигини
қайта-қайта тасдиқлади: С. Камолиддиновнинг фикрича
«бу камчиликлар (порахўрлик — С. А.) ҳозирги пайтда
ижтимоий заминга эга эмас» экан. Нега бўлмаса инци-
лобдан бир неча ўн йилликлар ўтгандан кейин ҳам по-
рахўрликни тугатиб бўлмади? Ҳақиқатан ҳам у 60-йил-
ларда йўқ әдими ёки танқидчи ўзини бўлмасликка
солдими?

С. Камолиддиновнинг мақоласини ўқир эканмиз, ҳай-
рон қоламиш ва «Тобутдан товуш» ёзилган 1962 йилнинг
ўзида «Қизил Ўзбекистон» рўзномасида босилган уч ма-
қолани эслатиш билан чекланамиз: «Ҳашамдор ҳовлилар
қиссаси» (17 август), «Порахўрларга шафқат йўқ» (4 сен-
тябрь), «Шайх» жазоланди» (17 ноябрь). Буидай факт-
ларни кундалик матбуотда кўплаб ўқиш мумкин эди.
С. Камолиддинов юқорида эслатилган мақоласини жур-
налда бостириш билан чекланмай, уч йилдан кейин рус
тилида китоб шаклида нашр қилирди (С. Камалидди-
нов. Характер современника в узбекской драматургии ко-
нцеп 50-х начало 60-х годов. Т., 1969, Научный редактор
А. М. Рыбник).

Бу ўринда шуни қайд қилиш керакки, асарга қўйил-
ган икки ном ҳам воқеликка нисбатан кучсиз бўлиб чиқ-
ди: порахўрлик ўлган ва тобутга солиниб, қабристонга
олиб бориб қўйиш керак бўлган ҳодиса эмас экан — у
анча яшовчан экан, худди шундай, у «сўнгги нусха» ҳам
эмас экан. Аниқроги — А. Қаҳҳор бу жирканч ҳодиса-
нинг ўша даврдаги дастлабки нусхаларини кўрсатган
екан. Бунда яна бир масалага тўхталиб ўтиш керак: кўп-
гина танқидчилар (шу жумладан ушбу сатрлар муалли-
фи ҳам) порахўрликни ўтмишининг сарқити леб шарҳлаб
келдилар. Ҳақиқатан ҳам шундайми? Агар ўтмишининг
сарқити бўлса, пега уни 5—10 йилда тугатиб бўлмади,
аксинча, у говлаб кетди? Порахўрлик казарма социализ-

мийни, қудоши, унинг саданидаги ҳаёфли шиш экан...
Абдулла Қаҳҳор каби ҳозир табиблар шуни фаҳмлаб,
варамии кичиклигига даволаш, ёки кесиб ташлаш зарур,
деб боинг урган экавлар. Лекин уни тушунмадилар, унга
зуғум қиласдилар.

«Тобутдан товуш» ҳақидаги мунозаралар 70-йиллар-
нинг охиригача давом этди. Сатирик комедияга ҳақко-
ний баҳо берилди. Номзодлик ва докторлик диссертация-
ларида, монографияларда ёзувчи ва драматургнинг ижодий
мехнати юксак баҳоланди. Бунда адабиётшунос олимлар
О. Шарафиддинов, М. Қўшижонов, Ҳ. Умурев ва бошқа-
ларнинг мазмунли тадқиқотларини мисол тариқасида
курсатиш мумкин (О. Шарафиддинов. Абдулла Қаҳҳор.
Ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида лавҳалар. 1988, 220—
232-бетлар, М. Қўшижонов. А. Қаҳҳор маҳорати. Моногра-
фия. Т., 1988, 195—202-бетлар; Ҳ. Умурев. Таҳлил санъ-
ати. Т., 1978).

Буюк рус танқидчиси В. Г. Белинский ўзининг
«Поэзиянинг хил ва турларга бўлиниши» деган асарида
(уни ўзбекчага мумтоз ёзувчимиз Ойбек таржима қил-
ган) буидай ёзди: «Сатира камчиликларни, кишининг
заиф томонларини, қабоҳатларни масхаралаш бўлмай,
аҷчиқланган ҳиснинг ҳамласи, энергияси, олижаноб ға-
забининг момоқалдироқ ва чақмоги бўлиши керак» (В. Г. Белинский. Таҳланган асарлар. Т., 1955, 190-бет).

Айрим адабиётшунос ва танқидчилар Белинскийнинг
бу фикрини барча ҳажвий асарларга татбиқ қилимоқчи
бўладилар. Менимча, ҳажвнинг ҳажвдан фарқи бор. Са-
тира борки, масхаралашдан юқори кўтарила олмайди,
сатира борки, масхаралашнинг олий шакли бўлиб, унда
«аҷчиқланган ҳиснинг ҳамласи... олижаноб ғазабнинг
момоқалдироқ ва чақмоги» даражасига кўтарилади. Аб-
дулла Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» асари аҷчиқланган
ҳиснинг ҳамласи, момоқалдироғи ва чақмоги — сатира-
нинг олий шакли даражасига кўтарила олган. Бундай
асарлар камдан-кам яратилади.

Жамоатчилик талаби билан 1986 йилда республика-
мизда Сатира театри ташкил қилиниб, уният пардаси
«Тобутдан товуш» билан очилди. Театрга Абдулла Қаҳ-
ҳорнинг муборак номи берилди; оташин ватанпарвар ва
инсонпарвар ёзувчи асарларининг беш жилдлиги нашр
қилинди; 1986 йилда туғилганига 80 йил тўлини
онг пинпонланди. Бу маънавий адолатнинг тантанаси

ни истеъдодли шогирдлари давом эттироқдалар.

«Абдулла Қаҳдор сатираси аёвсиз,— деб ёзди Сайд Аҳмад,— оловли сатира эди. «Касаллик тарқатувчи микробга микроскоп билан қарагандек жамият орасидаги маразларни сатира микроскопида юз марта катта қилиб халққа кўрсатиш керак» деб бизга тайинларди» (Сайд Аҳмад. Сайланма. Уч жилдик. Учинчи жилд. Т., 1982, 564-бет).

Ҳаётдаги иллатларни саҳнага олиб чиққан драматурглардан бири Рамз Бобоҷондир. Унинг «Тоға ва жиянлар» комедияси 1959 йилда Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри саҳнасига қўйилди («Ўзбекистон маданияти» ҳафталиги. 1959 йил, 28 декабрь). Келгуси йили ойномада босилди. («Шарқ юлдузи» журнали, 1960 йил, 2-сон), бундан бир йил ўтгач, китобча шаклида нашр қилинди (Рамз Бобоҷон. Тоға ва жиянлар. 4 парда, олити кўринишни комедия. Т., 1961).

Адабиётшунос Турсун Собиров комедия ва спектаклни драма сифатида талқин қилди. Унингча, бу асарда «бинокорлар мавзуи» ўз аксини топган. Кейин бу асарни Уйгуннинг «Хуррият» пьесасига қиёслаб, бу икки асарда «ифодаланиши лозим бўлган гоявий мазмун янги бадний шаклда, оригинал услубда берилмади. Мана шу жиҳатидан камчилик ҳар икки асарни ҳам маълум даражада адабиётимизда алоҳида воқеа бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этади», деб ёзди (Т. Собиров. Замонавийлик ва ўзбек драматургияси. «Шарқ юлдузи» журнали, 1963 йил, 9-сон; шу муаллиф. Давр ва драма. Монография ва мақолалар. Т., 1975, 276-бет).

Т. Собиров талқинида уч нуқсон бор: 1) жанр табиатини ҳисобга олмаслик (асарнинг комедия эканлигини эътироф қилмаслик); 2) асарга ҳаммадан аввал ишлаб чиқаришнинг бирон соҳасига оид касб рисоласига қарангандай муносабатда бўлиш («бинокорлар ҳаётни темаси»); 3) шакл ва мундарижаси бир-биридан узоқ бўлган «Хуррият» ва «Тоға ва жиянлар»ни бир-бирига чоғиштириш. Т. Собировнинг юзаки таҳлилида асарнинг ютуғи ҳам, нуқсони ҳам илмий асосланмай қолган.

Пьесада ўзбек драматургиясида кам учрайдиган ҳаёт ҳодисаси — қурувчилар турмуши ўз аксини топган. Қурилиш — монтаж бошқармасининг бошлиги Асилхўжа Мехмонхўжаев, унинг жияни, материал — таъминот бўлими мудири Бўрибой Бозорбоев уй-жойлар ва маданий-

маданий олиполар қурилишида таҳта-шиферни шахсий манфаатларига сарфлаб, иморатларни сифатсиз қуришади, режани бажардик деб мақтаниб юришади. Ҳолбуки, уйларга кўчиб ўтган фуқароларнинг шикояти авжига чиқади. Буларга қарши турган (Асилхўжа хотинининг жияни) меъмор Дилбар, муҳалдис ва бошлангич партия ташкилотининг котиби Жўра Содиқович, нафақаҳўр уста Фозил ота ва бошқалар қурилишида ҳалол меҳнат қилиш тарафдори бўлиб, қаллоблик, юлгичлик, кўзбўямачиликка қарши кураш олиб боришади. Шулар орасида давом қиласидаги конфликтни сюжетда кулгили ҳолатлар (хусусан комик характерлар — Соқижон ва Боқижон тортишувлари) ва вазиятлар юз беради.

Комик сюжетда кулгили ҳийла-найранг (интрига) ва сир сақлаш усулидан муаллиф яхши фойдаланган.

«Тоға ва жиянлар»да яна бир муҳим хусусият эътиборга лойиқ. Бу ерда гап асарнинг ҳиссий таъсир кучини оширувчи, ундаги воқеаларга, характерлар фаолияти ва тақдирларига қизиқувчаник ҳақида боради.

Ижод тажрибаларидан аёники, саҳна асарида, шу жумладан комедияда автор ўз мақсадини ифодалашда сир сақлаш усулидан фойдаланади. Сир сақлашнинг хиллари ҳар бир асар спецификасига кўра турлича, авторнинг индивидуал манерасига мувофиқ хилма-хил кўринишларда бўлиши мумкин. Чунончи, асарда юз берган ёки энди содир бўладиган персонажлар кечинмасини, ўй-Фикрини, факт ва ҳодисаларни, уларнинг сир-асорини, сабабини китобхон ёки томошабин билиб, сезиб турди-ю, бироқ уларга даҳлдор, алоқадор кишилар, персонажлар билмайди. Рамз Бобоҷон сир сақлашнинг ана шу хилидан гоятда усталик билан фойдаланган. Борди-ю, автор Фозил ота уйидаги зиёфатдан кузатилган мақсадни, у ерда ҳайбаракаллачи бошлиқ устидан кулмоқчи бўлганини китобхон ва томошабиндан яшириб тасвирлаганида, ҳозиргидек таъсирчаникка, қизиқтирувчаникка эриша олмаслиги турган гап эди. Нега деганда, ижобий қаҳрамонлар бошқараётган курашнинг комик руҳи, характери, моҳияти сусаярди, улар билан боғлиқ ҳолатларни уқиб олиш оғирлашарди». (Б. Имомов, Б. Гуламов. Заметки об узбекской комедии. Журнал «Театр». 1966. № 3. 41—43-бетлар Б. Гуламов. Ижодда замон руҳи. Т., 1967, 100-бет).

Комедия композициясида заиф ўринлар ҳам йўқ эмас: кўпсўэли, ҳаракат ва кулгили вазият кам. Айрим пер-

салан, Замира пъесадап чиқарилиб, унинг сўзлари бошқаларга берилса ҳам асар зарар кўрмайди. Қурилиш бошқармасидаги юлричлар, ишларниң сифатсиз бажарилиши ҳақида рўзномада фельетон босилгач, сюжет тугуни ечилади. Шундан кейин муаллиф яна ҳикояни б-кўринишда давом қилдиради, томошабин учун потаниш бўлган Жамол хола ва Адолат кампирларни саҳнага олиб чиқади. Умуман бу икки персонаж ҳам, олтинчи кўринишнинг ўзи ҳам ортиқча, хусусан унда деярли кулгили ўрин йўқ.

Ўзининг шеър, достон ва романлари билан машхур бўлган Шуҳрат комедиянавис сифатида ҳам элга танилди. Унинг биринчи комедияси «Беш куилик куёв» 1969 йилда ёзилиб 1970 йилда Жўмҳурият «Ёш гвардия театри саҳнасида қўйилди, («Совет Ўзбекистони» рўзномаси, 1970, 21 апрель, 93-сон) ва 1971 йилда журпалда босилди. (*Шуҳрат. Беш куилик куёв. Икки парда, олти кўринишни комедия. «Шарқ юлдузи» журнали, 1971 йил, 8-сон*).

Комедияда ижтимоий бурчдан шахсий манфаатни устун қўядиган шахслар устидан кулинади. Олий ўкув юртининг толибаси Ўлмасхон фуқаролик бурчини бажариш ниятида, институтни битиргач, ишга тайинланган районга бориб ишламоқчи (у қоракўлчилик бўйича мутахассис). Бироқ отаси Азларбек (савдо ходими) ва онаси Кишвархон (уй бекаси) якка-ю ягона қизларини шаҳардан ташқарига чиқаришни истамайдилар. Мол-дунё ва латта-путтага ёнишиб олган ота-она турли пайранглар ишлатиб, қизларини шаҳарда олиб қолмоқчи бўлишади. Комедия интригаси Ўлмасхонни Азларбекнинг жияни (қишлоқдан келиб қариноши уйида югурдаклик қилиб юрган, тайинли касби бўлмаган, бир печа идорада ишлаб, барчасидан ҳайдалган (Мирзабаҳромга вактича — битирувчи талабалар иш жойларига жўнагунча) ЗАГСдан ўтказиб қўймоқчи, кейин унинг никоҳидав чиқариб, бадавлат, обрўли қуёвга бермоқчи бўладилар. Мирзабаҳром ЗАГСдан ўтгач, «Ўлмасхон менинг қонуний хотиним, унинг талогини бермайман», деб туриб олади. Қиз эса бошқа бир дипломат йигит билан муҳаббат алоқасига киришгав. Комик конфликт мана шу пайранг заминига қурилган.

Шуҳрат Кишвархон ва Азларбек тимсолларида худбин, хасис, қиз эркини менсимайдиган, ўзларининг ҳо-ю ҳавасларини биринчи ўринга қўядиганлар устидан ку-

лади. Мирзабаҳром ҳам потанин шахс. Ҳалол меҳнат қилиб, кўнглига мос қизни топадиган ор-номусли кишилардан эмас.

Комедиянинг тили ширали. Хусусан Кишвархон ва Азларбекларниң путқидан уларниң маънавий қиёфалари қашпоқлиги очилиб қолади. Шуҳрат асарида тошкентликлар тилига хос мажоз-истиораларни кўп ишлатиши яққол ўз ифодасини топган. Мисолларга мурожаат қиласиз:

Азларбек. Эй, хотин, пора беришининг ўзи бўладими? Пора бериш ҳам ўзи бир санъат.

Кишвархон. Йўлини топинг!

Азларбек. Хотин, ундан кўра, эшигингни турмини бузётган совчилардан биттасига рози бўла қол. бира тўласи қутулиб қўя қоламиз. Менга ҳам ташвиш кам.

Кишвархон. Ҳо!... Ёқмай ўлсин! Шунча йил ерга кўйсам чанг ўтиради, осмонга қўйсам гард юқади, деб қоғоздаги қанддай ардоқлаб зўрга катта қилсан-у, дуч келгап совчига рози бўл эмиш. Ҳеч ҳам-да! Менга қизимни кафтида, сиз билан мени кифтида тутадиган куёв керак: олий маълумотли, тег-тахтли, ҳусн-жамолли, юрса кўча тўлиб, ўтиrsa ўрнини сотиб оладиган ақли баркамол йигит бўлсин. Шу андозамга тушмайдиганининг, югани эгарининг қошига ташлоглиқ, туёғини шиқиллатверсин».

Азларбек. Бу андозанг, хотин, ҳовузга қонқоқ қидиришга ўхшайди. (Кулиб) Хотин, жуда осмондасан-ку, икки энлик паст туш, бошинг булатта тегиб қолади.

Кишвархон. Тушмайман. Нега паст тушар эканман. Кисман муҳри оқ пошшога ўтган қозининг певарасиман, шаҳар сўрагап бекларга келинман. Гап битта: Ўлмасхонни шаҳарда олиб қоласиз (98).

Афсуски, бу кунлар режиссерлар «Яхши пъеса йўқ» деб иполишга зўр бериб, ўзбек драматургияси бисотидаги бундай асарларни уштиб қўйтганлар. Н. В. Гоголь, А. Н. Островский асарларини 100—150 йилдан кейин саҳнага кўйиш мумкин экан, нега ўзбек драматургининг 20—25 йил илгари ёзган, бу кун ўз қимматини йўқотмаган комедиясини саҳнага кўйиш мумкин эмас?! Асли олдингдан оқкан сувнинг қадри йўқ!

Шуҳратнинг 1971 йилда ёзилган «Кўша қаринглар» комедияси 1972 йилда Й. Охунбобоев номидаги Андижон вилояти театри саҳнасида қўйилди. Пъеса 1973 йилда

бинонада босилди (шүүгч). Үша қаринчар. Иккя парда, түқкүз күрнишил комедия «Шарқ юлдузи» журнали, 1973 йил 8-сон).

Бу комедия жаҳон драматургиясида «абадий» мавзулар қаторига кирадиган муаммолардан бири — рашк ҳақида десак, ҳақиқатнинг ярмини айтган бўламиз. Ҳақиқатнинг қолган ярми: оиласи бузишга олиб келадиган ёмон омиллар фақат рашк эмас, ёмон ўртоқ, ичкиликка берилиш, ёш оиласарнинг кексалардан узоққа тушиб қолишлари каби муаммоларни ҳам эслатишмиз керак. Соғ кўнгил, лекин қўвж бухгалтер Жавлон шифохонада ҳамшира бўлиб ишлаётган хотинидан хабар олиш учун шифохонага бош тиққанида, хотинини бир бемор бошини силаб, билагини ушлаб турган ҳолда кўради ва рашк ўтида ёниб уйга қайтгач, хотини билан жанижал қиласди. Уни таъна-дашномлар билан камситади. Хотини Тасаддиқхон тұхматга чидаёлмай ўғилласини олиб чиқиб кетади. Бундай вазият ҳаётда тез-тез учраб туради. Бизнинг куиларда ҳам ўринисиз рашк оқибатида ажralаётган оиласар оз эмас. Жавлоннинг ўртоқларидаи бири Тайлоқхўжа ароқхўрликка муккасидан кетган оғзига кучи етмайди у ҳам Жавлонга «хотинингни бир киши билан кўрдим», деб тұхмат қиласди, чунки Тасаддиқхон бу одамни ёқтирумай уйидан ҳайдаган эди.

Шуҳрат оиласи тиклашда кексаларнинг роли катта деган гояни нафақага чиққан отахон Собир ҳафсала ва Жавлоннинг онаси Ўғилбиби образлари орқали ифода этиб, уларни можарога аралаштиради. Ҳийла, найранг комедияга хос бўлиб чиққан. Улар Жавлонга: хотининг бошқа йигитга турмушга чиқмоқчи, сени ҳам бошқа қизга уйлантирамиз, деб, виҳоят, уни ўз хотини Тасаддиқхонга «уйлантирадилар». Бироқ пьеса кўп сўэли, кексаларнинг насиҳатгўйлиги керагидан ортиқ чўзилган.

Шароф Бошбековнинг «Темир хотин» комедияси ўзбек комедиянавислигига янги, ўзига хос, мазмунан бой, шаклан гўзал асар бўлди. У биринчи марта 1989 йилда журналда босилди («Ёшлик» журнали, 1989, 5-сон), ўша йили муаллифнинг пьесалар тўплами «Эшик қоққан ким бўлди?»да ҳам нашр қиласиди. Комедияни Фаргонга вилоят музикали драма ва комедия театри соҳнага қўйди; жумҳурият театрлари танловида кўрсатилиб, биринчи ўринни эгаллади. Бошқа вилоят театрлари ҳам кўрсатишиди. Қардош Тоҷикистон жумҳурият театри ҳам тоҷик тилида намойиш қиласди.

Муваффақиятнинг сири нимада:

Ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан маҳорат билан ёзилган асар бўлганлигига, услубининг янгилигига, киноявий ёки мажозийлигига, жасоратли режиссёрлар ва талантли артистлар томонидан саҳнага қўйилганлигига.

Биз биламизки, кўпчилик пьесалар долзарб мавзуда ёзилгани билан китобхон, режиссёр ва томошабинларнинг эътиборини қозонолмайди. Ундаи пьесаларда мавзу долзарб бўлгани билан асар санъат либосида берилмаганидан кейин тез саҳнадан тушиб кетади. Гап фақат мавзунинг долзарблигига эмас. Қизиқарли ижодий ният чуқур ҳаётий мазмун ва саҳнавий талабларга мувофиқ бўлишидадир. Гап мавзу билан бирга асар тоғаси, ёзувчининг бадиий маҳорат, композиция, сюжет, конфликт, интрига, драматизм, характерлар ва асар тилининг комик усулда маҳорат билан уйғуналашиб кетишида. «Темир хотин» шу талабларга жавоб бериши билан эътиборга лойин.

Маълумки, 80-йилларнинг иккинчи ярмидаги ижтиёмий-сиёсий ўзгаришлар тифайли маънавий эркинлик, фикрий озодлик, дилидагини тилга чиқариш мумкин бўлиб қолди ва бу нарса ижодий жонланишга олиб келди. А. Рибаковнинг «Арбат болалари», Турғун Пўлатнинг «Ичкуёв» каби асарларининг босилиб чиқиши ва зангори экранда кўрсатилиши, А. Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» комедиясининг қайтадан саҳнага қўйилиши ижодкорларга кўнгилдаги гапларни ёзиш йўлини очиб берганлигининг далили бўлди.

«Темир хотин»нинг мавзуи Ўзбекистонда пахта якка ҳукмронлиги ва тургунлик деб ном олган даврда республикада иқтисоднинг бирёзлама ривожланганлиги, ўзбек пахтакор деҳқонларининг қашшоқланиши сабаблари таҳлилига багишланди.

Шароф Бошбеков рамзий темир хотин (Аломат) тимсолини ижод қилиб, бутун воқеани шунинг атрофида ривожлантиради.

Олимлар узоқ йиллар пахта териш машинасини ислоҳ қилиш устида бош қотираётган бир пайтда муҳавандис Олимжон пахта терадиган одам ясади ва уни қишлоқда синааб кўрмоқчи бўлади. Ишонтириш кучи жиҳатидан бу пьеса бирқанча фантастик ҳикоя ва қиссалардан устун туради. Асар жаңр жиҳатидан ҳажвий (сатирик) комедия, унда юмор ҳам барқ уриб туради. Кулгиннинг Фош қилувчи кучи ўзбек деҳқонининг аянчли аҳволга ту-

шувиниң сабак пахта жана қарниниң олжы көлак ижтимоий-иқтисодий түзүмни фон қилишга қаратылған. Коммунизм, унинг биришчи босқичи — социализм ҳақидағи 70 йилдан бері кишилар онгига тиқиширилған идеал билан реал воқелик орасидаги қарама-қаршилик — пьеса конфликтининг асосини ташкил этади. Конфликт шу оддий меңнат кишилари — тракторчи Құчқор, унинг хотини Құмри, мұхандис Олимжон билан улар түшиб қолған турмуш тарзи орасыда боради. Темир хотин рамзий образ бўлиб, воқеа шу турмуш тарзининг ҳақиқий қиёфасини очиб ташлашга хизмат қиласидиган бадий воситадир.

Драматург эсда қоладиган ҳәёттій характерлар яратган. Тракторчи Құчқорнинг саяги меңнатда қотган. У содда, ҳалол, очиқ күнгил, ишонувчан, тўгрисўз йигит. У ўзининг турмушидан нолимайди, яхши яшайпмиз деб ўйлади. Унинг хотини Құмри ҳам эрига муносиб камтар, камсуқум, ҳам оиласа қарашади, ҳам пахта дала-ларида меңнат қиласиди. Бу иккى характерда ўзбек деҳқонларининг миллӣй хусусиятлари: багри кенглик, меңнаткашлик, тўғрилик, соддалик, ишонувчанлик ўзининг реалистик аксини топган. Асадан бир кўчирма келтирамиз:

Олимжон (ховлини кўздан кечириб). Хафа бўлманг-у, Құчқор ака, лекин кенойимгаям қийин-да. Ахволни қаранг: ҳалиям ўчоқ, ҳалиям тезак ёқиласиди. Прогресс йўқ.

Қўчқор. Нима — грес?

Олимжон. Прогресс.

Қўчқор. Прогресс бор. Илгари тезак ёқиласиди, ҳозир тезакни солярка билан ёқишмиз. Яхши ёнипти. Тўғри, овқатдан сал-пал ҳиди келади-ю, лекин ўрганиб кетар экан одам.

Олимжон. (Қўчқорга ачингандай бош-оёқ кузатиб чиқиб). Бир ҳисоби, сизгаям қийин — шунча бола-чақа... Саккизтамиди?

Қўчқор (ух тортиб). Ҳа... Қолгани шу. Бештаси пешонамга сигмади, Олимтой...

Олимжон. Ҳечқиси йўқ, Қўчқор ака, яқинда ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Мана, ҳозир «оилани планлаштириш» деган бир гап чиқиб турибди.

Қўчқор. Нималаштириш?

Олимжон. Планлаштириш. Менимча, шу яхши гап, Қўчқор ака. Тушунмадингиз-а? Бунинг маъноси шуки,

яхши яшап учун болани тўртта-бештадан оширмаслик керак

Қўчқор. Ие?.. Худонинг ўзи бериб турса нима дейсан?

Олимжон (кулимсираб). Ҳа энди, Худо бермайдиган қилинади-да.

Қўчқор (гўё тушунгандай). Ҳа-а, гап буёқда, дегин? (жиддий) Менга қара, Олимтой, бу... Билмаганимизни сўрайверамиз-да, а?

Олимжон. Сўранг, сўранг.

Қўчқор. У... қанақа бўлади ўзи? Хотинларимизни бир бало қилишадими ё биз — эркакларни ахталашадими? (Бошбеков Шароф. Эшик қоқкан ким бўлди? Пъесалар. Т., 1989, 169-бет).

Бу диалогда оддий ўзбек деҳқони Қўчқорнинг ўзбекларнинг болажонлигини тушунмайдиган, «оилани планлаштириш» фикрида юрган гарблекларнинг ўзбекларга отаётган таъна тошларини эшитиб, ҳангу-манг бўлиб қолганлигини томошабинга етказиш билан ундаи инсон-парварлика тўгри келмайдиган, худбинлик психологиясини танқид қиласиди. Ҳам кулгили, ҳам ачинарли вазият томошабини — китобхонни бефарқ қолдирмайди.

Қадим замонлардан бери юон ва бошқа ҳалқлар комедияларида одамларнинг соддалигидан кулги чиқариш анъана бўлиб келмоқда. Ш. Бошбеков ҳам шу соддаликдан усталик билан фойдаланади. У яратган Аломат (темир хотин)ни Қўчқор ўзига никоҳ қилиб олмоқчи бўлади. Қўчқорнинг мулла Сувонни олиб келиб никоҳ ўқитмоқчи бўлган эпизоди таъсири бўлиб чиққан. Ҳатто ремаркада (персонат ҳатти-ҳаракатларини белгилаб берадиган муаллиф сўзлари) ҳам бу кулгили вазиятни пайкаш мумкин.

«Аломат қимир этмай тураверади. Қўчқор нима қилишини билмай унинг атрофида айланади, бошқарув блокини секингина уриб кўради. Қопқорини очмоқчи эди, лекин Аломатнинг кўйлаги ҳалақит беради. Қўчқор қай томондан қўлини олиб боришни билмай, анча вақт гарангсиб туради. Сўнг таваккал қилиб, ёқасига кўл солади» (183-бет).

Пъесадаги шу ремарка саҳнада жуда қизиқ вазият тутдиради: никоҳ ўқиш учун келган мулла Сувон бу «бездоблик»дан ҳайратга түшиб, туриб кетмоқчи бўлади. Шундан сўнг бундай диалог келади:

Сувон. Ҳай, ҳай, ҳай, Қўчқорбек, нима қиляпсиз?

Күшакундуз куни-я?.. Астагфирулло, астагфирулло!.. Сабр қилинг, ҳечқурса никоҳ ўқиб қўйай, Қўчқорбек!

Қўчқор. Мана шу ерида томири тортишиб, қоладиган касали бор, тақсир... Уқалаб қўймасам бўлмайди...

Сувон. Ичкарига олиб кириб укаланг-е, уят бўлади!.. (183)

Пъесада муаллиф ўзининг танқидий-ҳажвий қарашларини шахслар сухбати ва хатти-ҳаракати орқали беради. Хусусан Аломатнинг Қўчқорни гипноз қилиши, унинг ҳар қандай шароитда ҳам йиғламайман, деб, Аломатнинг эса, мен сизни йиғлатаман, деб туриши орқали ўзбек деҳқонининг қатагон ва турғунлик йилларида нақадар оғир аҳволга тушиб қолганлиги сюжет чизигидаги энг баланд нуқтадир.

Қўчқор. Қўйинг, нима кераги бор, барибир йиғламайман...

Аломат. Йиғлайсиз... (Қўлларини Қўчқорниң боши узра ҳаракатлантириб.) Йиғлайсиз... Чунки, жуда эзилгансиз... Юрагингизга қил ҳам сиғмайди... Ич-ичингиздан бир нима тошиб келашти... Ҳеч кимнинг раҳми келмайди, бирор дардингизга шерик ҳам бўлмайди... Ўз ёгинингизга ўзингиз қоврилиб яшаяпсиз... Афт-ангорингизга бир қаранг, қирқа кирган қирчиллама йигитсиз-у, кўрган одам сизни элликка кирган, деб ўйлайди... Қуриб-қақшаб боряпсиз... Эсингизни танибсизки, тинмай меҳнат қиласиз, лекин ҳеч бирингиз икки бўлмайди... Рўзгор, бола-чақа ташвиши, дейсиз, афсуски, бу ташвишларнинг чеки йўқ. Эрталабдан-кечгача чумолидай ғимир-ғимир қиласиз-у, роҳатини кўрмайсиз. Кийиб олган кийимларинги қаранг, енгил саноат етиштираётган ҳамма брак маҳсулот сиз ва сизга ўхшаганларга насиб қиласди. Бу нима? Шу иссиқда ким нейлон қўйлак кияди?

Қўчқор. Магазинга келган экан, арzonгина деб...

Аломат. Ўзингизга бир ташқаридан қаранг, қайси замонда яшаяпсиз ўзи? Кимга ўхшайсиз? (Эски кўрпа-чаларни кўрсатиб.) «Пахтакорман», деб кўкрагингизга урасиз-у, кўрпангизга пахта тополмайсиз! Оёғингизга илиб олган калишингиз қаердан чиқсан? Янгийўлданми, Тошкентдами?

Қўчқор (оёгини йиғишириб). Калишмас, патинка... (199).

Бундай киноялар кишиларга ўзлигини англашга ёрдам беради. Дарҳақиқат, ўзбек деҳқонининг турмуши қанчалик аянчли бўлмасин, жамият (тузумдаги ҳукмров

идеология) уларни шикоят қўймасликка, «Яна ўйнайлик, ява куйлайлик, иқболимиз порлоқ экан, даврон сурайдик...» деб куйлашга даъват этиб келди. Ҳа, кишилар гипноз қилинган эдилар.

Асар композициясида ортиқча персонажлар, кераксиз тағсилотлар, сюжет ва конфликтга бевосита боғланмайдиган саҳналар йўқ. Парда очилиши билан давом этаётган воқеанинг ўртасидан кўринади. Ҳовли пешайвони устунига боғлаб қўйилган киши... Кейин маълум бўладики, бу одам кечиб мастлик қылган, қўшинилар унга зўрға бас келиб, уступга боғлаб кетишган, бошқа чора тополмаганлар. Хотининг ҳам жонига теккан, у ҳам бўлаларини олиб онасиникига кетади. Бутун воқеа уч кунда бўлиб ўтади. Хотини қайтиб келса, эрини ҳали ҳам устунига боғланган ҳолда кўриб раҳми келади (унинг Қўчқор ва Аломат муносабатларидан хабари йўқ), эри баданидаги арқонни ечади, эркалайди.

Аломатнинг пахта теришга чиқиб, далада куйиб қолишида ҳам катта киноявий маъно бор: ўзбек хотинлари чидамли, уларнинг елкасига оғир ишлар тушган, «темир хотин» чидолмай куяди, бироқ ўзбек аёли чидайди, яна эридан ширин сўзларини аямайди.

Бир вақтлар (турғунлик ва ақидапарастилик йилларида) адабиёт назариясида реализмни жўн талқин қилиш ҳукмрон эди: ҳаёт қандай бўлса уни шундайгина акс этириш реализм бўлар эмиш. Реализмни бундай жўн талқин қилиш ижодкор, унинг ғояси, дунёқараши, идеали ва фантазиясини чишакка чиқараб эди. Драматургни ижод қилишга поқобил, совуқ ойна ёки фотоаппаратга ўхшатиб қўяр эди. Натижада шундай ақидаларга амал қилиб асар ёзганилар қаламидаи ҳис-ҳаяжон ва фантазиядан маҳрум «ўлик асарлар» туғилар эди. Типиклаштириш, индивидуаллаштириш, бўрттириш, рамз, мажоз, киноя, заҳархададан фойдаланиш, фантазияни ишга солиб бўрттириб бериш каби санъатга хос назариялар «жонсиз реализм» соясида қолиб кетар эди. Шу хатоларни англаб олган муаллифлар катта журъат билан киноя, мажоз, рамза ва фантазияни ишга солиб чинакам санъат асари яратмоқдалар. «Темир хотин» ана шундай санъат асарларидан биридир.

Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Зўлдири» деган комедияси атрофида ҳам 70-йилларнинг бошида анча шов-шуввлар бўлди. Дастрлаб бу пъесани саҳнага қўйишга тўсқинлик қилинди. Бунга ўша йилларнинг касали — жамият

и платларини тақиқ қўнувчи комедияларга шуодаланиб қараш асосий сабаб эди.

Бу асар дастлаб Сурхондарё вилоят театри саҳнасида қўйилди. Кейинчалик Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида ҳам унга қўл урилди. Бироқ асар ўзбек тилида узоқ вақт нашр қилинмади. Ниҳоят, рус тилига «Бег по кругу» деб таржима қилиниб, Москвада босилиб чиқди (*A. Ибрагимов. Обо мне ни слова. Пьесы Перевод с узбекского. М., 1989, 238—289-бетлар*). Бу сатрлар муаллифи комедиянинг шу русча нашридан фойдаланди.

Икки парда, олти кўринишдан иборат бу сатирик комедия турғунлик даврининг томир ёйган диктаторлик-бюрократик раҳбарлик услубидаги «номенклатура ходими» деб ҳукумат ёки партия раҳбарлари рўйхатига кирган шахсларни бир идорада хатоларга йўл қўйса, бошқа идорага раҳбар қилиб тайинлаш, «ўз қишиси»ни сақлаб қолиш каби иллати устидан кулади. Комедиянавис кулгили характер ва унинг хатти-ҳаракатларини заҳарханда, киноя орқали маҳорат билан акс эттирган.

Комедиянинг марказий қаҳрамони Мерос Ворисович Ворисовни магнитофон — тасма корхонасидан олиб музей директори қилиб тайинлайдилар. У бу идора ишини тушумайди. Шу музейни ташкил қилган кекса матншунос ходим Алишер Навоийнинг «Ҳамса»си кўлёзмасини олиб келиб, буни бир фуқаро келтирди, сотиб олайлик, иодир кўлёзма, деса, Ворисов олиб кўриб, бу эски увада китобнинг нархи 3—5 сўмдан зиёд эмас, деб мутахассисни ражитади. Идора котиби эркак киши, музей санъат бўлимиинг мудираси, олий маълумотли аёл киши экан, эркак кишини бўлим мудирлигига, аёл кишини котибликка тайинлайди. Буйруқка имзо чекишдан олдин бўлим мудираси билан сўзлашиб ҳам кўрмайди. Ниҳоят, бу гайриқонуний ишни кўрган бўлим мудираси юқори ташкилотларга мурожаат қилишга мажбур бўлади.

Ворисовни театр директори қилиб тайинлайдилар. У бундан олдин театр бадиий кенгаши яроқсизлигидан рад қилган пьесани муҳокамага қўйиб, кенгаш аъзоларининг қаршиликларига қарамай, саҳнага қўйиш учун қабул қилиб олади. Чунки сўнгги, учинчи хотини пединститутга кирмоқчи, пьеса муаллифи эса, шу институтда қабул комиссиясининг раис муовини.

Ворисовни шаҳар марказий қабристонига директор қилиб тайинлайдилар. Қабристонда энди одамларни кў-

майта көп ҳаммади. Ҷилкларни яти қабристонга юбо-раётирлар. Бироқ, Ворисов айрим ўликлар жуда катта майдонни эгаллаб ётибдилар, уларни бир оз суриб яна бир қанча таниш-билишларга жой топиб бериш мумкин, деб «рационализаторлик» таклифини киритади. Уни яна бир қанча идораларга (ҳаммом, сартарошхона каби жойларга) мудир қилиб тайинлайдилар. Ниҳоят, от айланаб ўз қозигини топади: яна уни магнитофон тасмаларига, кишилар овозини ёзиб оладиган дўконга мудир қилиб юборадилар...

Ворисовни ахлоқий-оилавий томони ҳам жойида эмас. Қишлоқдан ҳалигача отасини кўрмаган ўғли келиб, излаб юради. У 18 ёшда, ўрта мактабни битирган, ҳалигача онаси алимент олар эди.

Спектаклларга чиқсан тақризлардан бирида «ворисовчилик» деган атамани учратган эдим. Ҳақиқатан ҳам бирон аниқ мутахассисликка эга бўлмаган, ошина-огайниларининг суюши билан ҳали бу идора, ҳали у ташкилотга раҳбар бўлиб олиб, ишнинг пачавасини чиқариб юрганлар жамиятга қанча иқтисодий ва маънавий зарар келтирганиларини бир статист ёки жамиятшунос олим плми тадқиқ қилгани, ҳисоблаб чиқсани йўқ. Бундай нуқсонларни комедиянависдан бошқа киши дангарроқ фош қилолмайди. Халқни моддий ва маънавий инқизорзга олиб келган кучлардан бири мана шу сансолорлик, маъсъулиятсизлик, бюрократизм эмасмиди?

Абдуқаҳдор Иброҳимов ўз пьесасига «Зўлдир» деб ном қўйган. Бу шева сўзи бўлса керак. Чунки 65 мингдан ортиқ сўзни ўз ичига олган ва академик Ш. Ш. Шоабдураҳмонов таҳрири остида чиқсан «Ўзбек тилининг имло лугати» (1976) да ҳам, З. М. Маъруфов таҳрири остида босилган ва 60 минг сўз ёки сўзлар бирикмасини қамраб олган икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли лугати» (1981) да ҳам йўқ. Мазмунидан англашиладики, Ворисов олмахонга ўхшаш чор атрофга югуриб юрадиган жониворга ўхшатилади. Бу комик тип ўзида жоҳил, мансабпарат, мақтанчоқ амалдорларнинг асосий хусусиятларини жамлаган.

Абдуқаҳдор Иброҳимовнинг икки парда саккиз кўринишли сатирик комедияси «Мени айтти деманг...» (1975) ўша йилларининг энг аяичли иллатларидан бўлган бюрократизм ва унга боғлиқ нуқсонлар устидан кулишга қаратилгав. Масъулиятдан ўзини олиб қочиш, худбинлик, иккисизламачилик, шахсий ва ижтимоий турмушнинг

ташаббус, ижодий меҳнат қўллаб-қувватланмас, кишиларда самимийлик, ўртоқлик муносабатлари расмиятчилик, тўрачилик тузоқлари билан майиб қилиб ташланган эди.

Пъесанинг биринчи кўрининги кишида яхши таассурот қолдирмайди: қани кулги? Майда-чуйда гаплар-ку?— деган сўроқлар хаёлни банд қиласди. Монтёр Али ўз ҳовлисидаги 4 сотихли гулзорга резавор экади. Шунча майдонга эга бўлган қўшиналар фақат дараҳт ўстирган. Улар тез-тез Али ҳовлисига келиб у-бу сўрайвериб, уни безор қилишади. Али бу ташвишлардан қутулиш учун ҳовлидан кўчиб кетмоқчи... Бироқ пъесада воқсалар ривожланган сари ундағи ҳаётий мазмун кўламли бўлиб боради ва кишини қизиктиради. Али яшайдиган маҳалла комитетининг раиси ва мактаб директори Алининг тажрибасини оммалаштириш мақсадида ахолини йигиб мажлис қилмоқчи, Алидан қўшиналарни ўрнак олишга чақирмоқчи. Бироқ бу ишни у холис, ўз манфаатини кўзламасдан қилмоқчи эмас. Унинг ўқитувчилигига 40 йил бўлибди, энди ўз юбилейини ўтиказмоқчи, маҳалласини кўз-кўз қилиб кўрсатиш билан ўз юбилейига замон тайёрламоқчи. Алининг қўшиси — рўзнома таҳририятининг ходими Ерқин нарса сўраб Алинигина қелганида Ҳошим ака уни Али ҳақида мақола ёзишга ундейди. Бироқ у мақолани ўз номидан эмас, Али номидан ёзди ва бу мақолани ўзи ишлайдиган редакцияга олиб бориб, бўлим мудири Қамарга беришни маслаҳат қиласди, «мени айтти деманг...» деб илтимос қиласди. Али мақолани редакцияга олиб бориб Ерқин билан бир хонада ишловчи Қамарга беради. У мақола билан танишгач, бу жуда илмий, яхши мазмуни бўлибди, деб мақтаса-да кўнглида, бу мақолани бостирсан мени хусусий мулкчиликни ва капитализмни тарғиб қилибсан, деб маломат қилмайдиларми, дея ҳадисирайди. Ниҳоят, бу мақолани агроном, редакция консультанти Юсуповага олиб боринг, ундан тақриз олиб келинг, бироқ «мени айтди деманг...» дейди. Ун бетлик мақола қўлдан-қўлга ўтади, Юсупова мақолани деҳқончилик илмий-текшириш базасининг ходими, фан номзоди Халифаевга, Халифаев шу базасиниг сектор мудири Зулфиқоровга, Зулфиқоров эса шаҳар ободонлаштириш бўлимининг ходими Илҳомовга ҳавола қилишади... Али буларни уйига чақириб зиёфат ҳам қиласди. Барин мақола босилмай қолади, гулу гулзор ва резаворлар қуриб, ҳовли ҳувиллаб қолади.

Иккюзламачилигини очиб кўрсатиш учун диалог ва монологни бир жумлада бериш усулидан усталик билан фойдаланади: персонаж саҳнадаги шеригига бир гапни айтса, залга қараб (ўз олдида) бошқа гапни айтади: меҳмондорчиликдаги диалоглардан (Башорат — Алининг хотини, милиционер; Юсупова Назира — уч ой турмуш қуриб эридан ажралган, агроном, ўн йилдан бери бева, Алига сукланиб қарайди, зиёфат ҳам шу аёл таклифи билан уюстирилган) келтирамиз:

Башорат. Мана шу бугундан борди-кељдини бошлаб юборамиз-да, қариндош (залга). Бу аёлга эримнинг муносабатини билишим керак (Юсуповага тикилади.)

Юспова. Мен сиз билан танишганимдан гоят хурсандман. Иссиқлар чарчатиб қўймаяптими, Башорат она? (Залга.) Жисмонан бақувват аёл экан, чунки Алининг қўллари кучли-да.

Башорат. Ишдан ҳар қанча ҳориб келмай, ҳовлима гириши биланоқ чарчогим тарқайди-кетади (залга.) Бу аёл менга синчилаб қарайапти, бир гап борга ўхшайди.

Хошим. Ҳа, ҳовлингиз чинакамига жаннат (залга.) Мақтов аёлларга майдек ёқади.

Қамар. Қуротнинг ўзи (залга.) Мен учун эса бир кунлик курорт.

Хошим. Башоратхон, пешонаси ярқираган аёлларданисиз. Алижоннинг қўли гул. Сизни жаннатдек ҳовлида яйратиб қўйибди (залга.) Мақтайверай-чи, фойдаси тегиб қолар.

Башорат. Бир оз ўтиринглар (Алига.) Етти йиллик мусалласдан олиб чиқинг.

Али. Ертўланинг калити сенда-ку.

Хошим. Бошқа сафар. Бугунга етар.

Башорат. Мақола чиққач, яна келасизлар, ўшанда албатта ичамиз (залга.) Мақола чиқмасин, бўлмаса эримдан айрилиб қоламан (A. Иброҳимов. Тусмол. Пъесалар. Т., 1985, 41-бет).

Пъесада шўро даврининг катта иллати очиб ташланган: Конституцияда ҳар бир фуқаронинг сўз эркинлиги, мамлакатда матбуот эркинлиги, ташаббусни қўллаб-қувватлаш зарурлиги ҳақида ёзиб қўйилган эди, бироқ у ҳуқуқлардан фойдаланишга келгандা оддий фуқаро йўлида ўндан ортиқ ғовлар турар эдики, у ғовлар фуқаролик ҳуқуқларини йўққа чиқарап эди. Мавжуд жамиятнинг ин-

да эди: қонун ва қарорлар билан уларни амалга ошириш
орасида катта қарама-қаршиликлар турар, ҳукумат бу-
нинг олдини олишга ожизлик қилиб қолган эди.

Шу муаллифнинг «Майли, майли» ҳажвий комедияси
ҳам гоя, мазмунининг замонавийлиги ва долзарблиги
жиҳатидан «Мени айтди деманг» комедиясига яқин ту-
ради. Бироқ бунда бошқача сюжетда комик характерлар
очиб берилади.

Икки парда, беш кўринишни сатирик комедия «Май-
ли майли»да (*А. Иброҳимов*. Тусмол. Пъесалар, Т., 1985,
56—111-бетлар) айрим идора раҳбарларининг ўзларига
топшириб қўйилган ишга ўта расмиятчилик билан қа-
рашлари, шахсий мағфаат ва обруларини бошқалар ма-
ғфаатларидан устун қўйишлари, итоатларидаги кишиларни
менсимасликлари, ўзларига режим-тартиб жорий қилиш
билинг умум ишига зарар етказишлари устидан кулиниади.

Юнусов Амин Юнусович — таниқли меъмор, филиал-
нинг бошлиги. Бошлиқ кабинетида ёзиш-чизиш билан
банд бўлиб, қабулга келган кишиларнинг юзига қарамай,
гапларига эътибор бермай, нима десалар «Майли, май-
ли... бу иш билан ўринбосаримга мурожаат қилинг», деб
чиқарип юборади.

Халилов Ҳалим Салимович — филиал бошлигининг
ўринбосари. У идорада темир тартиб ўрнатган: ҳеч ким
унинг гапини икки қилмаслиги керак, идорага келган
почта ва вакъти матбуотни у олдин кўриб чиқиши ке-
рак. Ҳатто у 8—10 кун хизмат сафарида бўлганида ко-
тиба Арслонова келган почтани унинг кабинетига кири-
тиб қўяди. Сафардан қайтгач, Халилов газеталар ора-
сидан котиба Арслоновага келган хат ва телеграммани
топиб бергач, маълум бўладики, Арслонованинг онаси
Андижонда бир ҳафта касал ётиб, вафот этган...

Турғунов Турсун — филиалнинг бўлим мудири. У тех-
ник котиба ўрида ҳам ишлайди, бўлимида беш штатли
ўрин бўш бўлишига қарамай режалари бажарилади.
Йўлдош Замонов деган ўргонини ишга таклиф қиласди.
У бу одам гапига ишониб, ишлаб турган жойидан ари-
за берип бўшаб келади. Бироқ бошлиқ ўринбосари Ха-
лилов, «Олдин мен билан келишиш керак эди», деб Йўл-
доши ишга олмай овора қиласди. Бебурд Турғунов ўз
ваъдаси устидан чиқиш учун деярли ҳеч иш қилмайди.
Ёш мутахассис Парпиев ишга қабул қилинади. Унга
Халилов «ўз малакаигизни оширинг, бунинг учун кутуб-

нада китоб ўқишига мажбур.

Арслонова тилидан бол томади, у Халиловни мақ-
ташдан чарчамайди. Корхонада мана шундай сансалор-
лик вазияти ҳукмронлик қиласди. Комедиянавис киноя,
инчинг, кесатишларни тўкиб солиб, тўрачилик юзидан
ниқбни олиб ташлайди.

Комедияга хос сир сақлаш қоидасига ҳам яхши
риоя қилинади: Замонов, ўз корхонасидан ишдан бўшаб
бу корхонага ишга кирмоқчи бўлган одам — ҳалқ назо-
ратининг жамоатчи вакили бўлиб чиқади. Унга Парпиев
ёрдам беради. Йўлдош Замонов шу корхона филиали-
нинг бўлим мудирлари Қобилов, Сатторова ва Үтбоса-
ровлар ёзган шикоятни текшириш учун келган экан.
Мана шу ҳалол меҳнат кишилари тўралашиб кетган бош-
ликларни фош қилишади.

А. Иброҳимовнинг «Тўй олдидан намойиш ёки соч-
ки» деган икки пардали ҳажвий комедияси (*А. Ибро-
ҳимов*. Тусмол. Пъесалар, 163—231-бетлар) ҳам долзарб
мавзуга бағишиланган.

Маҳалланинг обрўли кишиларидан Зиёкори ва унинг
хотини Хатира ўғилларини уйлантирмоқчи бўлишади.
Бу тўйда юздан ортиқ киши хизмат қиласди. Радио кар-
найлар орқали кишилар катта майдонга таклиф қили-
нади: ошиаз, мантапаз, кабобпаз, қассоб, дорбозлар
келиб ўрин олишади. Афишалар ёзилиб, тўйбошиноми
ва маисаби эълон қилинади. Ҳатто афиша устидан соч-
ки сочилади. Хатира «Тўйни мен қилияпман», деб мақ-
танса, Зиёкори «Мен тўйчи», деб чиранади. Хотин ўз
эридан гапини ўтказмоқчи бўлиб, даста-даста сарпо-
ларни кўтариб келин уйита олиб боради, келиннинг
опаси эса у нарсаларни менсимай, қайтариб юборади.
Қувонч ва аянч аралашиб кетади. Тўйни ўтказиш учун
президиум ва комиссиялар сайланади — дабдаба устига
дабдаба. Шунча гап, ҳали саҳнада келин ва куёв кў-
ринмайди, улар ўша кеча театр томошасига боришган.
Комедиянависнинг бу кинояси тушуниарли: айрим тўй-
лар ёшлар учун эмас, ота-оналарнинг ўзларини кўрса-
тишлари учун қилинади.

«Сочки» комедиясининг заиф томони — қатнашувчи
шахсларнинг кўплиги, марказий образлар — Зиёкори ва
унинг хотини Хатира характерларининг етарли дара-
жада ёрқин очилмаганлигига. Бутун асар чархпалакни
эслатади. Чархпалакни томоша қилиб турган киши кўз

эсда қолмайди.

Атоқли шоир ва драматург Шукруллонинг икки шарда, түрт кўришили комедияси «Ўғрини қароқчи урди» да (1983) ҳам эсда қоладиган кулгили характерлар бор (*Шукрулло*. Сайланма. Уч жилдлик. Учинчи жилд, Т., 1984, 262—326-бетлар).

Зуфнуний — ишлаш жойи ва касб-кори нотайин шахс. Бироқ у ҳаммага «яхшилик» қилмоқчи. Уни муаллиф киноя билан «Мушкулкушод» дейди. Ҳа, бундай одамларни «Хожатбарор» ҳам дейишади: бирор боласини боғчага қўймоқчи, яна бирор ўз қизини институтга киритиб қўйиш йўлини тополмай овора, бошқа бирор устидан газетага тақидий материал тушган, қандай қилиб уни бостирмаслик йўлини билмайди. Бундай одамлар Зуфнунига мурожаат қилишади. Зуфнуний тезда телефон орқали алоқага киришиб, буларнинг мушкулини осон қилиш йўлини излайди. Мана, унинг ўз дўсти шоир Нурбекни хотини, маданий оқартув бўлимидан ишлайдиган Масъуда билан сұхбати:

Зуфнуний. Тушунарли. Қизингизни иши нима эди?

Масъуда. Қизим кандидат бўлганига уч йил бўлди-ю, ҳали ҳам катта ўқитувчи бўлолмайди. Оддий лаборант-а! Ахир!

Зуфнуний. Йўқ, бу бўлмайди. Инсофданмас! Ректори Афзаловми?

Масъуда. Ҳа, ўша!

Зуфнуний. Проректори ким?

Масъуда. Сайд Мансуров.

Зуфнуний. Сайд Мансуров... (Ендафтари варактада бошлайди.) Профессор Сайдмансуров Сайдносир, Қовуячидан туғилган, хотини ургутлик, бу иккинчи хотини, қайнонаси кинначи, куёви магазинда ишлайди, отадиган қайнисинглиси шўхроқ. Укаси Сайдмансуров Абдухалил 106-мактабда ўқитувчи. Оёги оқсоқ. Уйланмоқчи, артистлар керак. Уйи б «Б» да...

Масъуда. Ҳаммаси тўғри. Худди ўzlари. (Икковлари кулади.)

Зуфнуний. Албатта ўзи бўлади-да! Ҳой, одамларни яхши билмасангиз ишингиз битмайди. Омадларинг келган. Ҳозир боқаси ҳам, ассистентлiği ҳам ҳал бўлади.

Масъуда. Минг раҳмат.

Зуфнуний (сайднинг курадиган телефонидан министрикагача) — дафтарда гўрковнинг телефонидан министрикагача — ҳаммаси бор! (Ўзича ўқийди.) Савдо ташкилотлари, ҳаммом, хўш... Абдусалом ювғучи, суд, прокуратура идоралари, бозорком, маориф ташкилотлари, Абдуфаттоҳ... (Маъсудага.) Бўлди, мана, ҳозир, қизингизни иши битди (телефон қила бошлайди).

Зуфнуний якка эмас. Унга бир вақтлар заргар бўлиб ишлаган, энди тиш доктори Арслон қори, база бошлиги Эгам кўмаклашадилар. Булар ҳам чап бериб яшашга ўрганган шахслар. Буларнинг ишга соладиган қуроллари амалдорларга хушомадгўйлик, пора бериш, зиёфат. Машғулотлари — бир-бирлари орқасидан тийбат, ҳасад, заҳарҳанда...

Арслон қори енгил машинаси билан бирорни урган экан, энди Зуфнуний ёрдамида жиной иши бостибости қилмоқчи бўлади.

Комедия муаллифи буларга тўғриликни яхши кўрадиган шоир Нурбекни қарама-қарши қўяди. Бироқ сюжетдаги воқеа ривожида комедиябоп ҳаракат етишмайди: саҳнада гаплар, диалоглар эштилади, ҳаракатлар эса, саҳна орқасида — эштиш кўп-у, кўриш оз. Бирон пьесада персонажлар бу пьесадагидек телефондан кўп фойдаланмайдилар. Тугунини ечишда ёзувчидан бадиий тўқима ёки фантазия етишмайди. Ниҳоят, Зуфнуний ўз уйига зиёфатга одамларни чақириб, ўзи дўст-отайниларини фош қилиб ташламоқчи бўлади. Бу эса унинг характерига тўғри келмайди. Бошда камга, хаёли паришон шоир Нурбек кутилмаганда фош қилувчи оташин нутқлар сўзлайдики, бу ҳам характер мантиқи ривожига учалик ёпишмайди.

ЮМОРИСТИК КОМЕДИЯЛАР

Тадқиқотимизнинг кириш қисмida сатира ва юмор орасидаги алоқа, муштараклик ва тафовут, ўзига хослик ҳақида фикр юритган эдик, шунинг учун уларни такрорлаб ўтирумаймиз.

Ўзбек комедиянавислигига Ўйгуннинг «Қалтис ҳазил» комедиясини юмористик жанрнинг биринчи мисоли сифатида кўрсатиш мумкин. У 1944 йилда ёзилиб, ўша йили саҳналаштирилган эди. Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри саҳнага қўйган спек-

Ҳамид Гулом учи мисси бахолади ҳамда «Қалтис ҳазил» комедияси ўзбек драматуригисида совет тематикасида ёзилган оригинал комедия мавжуд бўлмаган бир вақтда яратилди,— деб жуда тўрги қайд қилиди (Ҳамид Гулом. «Қалтис ҳазил». «Қизил Ўзбекистон», 1944 йил, 27 август).

Ўйғун пъесаси 1955 йилда қайтадан ишлади. Биз таҳлил учун шу сўнгти вариантини олдик (Ўйғун. Асарлар. Олти томлик. 4-том, Т., Рафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977, 161—236-бетлар).

Воқеа 1939 йил баҳорида бошланиб, кузида тугайди. Бутун сюжет ва унинг конфликтини ҳазил асосига қурилган.

Маълумки, жаҳондаги кўпгина ҳалқлар қатори ўзбек ҳалқи ҳаётида ҳам ҳазил, асқия, кесатиш, бағри кенглик, меҳнатда ва турмушда кулги билан димогни чоғ қилиб, вақтни ўтказиш катта ўрин тутади. Ҳазил заминида ажойиб-гаройиб латифалар, эртаклар тўқилгани, Алишер Навоийдан бошлаб Саид Аҳмадгача ҳажвга катта ўрин бериб келганлари бежиз эмас.

Ўзбекистон ҳалқ шоири Ўйғун ўзбекларга хос, хусусан Фарғона водийси ва Тошкент вилоятида кўпроқ учрайдиган ҳазилкашлик заминида комедия ёзиб, содда, кўнгли пок, меҳнатсевар, моҳир паҳтакор тимсолларини яратган.

Комик конфликт содда ва тўғри кишилардаги қарама-қарши хислатлар заминида тутплади: бир вақтлар плгор паҳтакор бўлган, кексайиб қоровулликка ўтган Ҳамбар ота ўз хотини Ойнисанинг ойнакка қараб ясантусан қилишини ёқтирамайди. Унинг қайниси бригадир Ҳамдам поччасининг шу «заиф томони»дан фойдаланиб, ҳазил қиласди. Кулги, кўнгилхушлик бўлсин, деб опаси Ойнисага 8 Март — байрам куни пардоз қилиб, колхоз клубига чиқиши, зено бошлиғи Турди «посон»га эса Ойнисага ширин сўзлар айтишини ўргатади.

Ҳамдам образининг комедия композициясидаги ўрни ҳақида гап борар экан, Ҳамид Гуломнинг юқорида эслатилган тақризидаги бир фикрни келтирамиз: «Бу ерда Ҳамдам классик комедиялардаги ҳайбарақаллачи ролини бажаради. Кулгининг бош сабабчиси ҳам шу Ҳамдам бўлади. Гоголининг «Ўйланиш» асаридаги куёвнинг ўртоғи Кочкарёвнинг комедиядаги вазифаси Ҳамдамининг ҳам зинмасига тушади. Кочкарёв дўсти Подколесинни ўйлантираман, деб бир қатор кулгили саҳналарининг ву-

жудга келишига сабаб бўлганидек, Ҳамдам ҳам Ойниса холани Қамбар ота билан яратираман деб бутун бир комедия фабуласининг вужудга келишига сабаб бўлади... Ҳамдаминиг устамонлиги орқасида ҳар тўртала қаҳрамон — Қамбар ота, Мамадали, Ойниса хола, Бўстон-хонларнинг рашик, комедияси тугайди».

Бу чоғиширма ҳақиқатга тўғри келади. Ўйнунинг бу мисолда рус классик комедиянавислигидан ижодий фойдаланганигини кўрамиз.

Қамбар ота, мен ҳали уччалик қари эмас, деб колхоз раисидан ўзига ер ва одам беришини, мустақил паҳта звеноси тузиб, гектаридан 100 центнердан паҳта бермоқчи эканлигини билдиради.

Бу комедияда конфликтни кучайтирадиган яна икки омил бор: бири — бригадир Ҳамдаминиг ҳазилни чуқурлаштириб, ёш колхозчи Мадалининг севгилиси — 18 ёшар Бўстонни 65 яшар Қамбарга тегмоқчи деган миш-мишини тарқатиши; иккинчиси — колхоз идорасининг қоровули Мамарасулнинг сергаплик қилиб кулгили диалогларни кўпайтириши. Бунда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўйғун Мамарасул қиёфасида эсда қоладиган ажойиб юмористик характер яратган: у Қамбар отани ўзининг шогирди деб ҳисоблади (Қамбар кексайиб қоровуллик қила бошлаган эди, Мамарасул ўзини устоз қоровул ҳисоблади). Мамарасул доим Қамбар ота тарафини олиб гўнг тошида ҳам, бошқа ишларда ҳам унга кўмаклашади, баъзан лақмалигидан ўртогининг сирини айтиб қўйиб, оғир аҳволгаям солади. Мамарасул «Минг бир кечадаги «камтап сартарош» образини эслатади. Сартарош соч-соқолини тарошлашга келган ҳар бир кишига кўп гапириб, миясими қоқиб қўлига беради. Мамарасул ҳам кимни кўрса: «Қадим замонларда, Воскресенский бозорда қоровуллик қилардим. Ўша вақтларда...» деб ҳикояни бошлади, бироқ одамлар унинг саргузаштарини тингламайдилар, ҳамма қаёққадир шопилади. Мамарасул пъеса охиригача саргузаштини бирон кишига тўла айтиб беролмайди. Ўйғун Мамарасул орқали сергап, содда, бегараз ҳазилкаш, қувноқ кекса колхозчи типини яратган. Унинг тили индивидуаллашган. У бир неча йил шаҳарда яшаган, унинг нутқида жоили тилга хос русча сўзлар учраб турди:

Мамарасул. Шакар оғзингизда. Сабр қилинг. Турди посон-ку звеновой, бойвуччангиз бўлса унинг звеносида ишлайди. Шундайми?

Қамбар. Ҳа, шундай. Нима бўпти?

Мамарасул. Ҳа, бале. Раз шундай экан, тоҳ далада, тоҳ хилватда, эртадан кечгача, лаббай?

Қамбар. Ҳа, ахир бир звенода ишлагандан кейин бирга бўлади-да. Бунинг нима айби бор?

Мамарасул. Ана саркор, соддалигингиш шу-да! Сиз улар бир-бирлари билан гаплашган вақтида движенияси ни кўрганимисиз?

Қамбар (қўрқиб). Движения деганингиш нима деганингиш?

Мамарасул. Ҳаракати!

Қамбар ва Мамарасул қанчалик тўғри, меҳнаткаш одамлар бўлмасинлар, уларнинг оигида хотин-қизларга ишонмаслик, ҳар бир ҳаракатига шубҳаланиб қараш, ўринсиз рашк ва қўпол муомала борлигини ҳаққоний кўрсатиб, муаллиф улар устидан кулади. Комедия саҳнага қўйилгандан қарийб ярим аср ўтди. Энди бу кун ба-ландлигидан «Қалтис ҳазил»га қаралса, муаллиф кўзда тутмаган даврнинг бир нуқсони яққол кўзга ташланади: пораҳурлик, давлатни алдаш, режаларни «қўшиб ёзишлар» билан тўлдириш каби нуқсонлар 60—70-йилларнинг иллати бўлиб қолмай, унинг илдизи ўша 30—40-йилларга бориб тақалишига ишонч ҳосил қиласиз. Комедияда қарилик нафақасига чиққап чол хотинига ўчакишиб яна звоно бошлиги бўлади ва 100 центердан пахта бераман, деб ваъда қиласи. Техника ва агрономиядан дарақ йўқ, ерни зўрга гўнг билан таъмин этади. Шунга қарамай, гектаридан 105 центнердан пахта топшириб, рўзномаларда мақталади...

Маълум бўладики, ҳеч қачон бир гектардан 100 центнер берилмаган экан, ўша вақтларда қўшиб ёзишнинг ўзига хос йўли бор экан: звено колхоз ҳисобидаги 5 гектарга чигит экдим деб, ҳужжатларни расмийлаштиради, аслида 8—9 гектарга экади. Бу кўзбўямачиликдан колхоз раиси, ҳатто туман ва вилоят раҳбарлари хабардор бўлсаларда, ўзларини билмасликка оладилар. Ҳосил йигитириб олингач, 80—100 центнердан пахта берганлар орденлар билан тақдирланадилар. Мана шу ёлғон, кўзбўямачилик, шуҳратпастлик социализм иқтисодини боши берк кўчага киритиб, охир-оқибатда тузумни инқи-розга олиб келди. Ёзувчи ўша давр руҳига мос асар ёзиб, бу жиддий нуқсонни фош қилмаган (бундай қилишни мақсад ҳам қилиб қўймаган, у ҳам бошқа ёзувчилардек

юзентиерчиликка ишонар эди, булмаса, комедия юло-ристик эмас, сатирик бўлиб чиқар эди ва эҳтимолки, 1944 йилда саҳнага ҳам қўйилмас эди).

Бадиийлик ва драматургия талабларига кўра «Қалтис ҳазил»да яна бир композицион нуқсон бор: ҳийла-вайрангга гўнг масаласини қўшмай, қишлоқ ҳаётидаги бошқа бирон воқеани киритганида яхши бўлар эди. Қамбар ота звеноси аъзолари бир жойдан эмас, уч жойдан гўнг топиб ерларига ташибидилар. Парси, Қосим каби чойхона чойхўрлари, муҳбир ва фотографларнинг сюжетга арапаштирилиши бош конфликт («қалтис ҳазил»)га бевосита алоқаси бўлмаганилиги учун зерикарли бўлиб чиқкан. Эпик асарга хос бўлгаи ривоятчилик драматик-комик асарнинг нуқсонига айланган. Бу факт ўзбек комедия-иавислигининг кам тажрибалигидан келиб чиқсан. «Қалтис ҳазил» Уйгуннинг «Алишер Навоий»дан кейинги иккичи, замонавий мавзудаги биринчи саҳна асари бўлиб, ўзбек комедияиавислиги машаққатли йўлни босиб ўтганлигини кўрсатувчи далиллардан биридир.

«Қалтис ҳазил» юмористик комедиясига баҳо беришда адабиётшунослар иккни йўла бирёқламаликка йўл қўшиди. Биринчи марта асар илик марта саҳнага қўйилгандан унда бадиий маҳоратнинг етишмаслиги, гўнг устидаги талаш уруш даври (асар ўша йиллари саҳнага қўйилди) учун типик ҳодиса эмаслиги туфайли танқид қилинган эди. Иккничи марта танқидчи Турсун Собиров асар саҳнадан тушиб, қарип унтуилгав шайтда уни «Майсаранинг иши», «Шоҳи сўзана»... «даражасида ёзилган гоявий-бадиий жиҳатдан пухта комедиялар» (Турсун Собиров. Давр ва драма. Т., 1975, 123-бет) қаторига қўшиб талқин қилдики, ҳар иккала бирёқламалик ҳам асарнинг ҳақиқий қимматига тўғри келмайди.

Шу жумладан 1947—49 йилларда Андижон ёшларининг ташаббуси билан қўриқ ва бўз ерларни обод қилиш ишлари қизиб кетди. Уларни қўллаган жумҳурият ёшлари Мирзачўл ерларига келиб, янги ерлар оча бошладилар. Бунда халқимизнинг булёдкорлиги ўз кучини кўрсатди. Абдулла Қаҳҳор 1949 йилда «Яиги ер» деган комедия ёзди. Бироқ комедия устидаги ҳали ишлаш керак эди. Ниҳоят, 1951 йилда комедия Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри саҳнасига қўйилди ва 1952 йилда Давлат мукофотига сазовор бўлди. 50-йилларда бу пъеса собиқ Иттифоқнинг 74 театр саҳнасига қўйилиб, катта шуҳрат қозонди. Айниқса, 1951 йилда Моск-

вада булиб утган ўзбек адабиети ва санъати ўн кунигида асар юксак баҳоланди. Жумладан, драматург Николай Погодин комедияга катта баҳо берди (*Н. Погодин. Талантливая комедия «Литературная газета», 20 ноября 1951 г. № 137*). Пьеса 1950 йилда ойномада («Шарқ юлдизи», 1950, 5-сон). 1951 йилда тўпламда («Ўзбекистон драматургияси». Тўплам, Ўздавнашр, 1951, 207—231-бетлар) ва 1952 йилда китоб шаклида босилиб чиқди.

Бу юмористик комедия томошабинлар ва театрлар комедия жанрига чашқоқ бўлган бир даврда майдонга келди. Муаллиф ва у билан бирга томошабинлар нималарнинг ва кимларнинг устидан куладилар?

Асар қаҳрамонлари Ҳамробуви, Холиса, Мавлон ака ва бошқалар кулги ёрдамида ўзларидаги қолоқ хусусиятлар билан хайрлашадилар.

Деҳқонбой ва Ҳафиза Ватанин янада обод қилиш, унинг кучига куч, бойлигига бойлик қўшиш орзусида яшайдилар. Пьесада ташаббускор ёшларнинг орзуси Деҳқонбой билан Одилов диалогида шундай берилган:

Одилов... Хўш, ўзингиз-чи, ўзингиз нима иш қилар эдингиз?

Деҳқонбой. Паҳтакорман... Кейинги вақтда бригадир эдим.

Одилов. Бу ерда пима иш қилмоқчисиз?

Деҳқонбой. Катта ишлар билан келганимиз...

Одилов. Эшитсанк мумкинми?

Деҳқонбой. Мумкин. Урушдан қайтишда Тошкентга тушдим. Қизил майдонни кўрдим. Навоий театрини кўрдим... Эски Жўвага бордик. Бир томони бօғ, бир томон стадион, театр, кино... Ҳайрон бўлдим: бунинг нимаси Эски Жўва? Нима учун Эски Жўва?..

Одилов. Эскидан қолган от.

Деҳқонбой (шавқ билан). Бир вақти келиб Мирзачўл ҳам шунақа эскидан қолган от бўлиб қолса. Келган одам «Бунинг нимаси Мирзачўл? Нима учун Мирзачўл, деса!.. Менинг орзум, бизнинг ораумиз мана шу.

Муаллифининг ютуқларидан энг муҳими воқеликни ҳаққоний, қарама-ҳаршиликлари билан ривожланишда кўрсата олганликдадир. Деҳқонбой ва Ҳафизаларнинг орзулари осонликча амалга ошмайди. Уларга табиатнинг стихияли кучларига қарши курашмоқ билан бир қаторда ўз атрофидаги айrim қолоқ одамларнинг олга томон боришимизга тўсқинлик қилаётган хатти-ҳаракатларига ҳам

аралашурасинида тутти келади. Номедийдаги хушчақчак, қийинчиликлардан қўрқмайдиган меҳнатсевар, одобли ёшлар образлари — Деҳқонбой, Ҳафиза, Қўзиев ва Салтаватлар ҳаётий образлардир. Муаллиф бу образларни индивидуаллаштиришга итилган: Деҳқонбайдаги қатъийлик, чидамлилик, самимийлик ва камтарлик; Қўзиевга ўз касбига муҳаббат, хушчақчаклик, ҳозиржавоблик хос.

Асарда ёши, тушунчалини ва характеристи хилма-хил бўлган кишилар гавдаланади.

Холиса ва Ҳамробуви шуидай аёллар тимсолидандир. Деҳқонбайнинг онаси Холиса ва Ҳафизазнинг онаси Ҳамробуви соғдил, вижданли кишилар вакилларидир. Булар — ажойиб ёшларни тарбиялаб вояга етказаган. Бирорқ улар (айниқса Ҳамробуви) ҳаётда туғилиб келаётган япгизикларнинг моҳиятини тез тушунолмайди (ҳар бир ходисага дастлаб шахсий мағфаат кўзи билан қараш, янтиликдан шубҳаланиш каби). Бу эса улар билан ёшлар орасида бирмунчча англашилмовчиликларнинг келиб чишишита сабаб бўлади. Деҳқонбой ва Ҳафизазнинг Мирзачўлга бориш ҳақидаги қарорларини эшитган оналар, бопда бу ҳаракатнинг катта-ижтимолий ватанпарварлик моҳиятини тушуниб етмайдилар, ўзлари умр бўйи бир қишлоқда ишаганилари учун бу ҳаракат уларга одатдан ташқари, фавқулодда бўлиб кўринади. Куёвга берилмаган бир қизнинг бир йигит билан чўлга қандай бориши мумкин, деган фикр Ҳамробувининг жиги-бийронини чиқаради ва қирқ йиллик дўстлар айтишиб оладилар (худди шу интрига томошабинда юмористик кулги тудиради):

Холиса. Вой, вой, куда...

Ҳамробуви. Куда деманг!

Холиса. Вой, қўши, бу гапни мен айтсан бўлади. Қизингиз менинг ўғлимни йўлдан урган. Керакмас қизингиз! Дарахтни силкитсанг қиз ёғилади.

Омон. Ая, гапни ўйлаб гапирсангиз-чи!

Холиса. Мен ҳали ҳеч нарса деганим йўқ. Сен арадашма! Бор. (Омонни ҳайдайди.) Болагинам шунчалик урушда юриб ўз қишлоғини, уйини согишиб келган, нучук эканки, согиниб келган колхозини ташлаб Мирзачўлга кетар экан! Мирзачўлда сизнинг укангиз бор. Қизингиз тогасицинг олдига борар экан, ўзи бораверсин, менинг ўғлимни нега йўлдан уради!

Ҳамробуви. И-и, вой, куда...

Холиса. Куда деманг!

Ҳамробуви. Бой, овсии, ҳеч жаҳонда қиз ҳам ҳам йигитни йўлдан урадими?

Омон. Ая! Хола! Қўйсаларинг-чи!

Холниса. Нега йўлдан урмас экав! Йигит билган гапни қиз ҳам билади. Ҳозирги қизлар соқоли кўкрагига тушган эркакларни мусобақага чақиради, трактор мина-ди! Ҳа! Женотдел замони ўтиб кетган. Ҳозирги қизларнинг ҳар бири бир женотдел! Ҳафизанинг ўзи ўнта женотдел!

Ҳамробуви (бақириб). Отини оғзингизга олманг!..

Омон. Хола! Ая! Бақирмасаларинг-чи!

Ҳамробуви. Мен ҳали бақирганим йўқ... Мен қизимни кўёвга бераман, орзу-ҳавас кўраман деган ииятдаман, паҳотки Деҳқонбойнинг бўйнига қўнгироқдай осиб қўяману, Деҳқонбой қаёққа борса бўйнида жиринглаб кетаверади деган бўлсан!.. (11—12).

Комедиянинг марказий образларидан бири Мавлон акадир. У, пъесадаги бошқа қатиашувчиларнинг айтишларига кўра, ишчан, меҳнатсевар, тажрибали, ўзи тенги кўпгина бригадирларнинг олдинги сафида борган. У ҳаммадан буруи Мирзачўлга келгандардан бири. Бироқ унинг онгидаги иуқсонлар — шуҳратиаастлик, худбинлик, манманлик — ижтимоий ишга садбий таъсир этмай қолмайди. Мавлоң ака ташаббускор, ишчан ёшларни гўл, нодон, «жўжахўр», ўзини эса ҳамма ишнинг кўзини биладиган санайди, ўзини кўпчиликка қарама-қарши қўяди. Одилов билан Мавлон аканинг диалогида унинг бу сифатлари яққол акс этган:

Одилов. Ёшлар билан аҳил бўлинг, Мавлон ака. Булар Мирзачўлга зўр ииятлар билан келишган. Файратини кўрдингизми?

Мавлон. Деҳқонбойнинг гайрати жойида... Лекин, ўртоқ Одилов, той иргишлайди-ю, аравани... (кўкрагига уриб) от тортади!

Одилов. Ёлғиз отнинг чанти чиқса ҳам, донғи чиқмайди.

Мавлон (дўнгиллаб). Мирзачўлга кеча келган жўжахўроларнинг донғи чиқади.

Одилов (кулиб). Деҳқонбой жўжахўр, сиз хўрэмисиз?

Мавлон (Одиловга тик қараб). Мирзачўлнинг хўрэмим десам ҳаддим сиғади! 35 центнер пахтани ким берди? Мен бердим! Мавлон акангиз берди!

Афуски, пъесанинг I-пардасида бирмунча фаол кў-

риягай Ҳафиза кеиниги пардаларда булашиб қолади. Драматург унга тегишли иш ва сўз топиб беролмаган.

Абдулла Қаҳҳор комедиясининг энг катта муваффақиятларидан бири тишининг пишиқ қилиб ишланганидадир.

«Янги ер» комедияси персонажларининг нутқи индивидуаллашган, комедиянавис ҳар қайси шахснинг ёши, характеристи, савиасига яраша нутқ бера олган. Буни пъесадан келтирилган юқоридаги мисолларда ҳам кўриш мумкин. Икки кампирнинг бир-бирига меҳрибонлиги, ходисаларга қарашлари, маифаатлари тўқнашганда бир-бирини ҳали тўйдан олдиноқ «куда» деб юришлари, жаҳл ва жанижал пайтларда «қўшни» деб аташлари, бир-биридан бўш келмай ўткир гаплар топиб сўзлашлари ёрқин мисол бўла олади. Хусусан, Ҳамробуви нутқида унинг қатори кампирлар учун характеристи киноя — истеҳзоли гаплар кўп учрайди.

Асарда колхоз раиси Раҳимжонга муаллиф етарли даражада иш-ҳаракат тениб беролган бўлмаса-да, унинг характеристини нутқи орқали очишга эришган. Раҳимжон — юмористик образ; илқов, қолоқ колхозчилар, одатда, бундай раисларни «беозор» десалар, илгор, ишчан колхозчилар эса «сталабчан эмас» дейдилар. Комедияда мана шундай ране гавдаланади. Унинг тили учун: «Жонинг роҳат қиласи», «Машинанинг оёғи тойиб кетди», «Сомонхонага ўт тушди» каби мажозий гаплар хосdir.

А. Қаҳҳор ўз насрин ва драматик асарларига ном қўшида мажозлардан (кўчимлардан, кўчма маъно аглатувчи кўйма сўз ё иборалардан) кенг фойдаланади: «Бошис одам», «Майиз емаган хотин», «Қанотсиз чит-так», «Кўр кўзининг очишиши», «Минг бир жон», «Нурли чўққилар», «Сароб», «Шоҳи сўзана», «Оғриқ тишлар», «Синчалак» бунга мисол бўла олади. Таҳлил қиливачётган «Янги ер» комедиясининг иккинчи поми «Шоҳи сўзана» ҳам ўзига хос мажозадир.

Адабий танқид, театршунослик ва адабиётшунослик бу комедияга писбатан кўп эътибор берди. Танқидчиларнинг барчаси ҳам бу асар ўзбек комедиянавислигининг катта ютуғи экавлигини эътироф қилишиди. Бу кун у тадқиқотларда анча иуқсонлар борлиги кўзга ташланиши табиний. У тадқиқотларда кўпгина объектив, эскирмаган фикрлар ҳам йўқ эмас. Шу билан бирга уларга 90-йиллар меъёри билан қарасак, жиддий камчилклари борлитини кўрамиз. Масалан, у тадқиқотларда иложи борича бадиий



Халқ артисти Наби Раҳимов «Шаҳи сўзанасда, Қўзиев ролида

асарни партияийлик, коммунистик идеал нуқтаси назаридан талқин қилишга итилиш бор (бундай нуқсон мазкур сатрлар муаллифнинг 1954 йилда босилган мақоласида ҳам бор); цитата бозлик, партия раҳбарларининг маъруза ва пурқларида иқтибослар келтириш, мустақил ва оригинал фикрининг камлиги (бундай нуқсонлар) Ҳ. Абдулсаматов (Ҳ. Абдулсаматов. Улуг Ватан урушидан кейинги ўзбек совет драматургиясида конфликт масаласига доир. Т., 1954, 27—48-бетлар), Н. Раҳимов (Н. Раҳимов. Ўзбек совет сатираси тарихидан. Т., 1974, 5—24-бетлар) ва бошқа муаллифларининг ишларида ҳам кўзга ташланади.

Абдулла Қаҳҳор таваллаудининг 80 йиллиги (1987) муносабати билан ёзган асарларида Озод Шарафиддинов (О. Шарафиддинов. Абдулла Қаҳҳор. Т., 1988, 181—192-бетлар) ва М. Қўшжонов (М. Қўшжонов. Абдулла Қаҳҳор маҳорати. Т., 1988, 181—192-бетлар) «Шоҳи сўзана»га бирмунча холисавилло баҳо беришиди.

«Шоҳи сўзана»нинг ёзилиш тарихи ҳақидаги ўз эслаликларини А. Қаҳҳорнинг умр йўлдоши Кибриё Қаҳҳорова ҳам ўз китобида батафсил ҳикоя қилган (К. Қаҳҳорова. Чорак аср ҳамнафас. Т., 1987).

«Аяжонларим» (1967) юмористик комедиясида тиббиёт институтини битириб кишилоққа ишга бораётган Караймажон ва Умидалар орқали замонининг илор ёшлари тиپиклаштирилган. Улар бир-бирини севишади. ЗАГСдан ҳам ўтиб олишган. Бироқ Каримжон аяси Бўстонбувига бу ҳақда ёзмаган. Онасининг ўжарлиги, ўз раъйи билан қишилоқдаги қўшини киз Хайрига ўғлини уйлантироқчи экавлигиги билади. Комедия мана шу севги амри билан турмуш қурмоқчи бўлган ёшлар билан ўз раъйига қараб ўғил уйлантириш фикрида юрган кексалар ўртасидаги конфликт асосига курилган. Кўринадики, асар давр талаби билан юзага келган.

Комедиянавис жаҳон адабиётининг энг буюк сиймолари амал қилган «создаликда гўзаллик» принципига бивоан қалам тебратади.

Пьесада ҳам, спектаклда ҳам энг муваффакиятли чиққан образ — Бўстонбуви. У — Каримжонининг онаси, марказий қаҳрамон, ўз сўзли ўқтам некса аёллардан. Ўғлини ўзига ёқсан, сочи узуни қўшини қизга уйлантироқчи: 4 ўсоғ гуручдан палов дамлаб, донгдор артистларни чақирмоқчи. Бироқ кутилмагандан ўғлининг шаҳардан бир қизни етаклаб келиши унинг жиги-бийронини чиқаради. Сав-

лат түкиб юришга, бошқаларга буйруқ бернишга, сал гапга шовқин күтаришга одатланган Бўстонбувишининг сўз ва ҳаракатлари самимий қулги уйғотади.

Бўстонбувишининг эри урушда мардларча ҳалок бўлган. Шунинг учун ҳам унинг хотирасини эъзозлайди. Ўзи уруш йиллари ва ундан кейинги даврда колхозда ҳалол ишлаган, оз-моз саводи ҳам бор.

Комедиядаги аяжонлардан яна бирни Тўтинисо ўқиёлмай қолган онахонлардан. У қўшини Бўстонбувишининг гапларига кириб баъзан тажсанглик қиласди. Аммо юмшоқ табиатли, меҳнаткаш, покиза аёл. Тўтинисо ўз қизини ақлли, пазанди ва камтар қилиб тарбиялаган, унинг баҳтини истайди. Муаллиф аяжонларга хос диалогларда кексаларимизнинг ички дунёсини зўр маҳорат билан очиб беради:

Бўстон. Бунақа эскича гапларни қўйинг! Ҳозирги замонда қиз билан йигит кўчаларда қўл ушлашиб юради, районга футбол кўргани боради!

Тўтинисо. Шуни айтаман-да, қўл ушлашиб юрган, лоақал хат ёзишган бўлса ҳам майли эди!

Бўстон. Ҳамма айб сизда! Менинг ўғлим-ку индамас, сиз Хайрига айтиб хат ёэдирсангиз бўлмасмиди?

Тўтинисо. Вой, Хайри нега хат ёзар экан, Каримжон ёзиши керак, булбулининг ҳам эркаги сайрайди!

Бўстон. Каримжон сайрадиган булбул эмас, шунинг учун ўзим сайраб юраман-да! Хўп, майли, гузарга ўзим чиқа қолай. Сиз хамир қилинг, патир ёпамиз. Ун ошхонада (чиқади).

Тўтинисо (ўзича.) Бир хисобда Каримжон сайрамайдиган булбул чиққани ҳам яхши, сайрайдиган чиқиб ўша ёқлардан биронтасини етаклаб келса нима бўлар эди? (Чиқади.) (А. Қаҳҳор. Асарлар. Олти томлик. 5-том. Пьесалар. Т., 1968, 245-бет).

Комедияда муҳаббат ва оила масалаларига янгича муносабатда бўлган шифокорлар Каримжон ва Умидга, қишлоқ ҳамшираси Хайри образлари анча дуруст ишланган. Бўстонбувишининг ўжарлиги ёшларни анча қийнаб қўйган бўлса-да, улар ўз тўғри йўлларидан қайтмайдилар, биргалишиб аяжонларни ўз таъсиrlарига оладилар.

Қўлидан папкасини қўймайдиган вазхон (Ашуралиев), тиииб-тиичимас колхоз рапси (Жамол ота) образлари ҳам асар сюжетидаги муҳим роль ўйнайди. Муаллиф уларнинг ўзига хос руҳий кечинмаларини индивидуаллаштиришга анча эътибор берган.

Бу комедияда ҳам А. Қаҳҳорнинг бадиин маҳорати кишини қувонтиради: ҳикматли сўзлар даражасига кўтарилигни иборалар, хушчакчақ қаҳқаҳага сабаб бўладиган қочириқлар, таводлар, киоя ва мажозлар («сочини тарасаем кўли қаваради», «булбулининг ҳам эркаги сайрайди», «сочи тақимига тушади, ўзи сал кам доктор», «бир ҳовлида икки болта бўлса, бирининг ҳузурини қўшини кўради» ва ҳакозолар) пьесага алоҳида зийнат баҳш этган.

Комедия муҳаббат ва оиласа янгича қаровчилар талабаси билан тугалланади.

Ҳамза номли академик театрининг бир туруҳ артистлари (Ўзбекистон ҳалқ артистлари Замира Ҳидоятова, Икрома Болтасева, Саъдихон Табибуллаев ва Қудрат Ҳўжаев) А. Қаҳҳор таваллудининг 60 йиллиги билан табриклаб ёзган хатларида буидай деган эдилар:

«Шоҳи сўзана», «Сўнгги нусхалар», «Оғриқ тишлар», «Аяжонларим» комедиялари ўзбек драматургиясининг етук комедия бойлигидир. Бу асарлар ўзининг замонавийлиги билан қанча қадр топса, тилининг вақадар ширали ва кинояли, майни ва тиғдор бўлиши билан, бадиий-гоявий кучининг ўткирлиги билан янги-янги комик артистларининг ижодий камолотига, ҳалқа тавилишига хизмат қилди» («Ўзбекистон маданияти» ҳафталиги, 1967 йил, 5 сентябр).

Ўзбек драматургияси тараққиётига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаётган ижодкорлардан Рамз Бобожоннинг «Лўлилар» (Зухранинг мактублари) лирик комедияси 1964 йилда журналда босилди («Шарқ юлдузи» ойномаси. 1964, 11-сон). Сарлавҳани кўриб киши қувонади: ахир, ўша йилларда катта ва кичик миллатлар муносабатлари ҳақидаги бадиий асарлар йўқ эди-да... Рамз Бобожон бу муаммони қандай қилиб ҳал қилди экан? деган савол кишини тўлқинлантиради. Ахир асар ёзилган кунларда лўлилар ҳақида турли фикр-мулоҳазалар юрар эди: нега булар ҳалигача эски урф-одатларини ташламайдилар, тўрва кўтариб эшикма-эшик юрадилар, фол очадилар, тиланчилик қиладилар, бир жойда муқим яшамайдилар? Пьеса шу саволларга жавоб берадими? Буви комедиянавис кулгили қилиб қўрсатиш удасидан чиқканми?

Афсуски, муҳим муаммони қаламга олишга журъат қиласдан ёзувчи уни ҳаётӣ, реал тасвирлашга ожизлик қиласди.

Пъеса бошида лўлилар меҳнатдан қочиб, бир ялангликда кўчманчи бўлиб яшайдилар. Колхоз бригадири Мансур уларни ўз колхозига ишга тортмоқчи бўлади, лўлилар билан қарта ўйнаб, чопқир отларини ютиб келади. Улар отларини ўгирилаб қочадилар.. Кейин мътлум бўлдикни, бу лўлилар аллақачон қўшини «Янгийўл» колхозига кириб ишлаб юрган эканлар.. Мансурлар колхози газеталарда мақталгани сабабли лўлилар шу мақтovлар рост ё ёлғонлигини текшириб кўриш учун ўзларини кўчманчи қилиб кўрсатиб юрган эканлар.. Демак, ҳеч қандай миллий муаммо, тенгсизлик... йўқ! Мақтovлар тўғри экан... Шундай қилиб бутун пъеса сунъий сюжет ва конфликт асосига қурилганлиги учун у уйдирма асар бўлиб чиқсан. «Зухранинг мактублари» деб берилган иккичи ном ҳам асарга ёпишмайди. Зухранинг ўзи ҳам, мактублар жанри ҳам уйдирманн оқлади олмайди.

Нега бу асар муваффақиятсиз чиқсан? Гап шундаки, асар ёзилган 60-йилларда миллий муаммоларни ҳал бўлган қилиб кўрсатишдан бошқа очиқ йўл йўқ эди. Энди кўриняптики, лўлилар турмуш тарзи ҳам «ривожланган социализм» даврида ўз ечимини кутаётган муаммолардан бири эди, у бу кун ҳам шундай бўлиб келмоқда. Тўғри, уларнинг бир қисми миллий ассимиляция (кatta миллиатлар таъсирида уларга қўшилиб кетиш, ўз тарихий либосини ташлаб, замона либосига кириш)ни бошидан кечирди. Лўлилар ҳам мактаб-маорифдан фойдаланиб, шифокор, муаллим, бригадир бўлиб, тургунликда яшай бошладилар. Айни замонда уларнинг бир қисми тўрва кўтариб юриш, фол очиш, тиланчилик қилишни эътиқод даражасига кўтариб давом қилдирмоқда... Бу муаммони лўлиларнинг иштирокисиз, диққаторлик йўли билан ҳал қилиб бўлмайди. Ҳаётда ҳал бўлмаган муаммони драматург ҳал қилиб беради деб кутиш... гўлликдан бошқа нарса эмас.

Шоир Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор» (1969) деган уч пардали асари ҳам юмористик комедия жанрига мансуб. У узоқ йиллар Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри саҳнасида кўрсатилди.

Комедияда хасислик, пулпарастлик, худбинлик, юлтичлик каби иллатлардан кулиниди. Заргар Сайдмалик ва унинг хотини мол-душёга муккасидан кетган. Улар ўзларидан бошқани ўйламайдилар, сўзларида ростлик, самимийлик, турмушларида ҳаловат йўқ. Воқеа эски шаҳар чеккасида, пастқам кўчаларнинг бирида бўлиб ўта-

ди. Дўкон қоровули Мўмин ва унинг қўшиси, ямоқчи Абдусалом қуда бўлишмоқчи. Тўй ўтказиши учун, ҳовлини кенгайтириш мақсадида, иккала ҳевли ўртасидаги эски деворни бузадилар. Девор остидан ота-боболари томонидан кўмилиб, унтилиб кетган хумча топилади. Хумчадаги олтиналарни бўлиб олиш устида қўшии чоллар, қирқ йиллик қадрдонлар анчагина тортишадилар. Комедияда шу тортишув катта ўрин тутади. Муаллиф Мўмин ота қиёфасида содда Афаандига ўхшаган, адашиб юрадиган чол характерини яратиб, кулгили вазият яратади.

Очигини айтиш керак, драматург ҳам, театр ҳам комедия сюжетидаги асосий ҳаракат чизигини (топилган олтинили қўзача атрофидаги интригани) замон руҳига мослаштира олмаганлар: пъеса (Э. Воҳидов. Бедорлик. Шеърлар ва драмалар. Т., 1985, 147—193-бетлар) ёзилган 60-йилларнинг охири учун характерли (типик) ҳодиса бўлмаган олтин қўзача устидаги тортишувни уч пардага чўзишда сунъийлик бор. Аммо гап фақат комедия композициясида эмас, олтин устида суюги ҳалол меҳнат билан қотган икки чоннинг узоқ тортишувни Мўминшинг: «Мен жинни эмас!» деб, жиннидаш баттароқ қилиқлар қилиши асарнинг посангисини енгиллаштириб юборган. Уни кулги-фарс жанридаги асарга ўхшатиб кўйган.

Ўз ҳикоялари, қиссалари ва романлари билан шуҳрат қозонган ҳажвчи ёзувчи Сайд Аҳмад «Келинлар қўзголони» (1976) деган ажойиб комедияси билан ўзбек комедиянавислигига янги саҳифа очди. «Келинлар қўзголони» ўзбек комедиянавислигига «Шоҳи сўзана»дан кейин иккичи жаҳонгашта комедия бўлди. Бироқ уни таҳлил қилишдан олдиң бир саволга жавоб берайлик. Сайд Аҳмад илгари ҳам саҳна асари ёзганми?

Ха, ёзган эди. Бироқ у бешиклигига даёқ «ғоявий кураш», «адабиётда партиявийлик, синфийлик, ғоявийлик баҳодирлари» қўли билан бўгиб ташланган эди. Гап Республика ёш томошабинлар театри саҳнасида режиссёр Жавод Обидов томонидан қўйилган «Шерзод ва Гулшод» пъесаси ва спектакли ҳақида боради.

Асар «ғоявий кураш» авжига чиқсан, тўзонли, алғов-долгов кунларга тўғри келди. 1946 йил 26 августда ВКП(б) Марказий Қўмитаси «Драма театрларнинг репертуари ва уларни яхшилаш чоралари» деган қарор қабул қилди. Москва, Ленинград ва барча жумҳурият-

лар пойтахтларида, вилоят марказлари ҳатто шаҳар, районларда шу қарорни ишлаб чиқишига бағишланган йигилишлар бўлиб ўтди. Ҳамма жойда ўша қарорда помлари зикр қилинган йирик театрлар репертуаридаги асарлар билан бирга ўшанга ўхшаш «маҳаллий» асарларни қидириб топиш ва қоралаш компанияси авж олди. Ўзбекистон ва унинг вилоятларида ҳам шундай қилинди. Матбуот саҳифаларида имзосиз (редакцион) ва имзоли мақолалар, обзорлар, йигилишлар ҳисоботлари босилиб чиқди. Қарор чиққасидан бир ой ўтгач, «Ёшленинчи» газетаси саҳифасида (1946 йил, 26 сентябрь сонида) «Қаровсиз театр ва яроқсиз репертуар» сарлавҳали редакцион мақола босилди. Унда Республика ёш томошабиилар театри жамоаси ишларига обзор берилди. Ўнга яқин пьеса — спектаклларга «гоисизлик» тамгаси босилди. Жумладан, «Шерзод ва Гулшод» ҳақида бундай ёзилди:

«Шу 2—3 йил ичидаги театр «Али ва Сурма», «Ананд ва Даржелан», «Шаҳзода Иван ҳақида эртак», «Шерзод ва Гулшод» каби бир қатор эртакларни кўрсатди.

...Хўш, драматургия соҳасига тасодифан кириб қолган, шахсий ошна-огайнингарчилик муносабатлари орқасида бир ҳафтада ёзилиб, сиёҳи қуримай саҳнага чиқарилган «Шерзод ва Гулшод» (Сайд Аҳмад ва Екубов асари) устида тўхтамай бўладими? Асарни синчиклаб қарасангиз унинг ҳозирги авлод учун кераксиг нарса эканини дарров фаҳмлаймиз. Пьесани ўқиган ва уни кўрган томошабин авторларининг совет болаларига ҳурматсизлик билан қараганиларидан ҳақли суратда ранжиди. Ўша вақтда репертуарда ишлаган Шуҳрат Алимов бу асарни давлат ҳисобига қабул қилиб олаберган.

Бир қанча вақтдан бери «тантана» қилиб келаётган ва кўр-кўрова ёзилган «Шерзод ва Гулшод» спектакли ўз олдига ўтмиш хонлиқ замони ва ундан кўрсатишни мақсад қилиб олган. Авторлар бу идеяни талқин қилиш учун фарзанд догои воқеасини асос қилиб кўйганлар.

«Шерзод ва Гулшод» нашр қилинмаган, шунинг учун биз унга объектив баҳо бериш имкониятига эга эмасми. Бироқ шунисига аминмизки, шу пьесагача ва ундан кейин ҳам биронта ҳалқа заарли асар ёзмаган қаламкашнинг у асари ҳам яхши ниятлар билан битилган бўлиши табиий. Гап қайси позицияда туриб талқин қилишда. Коммунистик истибод даврида қанчадан-қанча

санъат ва адаонет асарлари ноҳақ қораланганлиги, ҳалқ маънавияти заарар кўрганлиги эндиги кунда ҳаммага маълумдир. Ортиқча исботнинг ҳожати йўқ. Шуниси борки, ўша ур-и никитлар сабабли Сайд Аҳмад 30 йилдан кейин драматургияга қайтди. (Тўғри, Сайд Аҳмаднинг жажжи ҳажвий ҳикоялари радио «Табассум»и ва телевизион новеллалар театри орқали саҳналаштирилди. Бироқ у асарлар асосан ҳикоя жанрида бўлиб, «Келинлар қўзғолони» эса катта саҳнага мўлжалланган ҳазил-комедиядир).

«Келинлар қўзғолони»ни томошабинлар ва театр танқидчилиги яхши кутиб олишди. Жумҳуриятимизнинг таникли филолог-театршуносларида Баҳодир Гуломов, Муҳсин Қодиров, Ҳафиз Абдусаматов ва бошқалар матбуот саҳифаларида пьеса ва спектаклнинг ҳалқа манзур бўлганлигини алоҳида таъкидладилар.

Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри спектаклига ёзган тақризида Муҳсин Қодиров бундай ёзди:

«Келинлар қўзғолони» спектаклини жамоатчилик кўригидаб ё кўрганман. Менда ўшандайдек ушбу саҳна асари тўғрисида ижобий фикр туттилган ва буни изҳор этган эдим. Бироқ тақриз ёзишига шошилмадим, фикрим субъектив чиқиб қолишидан ҳайиқиб спектаклнинг томошабин синови ва эътиборидан ўтишини кутдим. Томошабин спектаклни фавқулодда зўр қизиқиш, гулдурос қарсак ва қат-қат кулги билан қарши олди. Мана, олти ойдир, бу қизиқиш кўпайса кўпайди-ю, сўнгани эмас. Энди барадла айтсан бўлади: оиласи ҳаётда содир бўладиган айrim воқеаларни кулгили формада ҳаққоний акс эттирувчи, томошабинларни кулдириб туриб, жиддий ахлоқий-этик масалалар устида ўйлашга ундейдиган яхшигина саҳна асари майдонга келган.

Мунаққид Ҳафиз Абдусаматов ўз диалогида 1-танқидчи ва 2-танқидчи тилидан баҳс юритади. 1-танқидчи «Келинлар қўзғолони»га ишонқирамай қарайди, уни камситадиган гаплар айтади. 2-танқидчи (Ҳафиз Абдусаматов) 1-танқидчига эътиroz билдириб, Сайд Аҳмадни ҳимоя қилиб мазкур комедиянинг катта ижодий ютуқ эканлигини таъкидлайди. Бироқ мана шу диалогда 1-ва 2-танқидчининг муҳим бир масала устидаги баҳсларига тўхталишга тўғри келади:

1-танқидчи. «Келинлар қўзғолони» енгил-елпи асар, бирор жиддий, социал проблемани кўтармайди. Акс эттирилган воқеа-ҳодисалари ҳам жўн. Энг катта хатоси

замнига эга эмас... ва ҳоказо.

2-танқидчи... Тўғри, «Келинлар қўзголони»да чукур социал-ижтимоий проблемалар қўйилмайди. Унда асосан ахлоқий-этик масала бир оила ҳаётининг бир томонини кўрсатиш орқали очиб берилади, холос (Х. Абдулсаматов. Сиз нима дайсиз? Диалог. «Ўзбекистон маданияти» ҳафталиги. 1967 й., 16 сентябрь).

Кўринаётирки, 2-танқидчи комедиянис ва театрни ҳимоя қилаётган бўлса-да, мақола бир киши томонидан ёзилганинги кўзда тутиб айтиш мумкинки, битта адабиётшунос-театршунос кўнглида ҳар иккала танқидчи ўрнашиб олган.

«Келинлар қўзголони»да чукур социал-ижтимоий проблемалар қўйилмайди» дейиш тўғри эмас. «Ахлоқий-этик масалалар» социал-ижтимоий муаммо эмасми? Жамият бир яхлит тана бўлса, оиласар унинг ҳужайралари эмасми? Яхлит тананинг соғлом яшаши ва ўсиб ўзгариши шу ҳужайралар соглиги ва яшаш тарзига боғлиқ эмасми? Гап шундаки, ҳар ким кўрпасига қараб оёқ узатади. Сайд Аҳмад юмористик комедия доирасида шу муаммони акс эттириди. Чуқурми, саёзми, бу баҳсли масала.

Оила ва ундаги конфликтлар узоқ асрлардан бери кўнгина файласуфлар ва жамиятшунослар диққат марказида турган. Бухоролик жамиятшунос, тарихчи ва ёзувчи Аҳмад Дониш (1827—1897) ўзининг «Наводир-ул-вақое» («Нодир воқеалар») китобида кўпгина ижтимоий-ахлоқий масалалар билан бир қаторда оиласа қайнона, ўғил ва келин муносабатларини ҳам қўйиб, ўзининг мулоҳазаларини баён қиласди. У, нима учун қайнона ва келинлар ўртасида бир-бирига хусумат чиқади, конфликтларининг илдизи қаерда деган мазмунда фикр юритиб, у муаммонинг ҳам иқтисодий, ҳам психологик илдизларини кўрсатишга уринади. Яқинда бу китобнинг илмий-танқидий матни тоҷик тилида Душанбеда бослиб чиқди. Унда арабий-китобий сўз ва иборалар кўплигидан биз Дониш мулоҳазаларини қисқартириб ва ўзлаштириб баён қиласмиз. Аҳмад Донишнинг фикрича, она нинг даъюси шувга асосланади: мен бир парча гўштни минг машаққат билан тарбиялаб вояга етказдим, кечаларини тонг оттириб, кундузлар ташвишини бўйнимга ортиб, югурдим-елдим, азобини чекдим. Шунинг учун ўғил уйининг инон-иҳтиёри менинг қўлимда бўлиши ке-

рак ва ўтлим ҳам келинни менинг маслаҳатим ва истагимсиз иш қилмасликлари керак.

Келин эса бошқачароқ ўйлади: бу эркакнинг этағини қўлга киритдим ва унинг хизматини бажо келтираман, барча тутшишганларим, қариндошларимдан узоқлашиб факат шуни деб яшайман, шунинг учун барча эшик қулфлари қалити ва оиласинги инон-иҳтиёри менинг қўлимда бўлиши керак. А. Донишнинг фикрича, бундай келин-қайноналар бир ҳовлида яшамасликлари керак. Аҳмад Дониш. Наводир-ул-вақое. I-китоб. Душанбе, 1988, саҳифа 242—243).

Аҳмад Дониш ўз китобини Сайд Аҳмад комедиясидан бир аср иллари ёзган эди. Бу бир асрда кўп парса ўзгарди: ижтимоий тузум, идеал ўзгарди, бу орада хотин-қизлар паранжиларини ташладилар, хотин-қизлардан жамоат ва давлат, фан ва санъат арбоблари етишиб чиқди. Бироқ келин-қайнона муносабатларида психологик ўзгаришлар кам юза берди. Ҳали ҳам ёш оиласарнинг бузилиши ва ажралиб кетишларида қайноналарнинг «хиссалари» оз эмас.

Комедиянис зиммасига мана шу ижтимоий-ахлоқий муаммони битта серфарзанд оила мисолида ичдан чироқ ёқиб кўрсатиш вазифаси тушди. Бу чироқ кулгидир; фош қилувчи, ўлдирувчи кулги эмас, юмористик — қувноқ, ишонтирувчи, юмшоқ, ҳаётбахш ҳазил-мутойиба кулгисидир.

Санъат ва адабиёт асарининг халқчиллигини белгилайдиган бир неча сабаблар (қонуниятлар) бор. Улардан бирини рус танқидчиси Н. Г. Чернишевский кўрсатган эди: бу — ижодкор кўпчиликни қизиқтирадиган масалани кўтариб чиқиши керак, деган қонунидир. Келин ва қайнона конфликтни мана шундай кўпчиликни қизиқтирадиган умуминсоний масала бўлиб, ҳар бир миллатда ўзига хос раигларда жилоланади. «Келинлар қўзголони»нинг ҳам Ўзбекистонда, ҳам ундан ташқарида шуҳрат қозонганилигининг сабабларидан бири шундадир. Шу қонунга риоя қилинмай ёзилган кўпгина пьеса, роман, қисса ва достонларнинг китобхонлар, режиссёrlар ва томошабинларга манзур бўлмай, узоқ вақт китоб дўконларида қолиб кетиши ёки кутубхоналарда чанг босиб ётишининг сабабларидан бири ҳам шундадир.

Сайд Аҳмад танқидчи Т. Юнус билан сұхбатда (1993

иил) «Келинлар құзғолони» комедиясшының езилиши ва саңнага қүйилиши тарихини бундай ҳикоя қиласы:

«Мен қайвона-келинлар ҳақида күп ҳикоялар, ҳажвиялар ёзғанман. Бу мажарони ёзіб, тутатиб бўлмас экан... Охири бир нуқта қўйийки, шу мавзуга қайта қўл урмай деб, «Келинлар қўзғолони»ни ёздим.

Т. Юнус. «Келинлар қўзғолони» кичик бир ҳажвия эди.

С. Аҳмад. Ҳа, кичик бир ҳажвия эди. Радиога бир пусхасини берганимда улар инспекцияровка қилиб әштиришибди. Асли пьеса ёзилишининг тарихи бундай бўлган.

Ҳамза театрининг директори мархум Олим Хўжаев бир куни Саидахон билан иккөнимизни театрга таклиф қиласы. Ўша куни «Мен Чилига ишонаман» деган спектакль қўйилаётган экан. Одамлар кетиб қолмасин, деб та-наффусда эшикларни беркитиб қўйишди. Спектакль тамом бўлгандан кейин, мана аҳволни кўрдингларми, бир нарса ёзіб беришингиз керак, деди. Томошабинлар қочиб кетмасин, деб эшикларни қуалфаб ўтирибмиз. Мен, хўп, менда бир нарса бор, шунни Баҳодирга берай, ўқиб чиқсин, дедим. Кейин ҳикояни Баҳодирга бердим. Ҳикоя унга маъқул бўлди. Ўйга бориб тонггача бир парда ёзіб олиб бордим. Уям маъқул бўлди. Иккинчи пардасини ёздим. Буям маъқул бўлди. Кейин учинчи пардасини ҳеч ёзолмадим. Уч ой қочиб юрдим. Баҳодир мени уч ой қидирди. Охири топиб, бир бало қилмасангиз бўлмайди, деб туриб олди. Ёздим... Шу... ёқиб-ёқмай қабул қиласы. Репетициялар ўтди. Спектакль тайёр бўлди. Аммо учинчи пардаси ҳеч ўхшамайди-да! Бадий кенгашга ҳам ёқмади. Ҳамма тарқагач, Баҳодирга: «Эртага эрталаб бир гап айтаман, репетицияни тайин қилгни,— дедим.—Иккинчи пардани яна қайтарсак, қандай бўларкин?!» «Қандай қилиб?» Мана қара, дедим. Бола ўз онасини судга беролмайди. Кўчага чиқиб опаси устидан арз қилолмайди. Онани уриб бўлмайди, сўкиб бўлмайди. Бадном қилиб бўлмайди. Бирдан-бир чора ўзини ўзига кўрсатиш... Баҳодир жуда зийрак-да, ипятимни дарров илгаб олдида, иккинчи пардада роль ўйнаган эркакларга аёллар кийимини кийдирди. Репетиция бошланинши биланоқ театрининг қоровулидан тортиб фаррошларгача залга кириб олишди. Қийқириқ бўлиб кетди. Ўша куни кечқурин комиссияга кўрсатдик. Афсуски, яна жанжал чиқди. «Юқори»дан келган ўртоқлар кўришди. Эски шаҳарда

иккита цирк булио қолиоди, бу гирт масхараозлик-ку,— деб ёътиroz билдири Фрунзе Жўраев.

Т. Юнус. Театршунос..

С. Аҳмад. Бен кунгача жанжал бўлди. Бешинчи куни раҳматли Зайнаб она бошидан рўмолини олди-да, залга отиб юборди. Мен санъатни тушунмайдиган одамга комедия ўйнамайман, деди-ю гримини ҳам артмасдан уйга кетди-қолди. Эртасига улар келмади. Шунда Иззат Султон, сиз буларга қарши ҳеч гап қилманг, асарингизнинг ўзи ўзи учун курапасин, деди. Охири Иззат ака айтгани бўлиб чиқди. Бу орада Москвадан Маллий театрининг режиссёри Ҳамза театрининг Москвага ижодий сафар қилиши масаласида келиб қолди. Унга бошқа спектаклларни кўрсатиши. Аммо ҳеч бирини маъқул кўрмади. Сўнг «Келинлар қўзғолони»ни намойиш қилишди. Үрислар учун бу нарса ғалати-да! Москвага шу асарни олиб борасизлар, деб туриб олди. Ниҳоят, Москва томошабинлари ҳам спектаклни жуда яхши томоша қилишди. Спектакль асли икки марта қўйилиши керак эди, аммо политбюро аъзоси, СССР Маданият министри буйруги билан яна бир марта намойиш қилинди.

Ўша кезларда Саидахон вафот этган, эндиғина 20 сини ўтказиб, Москвага кетгандим. Руҳан жуда азобда қолган пайтларим эди. Спектаклининг Москвада катта шов-шувга сабаб бўлиши, муҳокамада яхши баҳо олиши қўнглимни кўтарди.

Орадан бирон ҳафта ўтиб, эрталаб Одил Еқубов телефон қилиб, «Бугунги «Правда»ни олиб ўқинг», деди. Ҳақиқатан ҳам ўша куни «Правда»да профессор Рудницкийнинг «Талантлар ҳамоҳанглиги» сарлавҳали жуда катта мақолоси босилган экан. У «Келинлар қўзғолони»га юқори баҳо берган. Яна ҳар хил гаплар гимирлаб қолди. «Спектакли мактаган, пъесани эмас» деб гап тарқатиши. Ўзлари муҳокамаларда ёмон пъесадан яхши спектакль яратиб бўлмайди, дейишарди-ку.

Бу орада пьеса Ўрта Осиё ва Қозогистоннинг барча академик театрларида қўйилди. Ҳаммасини бориб кўрдим. Аста-секин чет элларда, Кавказ республикаларида қўйилди» (Сайд Аҳмад билан Тоир Юнус сұхбати. Давр шиддатли, бешафқат «Шарқ юлдузи» журнали. 1993 йил, 5—6-сон, 117—118-бетлар).

Шундай қилиб, адабиёт ва санъат тарихида яна бир марта янгиллик яратувчи тутмаг талант назарий ақида-парастлик пардаларини ёриб чиқиб, ўз ўринини эгаллади.

ли қатнишади. Нега етти, олти эмас ёки саккиз эмас? Етти рақами қадим замонлардан бери халқ онгига қандайдир хосиятли бўлиб келади. Қадимги мунажжимлар тушунчаларига кўра коинотнинг маркази Ер бўлиб, унинг атрофида етти қават осмон. Осмондаги юлдузлар туркумидан бири — Етти оғайни (тожикчада — Ҳафт бародарон), ҳафта ҳам етти кундан иборат. Алишер Навоий ҳам «Ҳамса»га киритилган достонлардан бирини «Сабъаи саёёр» (Етти саёҳатчи). Абдураҳмон Жомий ўз асари номини «Ҳафт авранг» («Етти гўзаллик ёки Етти таҳт») деб аташган. Яна халқ мақолларидан «Ёнидагини етти йил қидирибди», халқ ибораларидан «етти ёт бегона», «етти пушт», таъна ибораларидан «Етимча, етти кулча» кабиларни эслатиш мумкин.

Сайд Аҳмад асаридағи етти тушунчасининг илдизиши халқ тушучасига боғлиқ бўлиб, ўзбекларниң гўзалмий фазилатларидан бири — болажонлик, кўп болали эканлигини англатади.

Асар қурилмаси (композицияси) даги марказий ўринини эгаллаган Фармонбиби образи факат комедиянавис Сайд Аҳмадининг ижодий ютуғи бўлиб қолмай, у ўзбек комедиянавислигининг ҳам катта ютуғидир. Фармонбиби — ўқтам, ҳалол-покиза, фарзандларига меҳрибон, қаттиқ-қўл она-қайноналарниң умумлашган бадший образидир. Айрим тақиҷичиларнинг Тошкентдай пойтахтда бир ҳовлида туриб, бир қозондан овқатланувчи етти ўғил ва көлин булиши мумкинлигига ишонқирамай қарашларига ўрип йўқ. Бадиий адабиётда бўрттириш, умумлаштириш муҳим роль ўйнайди. Катта ҳовлиларда биргалашиб яшаш ва тоғавини бир дастурхонга олиб келиш ўзбек ҳалқининг қадимий одатларидан бири бўлиб, саноат ва транспорт ҳамда янги архитектуранинг ривожланиши билан микрорайонлар, кўп қаватли уй ва секциялар тараққий қилган XX асрнинг 70-йилларида ҳам катта ҳовлиларда биргалашиб яшаш йўқолиб кетгани йўқ. Бадиий адабиёт умумлаштириш хусусиятига эга. Фармонбиби оиласи ҳам шулардан бири.

У қаттиқ қўл, ҳатто айрим ҳолатларда хасис бўлиб ҳам кўринади, ўғиллар ва келшилар ойлигини қўлларидан олади ва ўғиларга бир сўмдан, келшиларга ярим сўмдан беради. Бироқ уни тушунмоқ керак: у 75 ёшда, унинг ёшлигига пулни юз мاشаққат билан топишган.

ка» билан киши бошига бир кечакундуз учун 400 грамм қора поп берилар эди. У исрофгарчиликни ёмон кўради, тежаб-тергаб харажат қилиш — унинг асосий оилани бошқариш принципи. Бу, албатта, кулгили. Шунинг учун ҳам Сайд Аҳмад уни ўз асарининг бош қаҳрамони қилиб олади.

Комедиядан бир парча келтирамиз: Фармонбиби ичкари уйдан чиқаётганида унинг кулогига ўғилларидан Маъмур ва Комилнинг «Ойимга ўхшаб...» дегап гаплари чалинади:

Сотти. Ойимлар...

Маъмур. Яхши ётиб турдингизми, ойи?

Фармон. Ҳа, нима? Ойисига ўхшаса ёмон бўптими? Сен етимчаларнинг бошини икки қилган ким? Агар ойингга ўхшаган хотин шаҳарда битта бўлса, ойинг. Иккита бўлса ҳам шу ойинг. Бева бошим билан тоғаптутганингни маҳкам ушлаб, шунча уй курдим, маза қилиб ўтирибсизлар. Рўзгоринг бут. Бу нимадан? Ойингни сараникомлигидан бирорга муҳтоҷ қилмадим. Қўни-қўшилардан бир кафт туз, битта ниёз сўрамадим. Хумчанг тўла мой, қоп-қоп уну туруч. Ҳа, ойингга ўхшаса ёмон бўптими? Ҳамма хотинлар ойингга ўхшаса жон-жон дейди. Бу гап сеники эмас, хотининг Меҳричининг гапи.

Сотти. Тўғри. Ие, ойи, бу кишининг хотинлари менман-ку.

Фармон. Ие, сен буни хотини эдинг-а, йўқ, бундан бу гап чиқмайди, янглишириб юборибман. Отанг раҳматлик эркакликни ўрнига қўярди. Раҳматлини ҳамма Азим шер деб атарди. Юрса ер титрарди, йўталса, даражатдаги қушлар ширр этиб учуб кетарди. Акса урса, осмонда момақалдироқ бўлиб, чақмоқ чақарди.

Раҳматлик хотин кишиниг гапини гап демасди. (кўзига ёш олиб.) Шундоқ одам тупроқда ётибди (бирдан ўзига келиб.) Кенижа келин қани? Нега кўринмайди?» (Сайд Аҳмад. Сайлайма. Уч жилдлик. Учинчи жилд. Т., 1982, 395—396-бетлар).

Фармонбиби болаларини ҳалоллик, тўғрилик, меҳнатсеварлик ва каттага ҳурмат, кичикка шафқат руҳидага тарбиялаган. Ўғилларидан бири милиция офицери, бири терговчи, бири артист, бироқ улар оналаридан ажralиб кетгилари келмайди. Чунки оиладан кўнгиллари тўқ: саранжом саришта; командировкага кетадими, аскака

такда пул бўлмагандан кейин худа-бехуда бозорга санқиши
ҳам йўқ. Дарвоза олдида Уста Боки ишлаб турибди,
41 наутияниг ёёқ кийимларин ямаш ташниши ҳам шу
уста ва «генерал» Фармонбиби бошида.

Асарда Фармонбибининг ҳалоллигини кўрсатувчи қа-
тор эпизодлар иратилган. Мана шулардан бири:

Хотин. Онасиз ахир, ўғилларигизни кўндириинг.
Бир оғиз гапта 15 минг олсангиз ёмонми?

Фармон. Хўп, кўндиришга ҳаракат қилиб кўраман.
Ичкаридан ўғиллари чиқишади. Мана, шулар менинг
ўғилларим.

Ўғиллар. Ассалому алайкум!

Фармон. Ҳаммаси мени ҳурмат қилишади. Ҳозир
сўрайман. Болаларим!

Ўғиллар (қўлларини кўксига қўйиб). Лаббай, ойи-
жон!

Фармон. Болаларим, сизларга ҳаром томоқ едир-
ганиманими?

Ўғиллар. Нима деяпсиз, ойижон?

Фармон. Шошманлар, сизларга ўғирлик қилгин,
деб ўргатганиманими?

Ўғиллар (қатъий). Иўқ.

Фармон. Мени бир гапимни икки қилганимисизлар?
Ўғиллар. Иўқ.

Фармон. Мен ўртага тушсан, пора оласизларми?
Асқар. Сиз ўртага тушмайсиз.

Фармон. Борди-ю, ўртага тушсан-чи?

Комил. Биз сизни иззат-ҳурмат қиласиз. Ҳамма
айтган гапингизни бажарганимиз. Аммо бу илтимосингиз-
ни ўлсак ҳам бажармаймиз.

Фармон. Болажонларим!

Ўғиллар. Лаббай?

Фармон. Раҳмат сизларга! Раҳмат. Энди эшитинг-
лар. Манави хотиннинг ўғри, муттаҳам ўғлини қамоқ-
дан чиқаришимиз керак экан. Бунинг эвазига бу хотин
бизга 15 минг сўм берар экан. 15 минг сўм-а...

Асқар (телефон трубкасини олиб). Рухсат этинг,
ойи...

Фармон. Кўй, болам қўй, энди сизларга рухсат.
Боринглар! (Ўғиллари чиқиб кетгач.) Энди меҳмон биз-
ни кечирасиз. Сизни илтимосингизни бажара олмаймиз.
Бошқа илтимос бўлганда майли эди. Мени Башорат ке-
линим айтгандай: «Нима эксангиз, шуни ўрасиз». Энди
боринг. Совғангизни ҳам олиб кетинг.

Бутун комедия шу уқтам, болалари ва келинларига
мехрибон, ғамхўр она-қайнонанинг ўзи сезмайдиган, би-
роқ бошқалар кўзига ёмон кўринадиган қилиқларидан
кулиш асосига қурилган. У қилиқлар ва сўзларниң ке-
либ чиқишига сабаблар: умр бўйи мамлакатнинг қаш-
шоқликдан чиқмаганлиги, доим ҳукуматдан уй талаб
қилувчи шаҳарлик оиласалар рўйхатидаги минглаб кишилар-
ниң навбат кутиб туриши, объектив ва субъектив са-
бабларга кўра бир оз хасисликнинг борлиги, юқорида
Аҳмад Дошишдан келтирилган фикрлардаги ҳақиқат
(қайнонанинг ўзини оиласанинг ҳокими деб ҳисоблаш ру-
хи), Нигорагача келиппларниң ўз ҳақ-ҳуқуқларини қат-
тиқ туриб талаб қилмай, муроса-мадора қилиб келган-
ликлари ва ҳоказо.

Комик конфликт қайнона ва келинлар орасида юз
беради. Бунга яқинда шу хонадонга келии бўлиб кел-
тин еттиинчи келин Нигоралинг эркесварлик туйгуси
туртки бўлади. У одамни камситадиган қилиқларни
ҳазм қилолмайди: келинларниң ўз хоҳишларига қараб
кийина олмасликлари, қайнонанинг бутун пулни улар
қўлидан юлиб олиши, ҳатто жемнир ёки ичкийим олиш
учун ҳам ўз маошини келтириб бериб, кейин қайнонага
ялиниб пул сўраш кабиларга қарши чиқиб, овсишларига
қаршилик қилиши намунасини кўрсатади. Нигора янгича
тарбиялашган — қисқа енгли, спорт кийимларини кийиш
ва темир халқада ҳовли юзида машқ қилишини нормал
ҳол деб ўйлади. Мана шунда характерлар тўқнашуви
юз беради.

Фармон. Вой шарманда. Вой беюз. Бу қанақаси?
(Ўғилларига.) Қочларинг. Индамай қараб тургани уял-
майсанми? (Ўзи ҳам юзини тўсади.) Кир уйга, кир деяп-
ман!

Нигора. Нима туюҳ қилдим, ойижон?

Фармон. Ойи дема-е, юзсиз.

Ҳаким. Ҳамма ёшлар ҳам шу-да, ойи.

Фармон. Сен аралашма. Сен докторман деб хотин-
ларни ечинтириб, кўкрагига қулогингни тутиб, бетинг
қотиб кетган. Оппоқ билагидан ушлаб томир кўра бериб
этинг ўлиб кетган.

Фармонбиби XX асрда авж олган маънавий қадрият-
ларниг ёёқ ости қилинишига қарши чиқади. У энг қим-
матли қадрият — шарм-ҳаёни ҳимоя қилмоқчи. У фан-
техника, савдо, спорт тараққиёти, халқаро алоқаларниг
мисли кўрилмаган даражада ривожланиши сабабли улар-

Хам болиги оқибатида турмушимизга кириб келган янгиликларга күнника олмайды. Комедия турғунылук йилларида ёзилғанлығи учун Фармониби үткіца диний сүз ва иборалар деярли йўқ. Агар асарини бу кунларда ёза эди, Саид Аҳмад ўз қаҳрамони тиляга «Ал ҳаё-ю минал ҳақ», «Ҳаёсизда вафо йўқ» каби оят ва сураларни киритиш бўлар эди. Биз ёзувчими ёки Фармонибиини, ёхуд Нигорани қораламоқчи эмасмиз. Қайнона ҳам, келин ҳам ўз даврининг кишилари. Фармониби үткіца ҳаётдагиек айрим диний-ахлоқий иборалар бўлмаса-да, унинг руҳида бор. Биз бу комедиядаги тасвирлар реал эмас демоқчи бўлган айрим тапқидчилар фикрига қўшилмаймиз. Саид Аҳмад воқеликка диалектик муносабатда бўлиб, мавжуд қарама-қаршиликларни реал тасвир қилғанлигини мамнуният билан таъкидламоқчимиз. Дарҳақиҷат, Нигорада гуноҳ йўқ. У шундай тарбия кўрган. Шунинг учун такроран гуноҳим нимада деб сўрайди:

Нигора. Гуноҳим нима ахир?

Фармон. Шир ялангоч чиқа қолгин эди. Кийим киймай ялангоч юра қолгин.

Сотти. Ҳозирги ёшларда уят борми, ойижон.

Фармон (Тўхтага). Эрмисан, нимасан? Хотининг акаларинг олдида ялангоч юрса ҳам этинг жимирламайди-я. Аслида сени ўзинигни худо урган. Опкір уйга. Этаги узунроқ кўйлак кийдир. Кўкраги ўлгирга ҳам бир нима ёпиб кўй.

Тўхта. Хўп, хўп, ойижон, ҳозир (Нигорага.) Уйга кира қолинг. Бошқа кўйлак кийиб олинг.

Нигора (овозини борича). Вой, мен қанаца уйга келин бўлиб тушдим. Ўн саккизинчи асрга қайтиб кетдим-ку.

Ҳаким. Келин ҳужумуга ўтди.

Нигора. Бу қайси хонлик замони. Қайси феодалинг уйи?

Асқар. Ёмон бўлды. Келин сиёсий томондан оляпти.

Нигора. Горкомга бораман. Арз қиласан. Тошкентдек шаҳри азимда бир феодал оила бор, текшириб чора кўринилар дейман.

Асқар. Бизга гап тегмаса гўрга эди.

Нигора. Улар қулоқ солмаса телевизорга бориб, миниатюрачиларга илтимос қиласан, башарангларни кўрсатаман.

Фармон. О, дои тирича, мени ҳеч ким, ҳеч нарса қиломайди. Мен пенсионерман.

Нигора. Бўлмаса, социал-таъминот министрлигига бориб ара қиласан.

Фармон. Бор, ундан каттасига бормайсанми. Бор-э...

Нигора. Пенсиянгизни тўхтаттириб қўяман.

Уринбай. Оббо, келини тушмагур, ёмон жойдан ушлади.

Маҳкам. Пул масаласи ойим учун жиддий масала. Қани, бу ёғи қандай кўчаркин.

Фармон (гап тополмай қийналиб туради. Зўрмазўраки куллади). Сизлар шима қилиб томошабин бўлиб турибсизлар? Ишингизга жўнамайсизларми?

Асқар. Машина келсин.

Фармон. Э, машинанг ўлсив. Мунча имиллади? (Нигорага). Вой, айланай, мендан хафа бўлдингми? Қўй, хафа бўлма. Қани юр-чи, иккаламиз ичкарига кириб бир муросага келиб олайдик. (Соттига). Сен юр! (Тўхтага) Сен қол!

Комил. Ойим таслим бўлаяпти.

Асқар. Бу бир тактика. Ойим арслонга ўхшаб иш тутадилар. Бир қадам орқага чекиниб туриб, сақраб ҳамла қиласадилар.

Фармониби ўжар қайнона эмас, ўжар бўлганида шундай кичик даҳанаки жангдан катта жанг келиб чиқар эди. У оқида, ёш келини билан муроса қилиш кераклигига ақли етади.

Нигора ёш бўлишига қарамай сиёсий саводли, Фармониби жорий қилган тартибни қуллик деб атайди, муроса-мадорага бормайди. У оиласада эр ва хотин, қайнона ва келининг тенглиги, мустақиллиги тарафдори, XX аср шундай гоялар асри. У тадбиркор: оиласи бузишга бормайди, овсинарни, қайин оғаларини ўз томонига оғдириб олиб, Фармонибиининг хупук қилиқларини спектакль қилиб ўзига кўрсатиш йўли билан унинг онгига таъсир қилиши, шу йўл билан оиласада янги тартибини амалга оширади.

Саид Аҳмад бошқа персонажларни ҳам индивидуаллаштиришга эътибор берган. Мехри — врач, ҳар гапда академик Иван Павловдан «цитата» келтирмоқчи бўлади, у мулойим табиат ва секин сўзлайди; тўнгич келин Башорат биринчи бўлуб Нигорага ён босади ва қайнонага сўз қайтаради. Халқ мақолларини кўп ишлатади.

Башорат. «Юзга антганинг заҳри иуқ», «Оларда кирад жоним, берарда чиқар жоним», қўйинг ойи. Зиқналигингижонимга тегди. Рўзгоримни бўлак қилиб беринг ё мени жавобимни беринг.

Фармон. Нима?

Башорат. Кетаман.

Фармон. Қаёққа?

Башорат. Ойимниги.

Фармон. Ёшинг элликдан ошиб қолган бўлса, ойинг неча ёшдалигини ўзинам билмаса. Сенга кўзи учiburгандир. Борсанг танирмикан?

Албатта, барча персонажлар ўзига хос характер ва шутқа эга деб бўлмайди. Бу З пардалил театр саҳнасига мўлжалланган асар, унда ҳаммани чукур кўрсатиш шарт ҳам эмас, мумкин ҳам эмас. Ҳар бир пьесада бўлганидек бу пьесада ҳам бош характерлар бор, ёрдамчи персонажлар бор. Эҳтимол бизда ҳам «Бойлар ҳам йиглайди», «Оддий Мария» каби оилавий муаммолларга багишланган кўп серияли телефильмлар яратилар. Унда ҳар бир персонаж қиёфаси ва тарихини бемалол кўрсатиш, характерини очиш мумкин бўлади. Адолат юзасидан айтганда бизда ҳам бу иш бошлиган. Алишер Навоий, Заҳрииддин Муҳаммад Бобур ҳақидаги кўп серияли видеофильмлар бунга мисол бўла олади. Бироқ хозирча бундай фильмлар буюқ ажоддларимиз ҳаётига багишилниб келмоқда. Тұрмуш «икир-чикир»ларига багишиланган икки, уч ва тўрт серияли («Баҳор қайтмайди», «Умид» каби видиофильмлар бор. Саҳна шаронти ҳатто Фармонбиининг 41 набирасидан биттасини ҳам кўрсатишга имконият бермаган. «Келинлар қўзголони» пьесасининг композицияси ва сюжети уччалик мураккаб бўлмаса-да, юмористик қулги келтириб чиқарадиган бир қанча лавҳаларга эга. Радио мухбириининг келиши ва унинг репортаж олиши, Фармонбиби ва Соттининг келинлар ва ўғиллардан маoshларни олиб, кирим ва чиқим дафтарларига ёзишлари, нотаниш хотинининг келиб нора бермоқчи бўлганлиги, ўғиллар ва келинларга бир хил уй кийими тарқатилиши ніҳоят, хусусан кеңжа келин Нигоранинг бадантарбия қилиб, қайнопанинг жигига тегиши кабилар. Хусусан саҳнада саҳна (ўғилларнинг аёллар кийимларини кийиб томоша кўрсатишлари) ва бошқалар.

Асар устида сўз юритганда Ҳамза помидаги ўзбек давлат академик драма театри спектаклида иштирок қилган артистлар, хусусан Фармонбиби ролини жуда маҳорат билан бажарган Ўзбекистон ҳалқ артисти Зайнаб Садриева кўз ўнгимиизда гавдаланади. 1976—1983 йилларда бу спектаклида 500 марта ўйнаган Зайнаб Садриеванинг босиб ўтган ҳаёт йўли (болалиги ва ёшлигига кўп мashaқатларни кўрганлиги), ўзбек ҳалқи ҳаётини жуда яхши билганилиги ўз кучини кўрсатган. Унинг

сўзлаш оҳангидга «Утган күплар» романининг қаҳрамони Ўзбек ойимга хос ўқтамлик, «Аяжонларим» қаҳрамони Бўстонга хос қатъият, нутқидаги кесатиши, ҳазил оҳанги, салобатли гавдаси ва қиёфаси (юзидаги йирик холи) ўзгача аҳамият касб этади. У — пьесада ва саҳнада чинакам ўзбек миллий характеристери.

Сотти характеристи ҳам қизиқарли бўлиб чиқкан. Бу келин Фармонбиининг гайратли ёрдамчиси ва ҳамма нарсадан қайнонасини хабардор қилиб турувчи ахборотчиши. Овсиналари уни «шпион» десалар-да, у кўпам эътибор бермай, овсиналарим ҳазил қилишади деб ўйлади, ўз ишидан қолмайди. Давлат бошлиқлари катта давлатни аниқ маълумотларсиз идора қилолмаганларидек, катта онда бошлиғи Фармонбиби ҳам Сотти каби ахборотчиларсиз «генераллик» қилолмайди. Ҳаётда зарурат бўлмаса ҳеч нарса пайдо бўлмайди ва узоқ вақт ишай олмайди...

«Келинлар қўзголони» пьесасининг композицияси ва сюжети уччалик мураккаб бўлмаса-да, юмористик қулги келтириб чиқарадиган бир қанча лавҳаларга эга. Радио мухбириининг келиши ва унинг репортаж олиши, Фармонбиби ва Соттининг келинлар ва ўғиллардан маoshларни олиб, кирим ва чиқим дафтарларига ёзишлари, нотаниш хотинининг келиб нора бермоқчи бўлганлиги, ўғиллар ва келинларга бир хил уй кийими тарқатилиши ніҳоят, хусусан кеңжа келин Нигоранинг бадантарбия қилиб, қайнопанинг жигига тегиши кабилар. Хусусан саҳнада саҳна (ўғилларнинг аёллар кийимларини кийиб томоша кўрсатишлари) ва бошқалар.

Саҳнада саҳна кўринини Шекспирининг «Ҳамлет»ида бор. Унда шаҳзода Ҳамлет отасининг арвоҳини кўриб, ундан қотиллар онаси ва амакиси эканликларини билгач, бу гапнинг тўғрилигини текшириш учун сайёр артистлар труппасидан фойдаланади. Улар орқали отасининг қулоғига симоб қўйиб ўлдирган амакиси ва онасининг руҳий ҳолатларини кузатади, қотиллар шулар эканлигига ишонч ҳосил қиласди. Бироқ унда саҳна ичидаги саҳна фожиавий руҳни кучайтиради. Сайд Аҳмаддаги саҳна ичидаги саҳна Фармонбибига ўз қиёфасини кўрсатиш орқали келинлари ва ўғилларига муносабатида замон талабларига жавоб бермайдиган томонлар борлигини билдириб, уни шу иллатлардан ҳалос бўлишга хизмат қиласидиган ҳазил-кулги мухим роль ўйнайди.

Сайд Аҳмаддинг комедия ёзишидаги маҳорати кўп жи-

ҳатдан асар тили устида ишлashingа боғлиқ. Асар номидан бошлайлик.

Одатда, ҳаётда келин-қайнона ва ўғил-куёвларнинг конфликтлари «можаро», «жапикал», «уриш» деб юритилади. Сайд Аҳмад сарлавҳага «қўзголон» сўзини олиб чиқиб, шу билан асардаги воқеаларни бўрттириб кўрсатади. Катта ижтимоий-сиёсий ҳодисалар номи бир оила, турмуш тортишувларига кўчирилиши билан ҳар қандай томошабин ёки китобхон дикқатини ўзига тортади.

Кишиларга қўйилган номларда ҳам чуқур маъло бор. Фармонбиби марҳум эрини Азим шер дейди, одамлар унинг номига шерни қўшиб айтган эмишлар. Фармонбибининг ўзини ямоқчи уста Боки «генерал» деса, маҳалла аҳли «маршал» дер экан. Келинлардан бирининг номи Сотти. Овсинлари уни «сотқин», «шпион» дейишиди. Ислим жисмига монанд тушган.

Бош қаҳрамон ва бошқа қатишувчилар тилларида мажоз-истиора, кўчим, кўчма маъно аинглатувчи, қўзгайдиган сўз ва иборалар кўп:

«Маъмур: Оббо сиз-эй. Доим шунача сув ёши ламаган гапларни топасиз»; «Маҳкам. Ҳа, энди, акаси... Кўпни кўрганимиз-да. Зарур бўлган пайтда хотинига чап бериб, арақдан клизма қилгандарни ҳам кўрганимиз»; «Фармон. Етти сўм ёз. Олтмиш тийини ўзинг топасан. Олтита овсинингдан олсанг, олтмиш тийин бўлади. Улар ҳам фойдаланишади».

Қайнонанинг бу сўзида унинг хасислигини очиб берадиган ўзига хос муболага бўлса, Уста Бокининг сўзларида мақтов ва хушомад оҳангига кучли: «Сизнинг тарбиянгиздан чиққан болаларнинг ҳаммасида сифат белгиси бор».

Яна Уста Боки бундай дейди: «Ҳа, балли. Отам (гап марҳум Азим шер ҳақида боради — С. А.) раҳматлик фонусининг ичига керасин қўймасдилар. Ароқ қуярдилар. Кўчаларда холироқ бурчакларда тўхтаб фонус плигини миқ-миқ қилиб сўрадилар. Кечалари бош кўтариб, бир-инки инилк сўриб қўярдилар.

Фармон. Вой, қуриб кетсин. Нега оғзингиздан қўланса ҳид келади десам, жигарим касал дер эди. Томошабин саҳнадан бундай гапларни эшиётганда «Ҳаётда шундай одамлар бўлганми?» деб сўраб ўтирумайди, ижодкорларнинг тоғған антица гапларидан беихтиёр кулади. Санъат асарида ёлғон йўқ, бадиий тўқима, фантазия бор ва бўлиши керак.

Яна шундай мисоллардан:

«Сотти. Тайёрмай ойижон. Қалитни беринг.

Фармон (қалитни беради). Үф, нима бало суртдинг? Сасиб кетибсан-ку?

Сотти. Тугмасини босса, новиллаб отиладиган атирадан сепаман деб, адашиб пашша ўлдирадиган «Аэрозол» ўлгирии сениб юборибман».

Ҳаким. Оилада шпион штати қисқартирилсин.

Тарихда қизиқ тасодифлар бўлади. Шундай тасодифлардан бири Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театрида юз берди. Бош режиссёр ва артистларнинг бир гурухи театр маъмурини билан келиша олмай, ўзига хос «Артистлар қўзголони» қилиб, бу театрдан чиқиб, собиқ «Ёш гвардия», ҳозирги Аброр Ҳидоятов номли театрга ўтдилар. Қизиқ тасодиф шундаки, «Келинлар қўзголони»да ўйнаган Зайнаб Садриева ва бошқа артистлар ўша «қўзголончилар» бўлиб чиқдилар. Зайнаб Садриева «Келинлар қўзголони»да ва унинг давоми бўлган «Фармонбиби аразлади» спектаклларида минг мартадан зиёд ўйнаб, 76 ёшида оламдан кўз юмди. Телевизор тасмасига ёзиб олинган ва кўп марталяр кўрсатилган спектакль маданиятимиз олтин фондидаги сақланади ва вақти вақти билан кўрсатилади. Кишилар қўриб, роҳатланиб куладилар ўзларидаги шунга ўхшаш камчиликлардан кулиб покланадилар.

«Келинлар қўзголони» пьесасини жаҳоннинг бир қанча театрлари саҳнага қўйиши: Душанбе, Ашгабат, Алмати, Ўш, Хўжанд, Лаос, Син-Цзян ва бошқа театрлар саҳналарига қўйилиб, ўзбек маданинти ва санъати кўп миллионли томошабинларни мафтун қилмоқда. Чинакам миллӣ ва умуминсоний маънавиятлар барқ уриб турган асарнинг тақдирни шундай баҳтли бўлади.

Асар ютуғи комедиянависни ижодий илҳомлантириб, ўша пьеса бош қаҳрамони штирокида иккинчи комедия — «Фармонбиби аразлади»ни ёзишга илҳомлантириди. Бу асарни — Аброр Ҳидоятов номидаги театр саҳнапаштирган бўлса-да, унинг матни ойнома ёки бирон пъесалар тўпламида босилиб чиқмаганилиги учун таҳлил қилишдан сақландик.

Сайд Аҳмаднинг «Келинлар қўзголони»дан кейин («Фармонбиби аразлади»дан олдин) ёзган ва Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театри томонидан саҳнапаштирилган иккинчи комедияси «Куёв» (1986) бўлди. Унинг матни «Шарқ юлдузи»да босилиб чиқди

(Сайд Аҳмад. «Куёв» (уч парда, уч кўриниши комедия), «Шарқ юлдузи» журнали, 1986, 1-сон, 67—95-бетлар).

Ижодкор, бунда энг ҳаётай, кўпчиликни қизиктирадиган муаммо — кексайгандаги жуфтидан айрилган кишиларнинг маҳрам (хамхона)га муҳтож бўлиб қолишидир. Бу муаммода драма ҳам, трагедия ҳам, комедия ҳам яратиш мумкин. Бунда жанр ижодкорнинг услубига хос истеъоди ўйланишига боғлиқ. Бу мавзуда М. Шайхзода трагедия, К. Яшин драма, Уйғун трагикомедия, А. Қаҳҳор сатирик комедия ёзишлари мумкин эди. Сайд Аҳмад эса юмористик комедия ёзган. Бу муаммо жаҳондаги турли миллӣ драматургияда, замон руҳида ўз аксини тоғланлиги маълум.

Хали XX аср 10-йилларида озарбайжон халқининг талантли фарзанди Узейир Ҳожибеков ўзининг «Аршин мол-олон» юмористик музикали комедисида Султонбек ва Асқарининг холоси роллари орқали ўз қарашларини акс эттирган эди. Султонбек фикрича, муносиб бева аёл тошилса бўлгани, «Бир каллақанд, уч сўм пул, бир мулла, васссалом» — никоҳ ўқилиб ёлғизлик кулфатидан қутулиш мумкин.

Бироқ «Аршин мол-олон»да бу муаммо пьеса спектаклининг бош мавзуи бўлмай, иккинчи даражалидир. Унда биринчи даражали мавзу Асқар каби ёш бўйдоқ саводгар йигитининг «уйланишдан олдин бўлаjak келинни кўришим шарт» деган қарорга келишидир.

Сайд Аҳмаднинг «Куёв»ида кексаликда таимахрамлик бўлиш бош масаладир. Сайд Аҳмад ўз миллати ҳаётини яхши билади. Унинг ўзи пьеса ёзилгандаги севикли завжасидан ажралиб, ёлғизлик изтиробларини бошидан кечираётган эди. Ўзи бошқа уйланмади, ёри ёди билан, набиралари бошини силаб янашга қарор қилди. Бироқ у ижодкор сифатида кўпчилик ёлғиз қолган кексалар бошига тушган муаммони бадин асарда акс эттиришни ўзининг ижодкорлик бурчи деб билди.

Комедиянависнинг маҳорати ҳам ҳаётий муаммони топишида, ҳам юмористик комедия қонуниятларига муносиб конфликт топа билишида, ҳам кулгили характерлар яратади. Мана шу типларни тилда кулини қўзгайдиган сўз, ибора, гапларни тошиб ёзишида кўринади. Яна Сайд Аҳмадни шундай нарсани ёзишга уннаган омил Ҳамза номли театрда Ўзбекистон халқ артисти Фани Аъзамов каби ўзбек халқининг севикли артисти борлиги бўлган.

Пьеса ёзилиб саҳнага кўйилганидан 4—5 йил утгач, Фани Аъзамов 80 ёшга тўлган 1989 йилда бзувчи Сайд Аҳмад ўз ижодкор оғаси, дўсти ва илҳомчиси Фани Аъзамовни муборак ёши билан табриклаб бундай ёзди: «Мен Фани ака учун маҳсус «Куёв» пьесасини ёзdim. Асар қаҳрамонига «Фанивой» ҳам деб ном бердим. Бу санъаткорнинг жами ижодий имкониятларини ишга солишини ният қилдим. Пьеса битгуича печа марталаб ўзига ўқиб бердим. Пьеса битиб, repetиция пайтларида ҳам у кишидан қутулмасдим. Манаву сўзга жиндек ҳўшинг, манаву сўзни калта қилиб берниг, деб туриб олаверди. Охири бир куни қўлига пьесани бериб, ўз ролингизни ўқинг, оғзингизга қараб гапларингизни тузатаман дедим. Яхшиям шунақа қилган эканмиз, ёзган гапларим унинг оғиздан бошқача, жонли, оҳангли, кулгили бўлиб чиқаверди. Шу тариқа Фани образига жон бағишладик» (Сайд Аҳмад. Кулги сеҳргари «Совет Ўзбекистони» рӯзномаси. 1989 йил, 26 август).

Пьесанинг бош қаҳрамони Фанивой ўн бир йиллик беваликдан сўнг, қизлари, ўтил ва неваралари, келни бўлишига қарамай ўзини ёлғиз бир танмаҳрамга муҳтож сезгани ва уйланиш фикрига келгани, шу аҳволини атрофидагиларга билдириш учун аразлаган кайфиятда ўз кирини ўзи ювиши, уни дорга ёниши атрофдагиларни ҳайратга солади. Бошда уни тушунмайдилар, кир ювиши тўхтатишни илтимос қиладилар. Бора-бора Фанивойнинг аҳволини тушуниб, унга тарафдор бўлиб қоладилар. Пьеса қаҳрамонлари икки гурухга бўлшиади: бир гурух (Фанивойнинг қадрон дўсти Жўра, ўели Қудрат, келини Раҳима, невараси Эркин) Фанивой тарафига ўтиб, унинг уйланишини зарур, деб ҳисоблашади. Иккинчи гурух (Фанивойнинг кенижа қизи Назми ва катта қизи Баҳри) отанинг уйланишига қарши. Улар оналари руҳи чирқиллаб қолади, бўлаjak ўгай она отамиз меросидан бизларни маҳрум қилади, деб ўйлаб қаршилик кўрсатишади. Комик конфликт шу икки гурух ўртасида содир бўлади. Муруват — бир томон, худбинлик — иккинчи томон.

Комедиянависнинг маҳорати яна ўзига хос феъл-атвор ва қарашга эга бўлган бадин типларни яратишидадир. Мана шу типларни фикр-ўйлари, хатти-ҳаракатларини чизишида асарнинг чуқур миллӣлиги, ўзбек халқининг ҳалоллиги, тантидиги, эътиқодли ва одоблилиги,

жакидаги шавқи-зәвқи кексаликда ҳам сунмаслиги узифодасини топган.

Ғанивой оддий чоллардан эмас. У лимон ўстириб жумхуриятда, балки ундан ташқарида ҳам машҳур бўлган соҳибкор. Ёшлигига севган ҳам, яширинча суратларга ҳам тушган, Термизга бориб ошиқона дамларни ҳам бошидан кечирган. Бироқ тақдир тақозоси билан маъшукаларига қовушолмай, Обида деган камтар ўзбек қизига уйланиб фарзанд ва набиралар кўрган. Хотини ўлгач, 11 йил унинг руҳини шод қилиб келган. Бироқ шундай палла кедики, энди таимаҳрамга эга бўлмаса, қизғанчиқ қизлари қўлида хор-зор бўлиши мумкин. Шунинг учун муносиб бирон кекса аёлга уйланиб сўнгти йилларини биргаликда ўтказиш қарорига келади. Уни ўртоғи Жўра кўллаб-қувватлайди. Бошда ҳайратланган катта ўғли Қудрат ва келини Раҳима ҳам бу фикрга тарафдор бўлишади.

Драматургнинг яна бир катта ютуғи — бутун конфликтни тарапт қиласидан эрка ва шаддод қиз Назми образининг яратилишидир. Назми худбин, отасини бошқа кампирга раво кўрмайди, доим кўз олдида онасидан қолгани латта-путта кўринади. Ўзи уч марта турмушга чиққан... Отасига дуруст қарашмайди.

Комедиянавис ўзига хос топилмалар яратган. Бу — қизиқ деталлар ва манзараалар. Масалан, 1. Кир юваётган чол, дорга осилган кўйлак, иштон, пайпоқлар. Яна бу чол дағдага қилиб тогоралиб кўтариб автобус бекатига бораман, ҳамма кўрсип аҳволимни, деб болалари ва келинининг ор-номусини қўзгатади. 2. Уй чордоғидан невараси Эркин топган бойлам — лотин алифбосида ёзилган хатлар, Ғани ва Зумраднинг 45—50 йил бурун ишқий ёзишмалари ҳамда суратлари. 3. Хотин танлаш кивоси. 4. Ғанининг гул ва шам кўтариб ўлган хотини қабрини знёрат қилиш ва ундан уйлавиш учун рухсат олишга бориши. 5. Хотин танлашнинг янги воситаси — совчи юбормай кампирларни меҳмонга чақириш баҳовасида керакли номзодни аниқлаш. 6. Ғанивой — шалвирган қария эмас, донишманд лимончи, хотин тавлаш кувларида унинг Давлат мукофоти лауреати бўлиши.

«Куёв» магзи пуч, бир қоп ёнроқ, бўлар-бўлмасга эзмалик қилувчи бекормонда чоллар ҳакидаги комедия эмас. Унда чуқур инсоний ҳис-туйгулар бор. Мисолларга мурожаат қиласилик. Ғанивой бир жуфт шам ва гул-

даста кўтариб шаҳарнинг кучаларидан утади. уни курганилар бадгумон бўладилар. Бу хабар қизлари Назми ва Баҳрига етади. Улар отамиз бирон кампир билан топишшиб, қоронғу тушганда бирон дараҳт остига бориб, шамни ёқиб, гулдастани «жононга» тақдим қилиб, ошиқмошиқ ўйнасалар керак, деб кесатадилар. Бироқ аҳвол бутувлай бошқача эди.

Ғани (уларнинг пичирлашаётганларига жаҳли чиқиб). Яна нима деб изво қилияпсанлар. Мен бориб Обидагинамдан розилик олиб келдим. Ёлиз қолдим, дедим. Яккамохов бўлиб қолдим, дедим. Келишларингга, куёвларингга майна бўлиб қолдим. Мени одам ўрида кўрмай қўйишиди, дедим. Ҳайҳотдек уйда битта ўзим арвоҳга ўхшаб тонг оттирияман. Ўлиб қолсам, бир ҳафтадан кейин, сасиб кетганимдан кейин билишади, дедим. Мени кечир, бир таимаҳрам керак бўлиб қолди, дедим. Қариганда ётар-турарим бор, иссиг-совутим бор, дедим. Мана, қиши келяпти. Печканинг оловига тикилиб, тонг оттириш осонми? Қиши кечасидек узун кеча оламда бўлмайди. У ёққа юраман, бу ёққа юраман, дераза олдига келиб ўтираман. Кўчага чиқай, десам, совукда қаёққа бораман. Мен тенги чоллар кампирининг бағрида орқасини қашлатиб ётипти. Қайси ковакка сигаман, ўзинг айт, дедим. Мени ҳеч қайси ўртоғим меҳмонга чақирмай қўйди. Ҳаммаси мендан кампирини қизғанади. Тўйларига борганимда қайси жойга ўтирсам, ўртоқларим кампирини қўлтигидан кўтариб, бошқа ёққа бориб ўтиради. Янги йил кутгани қишлоқ ветеранлари нул йигишиб, хотинлари билан клубда ўтириш қилишди. Мени айтишмади. Нега айтмадинглар, десам, хотини борларни айтдик, дейишди. Обида, энди розилик бер, бир бошимни икки қиласай, дедим. Шундай қилиб, ойладарингни розилигини олиб келдим (78).

Бу — насрый лирика. Бу ижодкорининг инсон руҳий ҳолатини жуда нафис ифода этишдаги маҳорати, қулгили ҳодисалар орасида гамгин танаффус. Миллий руҳнинг реал инъикоси.

«Куёв» комедиясининг жозибасини ортирадиган восита ёзувлчнинг ўзбек тили хазинасидан, хусусан жонли тилдан, Тошкент шевасининг бой заҳирасидан усталик билап фойдаланишида. Ҳазил, пичинг, кесатиш, муболагали иборалар, бошқа тилларга таржима қилиш қийин бўлган, бироқ ўзбек тилининг сержилолигини намойиш қиласидан сўз, ибора ва диалоглардир. Айримла-

рини келтирамиз. Жарий бир-биридан ажратиш учун тартиб рақамлардан фойдаланамиз.

1. «Раҳима... Чойнак-пиёла у ёқда турсин, қозонни ҳам совунда ювади». 2. «Раҳима... Сизга ёлтон, менга чин, сигир соққанды күёванинг арагини пахтага томизиб, елинини артади». 3. «Баҳри... Дадам қулупнай еб, кетидан ҳом сут ичиб, касал бўлганларида кунларига сен ярадингми, жен ярадимми? 4. Ошиқона хатнинг охири:

«Бу оламдан кўзим юмсан,
Ганининг дастидан, деңглар...»

5. «Раҳима. «Унаца деманг. Дадамнинг кўзларida меҳригиёлари бор. Хотин кишига бир қарасалар, ўқ теккан кантардек ташпа-ташпа йиқилаверади. Яхшилаб тикилсалар, хотин зоти борки, илон авраган қуёндек эсан-кирайди қолади». 6. «Қудрат. Ҳаммомдан қин-қизил бўлиб, бутганиб чиқаётган хотинларни кўриб, сал бўлса ҳам хуморлари босилади». 7. «Ғани. Саратонда эрингни ёнинг бориб бўлмайди. Уидан сасиган тухум ҳиди келади». 8. «Назми. Бўлмайди, сочидан сузма халтанинг ҳиди келади». Раҳима. Уни ундоқ, буни бундоқ деяверманг-да. Бошидан сузма халтанинг ҳиди келиши сочини қатиқлаб юванидан. Эрга тегса, ҳар куни ювинади. Ҳиди қолмайди». 9. «Назми. Войдод! Аям раҳматлик дадами шу хотин билан тегирмоннинг орқасида ушлаб олганлар!

Ғани. Оғзингга қараб гапир. Лоторея текшираётган эдик.

Назми. Лотореяни тегирмон орқасида, қоронғу тушгандаги текширадими?

Ғани. Тегирмон деразасидан ёруг тушиб турган эди.

Қудрат. Ун гарди ўтириб қолган тегирмон деразасидан ёруг тушадими. Бўладиган гапни айтсангиз-чи, дада. 10. «Назми. Билиб қўйинглар, холажонлар. Мана шу қурумсоқ чол хотин олмоқчи. Тегманглар, асло тега кўрманглар унга. Сил қилиб, туберкулоз қилиб, рак қилиб, импай қилиб ўлдиради сизларни».

Ҳар қандай олтин узуидан ёкут, феруза ёки олмос кўзни олиб ташлаб бармоққа тақсангиз, жуда хунук кўринганидек. Сайд Аҳмад комедиясидан шундай рангдор бадиий ибораларни олиб ташласангиз комедия ҳам хунук кўринади.

«Куёв» ўзбек комедиянавислигининг 80-йилларда кўлга киритгац улкан ютувидир.

*

Китобчага «Хулоса» ёзишини лозим кўрмадик, китобхонлар эҳтиёжларига кўра тасниф ва таҳлиллардан ўзларига керакли хулосаларни чиқариб олишлари мумкин.

20-йилларнинг иккинчи ярми, 30-йилларнинг бошида ўзбек театри ҳаваскорлик босқичидан ўсиб, мутахассис театр сифатида шакллашгач, кулги-фарс жанридаги кичик пьесаларни саҳнага қўйишни ўзига эп кўрмай қўйди. 30-йиллар бошидан бизнинг кунларгача ёзилган бир пардали комедиялар кулги-фарс жанри учун хос бўлган сюжетларни тўқиши руҳидан узоқлашди. Ўрта ва олий ўқув юртлари, туманлардаги маданият уйлари қошидаги бадиий ҳаваскорлик тўгараклари бир пардали комедияларни кўрсатиб келмоқдалар. Уларнинг бир қисми пьесалар тўпламлари ёки журнallарда босилган. Масалан, Faafur Fуломнинг «Қайда бахт?», Музаффар Муҳамедовнинг «Роҳатой», Собир Абдулланинг «Сирли тандир», Шукур Саъдулланинг «Ҳаёт», Баҳром Раҳмоновнинг «Ўзи бошқа-ю, сўзи бошқа» ва ҳоказолар.

Ўзбек комедияларини жанр жиҳатидан тасниф қилиш ва уларни ҳозирги замон мавқеидан ёзилган тарихий шароитини кўзда тутиб таҳлил қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйиган эдик. Бу вазифани нечоғли ўринлата олганимизни китобхонлар ҳукмига ҳавола қиласиз. Бундаги фикрлар баҳс-мунозаралидир, камчиликлардан холи эмас, ҳақиқат холис илмий баҳсда равшанлашади.

Қўлипгиздаги бу тадқиқот ёшларга маънавий-бадиий меросимиз ҳақида, ўзбек комедиянавислиги қўлга киритган ютуқлар, объектив ҳамда субъектив сабабларга кўра йўл қўйилган хато-камчиликлар хусусида маълумот берса, муаллиф ўз вазифасини бажарган бўлади.



МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
КУЛГИ — ФАРС ЖАНРИ	13
ҲАЖВИЙ КОМЕДИЯЛАР	46
ЮМОРИСТИК КОМЕДИЯЛАР	107

Сайд Алиев

УЗБЕКСКИЕ КОМЕДИИ

На узбекском языке

Издательство «Узбекистон»—1997,
700129, Ташкент, Навои, 30

Бадиий мұхаррир *Х. Медмонов*
Техник мұхаррир *С. Собирова*
Мусаҳдиқ *М. Пўлдошева*

Тернига берилди 06.01.97. Босишта рухсат этилди 20.02.97. Бичими 84×108^{1/32}. «Обык, нов.» гарнитурада юқори босма усулида босилди. Шартли бос. т. 7,56. Нашр. т. 8,31. Нусласи 2000.
Буюртма № 805. Баҳоси шартнома асосида.

«Узбекистон» нашриёти 700129, Ташкент, Навоий кўчаси, 30.
Нашр № 222—96.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот жўмитасининг ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.
700129. Ташкент, Навоий, 30.